



# НАСАФ ВА КЕШ АЛЛОМАЛАРИ

Носир Муҳаммад



“Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қашқадарё вилояти юксак ишлаб чиқариш салоҳияти билан бирга, бой тарихий анъаналарга ҳам эга... Қадимий Кеш, Насаф, Косон, Гузор ва бошқа ўнлаб шаҳарларда бунёд этилган мадраса, рабат, масжид ва карвонсаройлар, тарихимизнинг ноёб ёдгорлиги бўлмиш Шаҳрисабздаги Оксарой каби кўплаб меъморчилик обидалари олис аждодларимизнинг бетакрор турмуш маданиятидан, бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради. Бу юрт айна пайтда башариятнинг маънавий тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган буюк фарзандлари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Биргина Насаф шаҳридан чиқиб “Насафий” таҳаллуси билан шуҳрат қозонган ўндан ортиқ олимларнинг номи ҳаммамизга яхши маълум. Ислоҳ оламини ўзининг бебаҳо илмий мероси билан бойитган ва юртимизнинг шон-шуҳратини жаҳонга таратган кўплаб азиз-авлиёлар, олиму уламолар фақат Қашқадарёликларнинг эмас, балки бутун ўзбек халқининг фахри ва гуруридир”.

**Ислоҳ КАРИМОВ**

**НОСИР МУҲАММАД**

## **НАСАФ ВА КЕШ АЛЛОМАЛАРИ**

**(IX-XX асрлар)  
ТАЗКИРА**



**Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент — 2006**

63.3(5У...4)  
М 96

*Қарши шаҳрининг  
2700 йиллигига бағишланади*

Муҳаммад Носир.

Насаф ва Кеш алломалари (IX-XX асрлар): Тазкира/ Носир Муҳаммад; Сўзбоши муаллифи А. Орипов – Қайта ишланган ва тўлд. 2-нашр. -Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. 128-б.

Носир Муҳаммаднинг “Насаф ва Кеш алломалари” тазкираси минг йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Қарши (Насаф) ва Шаҳрисабз (Кеш) шаҳарларида яшаб ижод этган машҳур шахслар – олимлар, шоирлар, меъморлар, бастакор ва хаттотлар ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган.

Китоб тарих ва адабиёт ихлосмандлари, кенг ўқувчилар оmmasига мўлжалланган.

ББК 63.3(5У...4)  
72.3(5У)

М 4702620104 – 77 2006  
М352(04) – 2006

ISBN 5-635-02 486-6.

© Носир Муҳаммад,  
Гафур Гулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
2006 й.

## НАСАФИЙЛАРНИНГ СЎНМАС НАФАСИ

*Ўзбекистоннинг ҳар қарич тупроғи, ҳар битта тоғи мозийдан ҳикоя қилади. Чунки бу юрт кўплаб босқинларни, неча-неча юксалиш ва инқироз даврларини бошдан кечирган. Мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида жойлашган Қашқадарё воҳаси ҳам бундан мустасно эмас.*

*Ўтган асрнинг 60-йилларида Тошкент Миллий университетида ўқиб юрган кезларимиз Қашқадарё Ўзбекистоннинг энг чекка ва қолоқ вилоятларидан бири саналарди. Унинг номи тилга олинганда кўпчиликнинг кўз ўнгига яйдоқ Қарши чўллари келарди. Соҳибқирон Амир Темур номини тилга олиб бўлмас, у барча китоб ва дарсликларда кўплаб мамлакатларни забт этган босқинчи ҳукмдор сифатида таърифланган эди. Бу воҳада яшаб ўтган бирорта ҳам алломанинг номини билмас эдик.*

*Қарши чўлининг ўзлаштирилиши билан вилоятнинг мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги нуфузи ҳам ортиб борди. Янги шаҳар ва қишлоқлар барпо бўлди, бир пайтлар яйдоқ чўл бўлган ерлар боғ-роғлар, ям-яшил далаларга айланди. Айниқса, истиқлол йилларида бунёдкорлик миқёси бир неча баробар ортди. Ўнлаб янги замонавий иншоотлар қад кўтарди. Натижасида, Қашқадарё мамлакатимизнинг етакчи вилоятларидан бирига айланди. Эндиликда бу ҳудуддаги Таллимаржон ГРЭСИ, Шўртан газ-кимё мажмуи, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ нефть кони сингари йирик иншоотлар вилоятдан ташқарида ҳам яхши маълум. Бугун Қашқадарё мамлакат газни ва нефтининг асосий қисмини етказиб бермоқда. У пахта ва галла етлаштиришида ҳам пешқадам.*

*Дунёда 2700 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлар кўп эмас. Вилоятнинг икки шаҳри – Қарши (Насаф) ва Шаҳрисабз (Кеш) ана шундай улуг кечмишга эга. Бу воҳанинг бой тарихи ва зафарларга тўлиқ*

бугунги кунни унинг ҳар бир фарзанди қалбида юксак ифтихор туйғу-лари уйғотади.

*Шоир ва таржимон Носир Муҳаммад ана шундай ифтихор билан кўп йиллардан буён Насафийлар ва Кешийлар меросини ўрганиб келади. Унинг "Насаф ва Кеш алломалари" номли рисоласи 2001 йили нашр этилган эди. Қарши шаҳрининг юбилейи муносабати билан у китобнинг қайта ишланган ва тўлдирилган янги нашрини тайёрлади. Китобда юздан ортиқ олим, шоир, созанда, меъмор ва хаттотлар таржимани ҳолига оид маълумотлар келтирилган. Уларнинг кўпчилиги адабий жамоатчиликка илк бор маълум қилинмоқда.*

*Носир Муҳаммаднинг бу рисоласи Қарши шаҳрининг ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилаётган 2700 йиллиги шодиёналарига муносиб тухфа бўлади, деб ўйлайман.*

**Абдулла ОРИПОВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси.

## ВОҲА ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Қашқадарё воҳасининг икки йирик шаҳри – қадимда Нахшаб ва Насаф номлари билан аталган бугунги Қарши ҳамда Кеш номи билан машҳур бўлган Шаҳрисабз тарихи Ўрта Осиёнинг энг кўҳна шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро, Хива тарихи сингари қадимийдир. Кейинги йилларда олиб борилган археологик қазилмалар, бизгача етиб келган ёзма ёдгорликлар, турли асрларда барпо этилган меъморий иншоотлар ана шундан далолат беради.

Афсуски, милодий VIII асргача бўлган ёзма манбалар ниҳоятда кам сақланиб қолган. Воҳа тарихини юнон, хитой ва араб сайёҳларининг солномаларигина бир қадар ёритади. Хитойликлар Нахшабни "Нашебо", Кешни "Ци-ши" деб ёзганлар. Араб тарихчилари Ибн Хавкал, Ибн Хурдодбех, Истахрий, Ёқут, Муқаддасий, Самъонийларнинг асарларида воҳанинг тарихи ва маданияти ҳақида қизиқарли маълумотлар бор.

Қашқадарё воҳаси тарихи кўп йиллардан буён олимларни қизиқтириб келади. Чунки энг қадимги динлардан бири – Марказий Осиё халқлари ҳаётида чуқур из қолдирган Зардуштийлик таълимотининг ёйилиши, Спитамен ва Муқанна сингари озодлик курашчилари фаолияти шу заминда кечган. Мазкур ҳудудда кўп йиллар давомида Я. Фуломов, В. Массон, С. Кабанов, Э. Ртвеладзе, Р. Сулаймонов, А. Саъдуллаев каби олимлар археологик изланишлар олиб бордилар. Иккинчи жаҳон урушидан то бугунги кунгача 120 дан ортиқ қадимги давр ва ўрта аср шаҳарлари, қишлоқлари ва қалъаларининг қолдиқлари ўрганилди. Истиқлол йилларида изланишлар миқёси анча кенгайди. Ерқўрғон, Қалъаи Заххоки Морон, Шулуқтапа, Кўҳна Фазли харобалари ўтмишнинг жуда кўп сирларини ошкор этди. Археологик топилмалар нати-

жасида Қашқадарё воҳасининг бир неча минг йиллик тарихи қайта жонланди.

Насаф ва Кеш жанубий сарҳадларга яқин шаҳарлар сифатида македониялик Искандар ва араб истилочиларининг илк зарбасига дучор бўлган. Мўғуллар босқини даврида эса стратегик ҳудуд сифатида қароргоҳга айлантирилган. Тарих саҳифалари Ватан озодлиги учун курашчиларнинг жасоратлари ҳақидаги ҳикояларга тўла. Табиийки, босқинлар воҳа иқтисодий ва маданий ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатган. Олдинги асрларда бунёд этилган иншоотлар, санъат асарлари, китоблар йўқ қилинган. Аммо халқнинг бунёдкорлик қудрати яна янги мўъжизалар яратаверган.

Тарихчиларнинг фикрига кўра, милодий III–VI асрларида Кеш ва Нахшаб ягона ҳудуд ичида бўлган ва Кешдаги ҳукмдорлар томонидан бошқарилган. Аммо VI–VII асрларда у иккита мустақил ҳудудга – Кеш ва Нахшаб вилоятларига бўлинган. Ҳақиқатда зарб этилган тангалар ҳам бунга тасдиқлайди. Ўзбекистон тарихи музейи ҳазинасида бир томонига Нахшаб ҳукмдорининг тасвири, иккинчи томонига эса шерга найза санчиб турган паҳлавоннинг бўртма шакли туширилган 14 та мис танга сақланади. Жаҳондаги машҳур музейларда ҳам Нахшабда зарб қилинган тангалар мавжуд.

Самарқандда қоғозсозлик саноатининг вужудга келиши (VIII аср) Қашқадарё воҳасида илм ва маданият ривожига катта туртки берганлиги ўз-ўзидан равшан. Кейинги асрларда бу ердан кўшпаб шоир ва олимлар етишиб чиққанлиги фикримиз далили бўла олади. Афсеуски, уларнинг кўпчилиги ижоди бизгача етиб келмаган. Айрим тазкиралардагина уларнинг номлари ва асарларидан баъзи парчалар сақланиб қолган.

VIII аср охири ва IX асрнинг бошларида Насаф ва Кешда йнрик ҳадисшунослик ва фикршунослик мактаблари вужудга келди. Бу мактабларда ислом оламининг турли мамлакатларидан келган талабалар билим олганлар. X асрда Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тадений, Ҳаммад ибн Шокир ан-Насафий, Абдулмўмин ибн Халаф ан-Насафий, ал-Лайс ибн Наср ал-Кожарий, XI асрда

Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий, ал-Ҳасан ибн Али ал-Ҳаммадий ан-Нахшабий каби олимлар бутун ислом оламида шуҳрат топган эдилар.

Насаф ва Кеш алломалари IX–X асрларда анъанага кўра араб тилида ижод қилган бўлсалар, XI аср охири ва XII аср бошларида ўз асарларини форс тилида ёза бошлайдилар. XIV асрдан эътиборан ва айниқса, Амир Темур салтанатидан бошлаб туркий тилда ёзиш имконияти пайдо бўлди. Темурий шаҳзодалар ижод аҳлини ўз она тилларида ёзишга даъват этдилар, ўзлари ҳам туркий тилда асарлар битдилар. Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-лугатайн” асари ана шу ижтимоий талаб заминиде яратилган эди. Аммо амалда араб ва форс тиллари ҳам қўлланилаверди. Овруполик ўрта аср сайёҳи Таверньенинг ёзишича, барча Шарқ мамлакатларида араб тили – Қуръон ва илм тили, форс тили – шеърий ва нафосат тили, туркий тил – сиёсат ва ҳарб тили сифатида машҳур бўлган.

Машҳур рус шарқшуноси Е.Э.Бертельс шундай деб ёзган эди: “XV асрдан бошлаб ўзбек тилидаги адабиётнинг юксалиши бундан буён форс ва тожик тилларидаги адабиёт ўрта Осиёнинг фақатгина тожик аҳолиси мулки бўлиб қолганлигини асло англамайди. Бу даврда ҳам форс тили ўзбекларнинг иккинчи адабий тили бўлиб қолаверди”.

Амир Темур ва темурий шаҳзодалар салтанати даврида Қашқадарё воҳасида илм-фан, маданият ва санъат гуркираб ривожланган. Гузал меъморий обидалар барпо этилган, ободончилик ва фаровонликни таъминлаш йўлида кўпгина ишлар қилинган. Бунда жаҳоннинг турли мамлакатларидан олиб келинган илм ва санъат аҳлининг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Насаф ва кешликлар Амир Темур армиясининг ўзагини ташкил этиш билан бирга, илм, фан, адабиёт, дипломатия равнақиға ҳам муносиб улш қўшганлар.

Қашқадарё воҳасидан чиққан кўпгина адиб ва уламолар турли йилларда пойтахт бўлган Бухоро ва Самарқандда, айримлари эса тақдир тақозоси билан Ҳиндистон, Эрон, араб давлатлари ва Румда(Туркия) яшаб ижод этганлар. Масалан, мўғуллар истило-

си даврида зиёлиларнинг каттагина қисми Ҳиндистондан бошпа-на топган. Бухорода Субҳонқулихон ҳукмронлиги пайтида (1680-1702) ҳам насафлик ва кешлик бир қанча шоирлар Ҳиндистонга кўчиб кетган. Малехо Самарқандийнинг ёзишича, улар орасида Дастур Насафий, Насим Маҳрабий Насафий, Қадри Насафий, Ломеъ Насафий сингари шоирлар бўлган. Бобурийларнинг шеъ-рийат ва, умуман, маданиятга эътибори, ижод аҳлига ҳомийлиги ҳам бунга сабаб бўлганлиги аниқ. Амир Хусрав Деҳлавий, Мир-зо Абдулқодир Бедил сингари атоқли шоирларнинг ота-бобола-ри ҳам Қашқадарё воҳасидан бўлишган. Бедил бу ҳақда шундай сатрларни битган эди:

Рӯ ба ҳинд овардани соҳибдилон аз баҳри чист?  
Рӯзгор онаро муҳтожи хокистар кунад.

*Мазмуни:* Нозик қалб соҳибларининг Ҳиндистонга келиши бонси нима? Ахир, турмуш ойнани ҳам кулга муҳтож қилади-ку. (Яъни, орқа томони кулрангга бўялмаса ойна равшан бўлмай-ди.)

Истиқлол бизга ўз тарихимизни янада чуқурроқ ўрганиш, бой маданий меросимиздан баҳраманд бўлиш имконини берди. Ўнлаб машҳур алломаларимизнинг мақбаралари қайта қурилиб, номи ва асарлари халқимизга қайтарилди. Шулар қатори турли аср-ларда яшаган Насафий ва Кешийлар меросига ҳам қизиқиш орт-ди. Бунда Убайдулла Уватов, Поён Равшанов сингари олимлар-нинг илмий изланишлари самарали бўлаётганлигини алоҳида таъ-кидлаш зарур.



## НАХШАБ – НАСАФ – ҚАРШИ

Қарши шаҳрининг македониялик Искандар юришларигача бўлган тарихи ҳақида маълумотлар жуда оз. Юнон тарихчилари воҳадаги икки шаҳар – Навтака ва Ксениппа ҳақида ёзиб қолди-ришган. Тарихчилар улардан бири Кеш ва иккинчиси Нахшаб бўлса керак, деб тахмин қиладилар. Шаҳар дастлаб Қарши шаҳ-ридан 5 километр узоқликда жойлашган Ерқўрғон харобалари ўрнида бўлган. Қадимшунос Р.Сулаймоновнинг ёзишича, Ерқўр-ғонни икки қатор мустаҳкам девор қуршаб турган. Қазималар натижасида шаҳарнинг биринчи девори милоддан аввалги VI асрларда тикланганлиги маълум бўлди. Искандарнинг юриши-дан кейинги даврда шаҳарнинг иккинчи ташқи девори қурилган.

Милодий VI асрнинг 60-йилларида Нахшаб шаҳри яқинида Турк хоқонлиги аскарлари билан Эфталит қўшинлари тўқнаша-ди. Бу жангда Истами ябғу бошчилигидаги турк аскарлари ғолиб чиқадилар. Суғд, Хоразм, Уструшона, Фарғона ва Шош воҳала-ри хоқонлик таркибига киради. 567 йилда Истами ябғу сосоний-ларга қарши ҳужуми давом эттириб, Тоҳаристонни ҳам қўлга киритади. Суғд ҳам, Тоҳаристон ҳам шунгача Эфталитлар дав-лати таркибида бўлган. Олим Ф.Бобоёровнинг ёзишича, Турк хо-қонлигининг бу ердаги ҳокимияти қарийб VIII асрнинг биринчи чорагигача давом этган.

Араблар истилосидан кейин Нахшаб араб тили талаффузига мослаштирилиб Насаф деб атала бошлайди. Исломи дини билан бирга араб тили ва маданияти ҳам кириб келади. Расмий ёзишма-ларда суғд, хоразм, турк тиллари ўрнига араб тили қўлланила бошлайди. Халифаликнинг турли минтақалари ўртасида илмий на маданий алоқалар кучаяди. Мовароуннаҳрлик талабалар Мак-ка, Мадина, Бағдод, Марв каби шаҳарларга ўқиш учун борсалар,

бошқа минтақалардан бу ерга илм истаб келадилар. Буюк Ипак йўлида қарвонлар тўхтовсиз қатнаб туради. Ана шу қарвон йўлининг марказида жойлашган Насаф шаҳри ҳам муттасил ривожланиб боради.

Солномаларда X–XI асрларда Насафнинг тўрт дарвозаси бўлганлиги ва улар Самарқанд, Кеш, Нажжория (Бухоро) ва Фубдин дарвозалари деб аталганлиги ёзиб қолдирилган. Балх ва Термиздан Бухорога ва Самарқандга йўлга чиққан қарвонлар албатта Насафда тўхтаб ўтган.

Мўғуллар истилоси пайтида шаҳар тамомила вайрон қилинган. Аммо Қашқадарё соҳилларидаги кўм-кўк водийлар ва атрофдаги чексиз адир ва чўллар катта қўшинни жойлаштириш ҳамда Хуросон ва Эронга ўтадиган йўлни назорат қилиш жиҳатидан қулайлиги туфайли Чингизхонга маъқул келган. Шу сабабли у 1220 йил ёзини Насафда ўтказди. Бу анъана кейинги йилларда ҳам давом эттирилди. Қарши мўғул лашкарбошилариининг қароргоҳига айлантирилди. Мўғул хонлари Кебекхон (1318-1326) ва Қозонхон (1347 йили ўлдирилган) бу ерда ўзлари учун сарой қурдилар. Шаҳардан 2 фарсах нарида қурилган Кебекхон саройидан шаҳарнинг ҳозирги номи пайдо бўлган. Тарихчиларнинг ёзишича, Қозонхон саройи шаҳардан ғарбга томон икки манзиллик йўлда тикланган бўлиб, Занжирсарой деб аталган. У 1387 йили Олтин Ўрда хони – Тўхтамиш аскарлари томонидан ёқиб юборилган.

Соҳибқирон Амир Темур ўзи таваллуд топган юртнинг ободлиги ва фаровонлиги йўлида кўп куч-ғайрат сарфлаган. Жумладан, 1365 ва 1385 йиллар қишини Қаршида ўтказган. Шаҳар қалъасини қайтадан тиклаган. Кейинги йилларда ҳам ободончилик ишларига, масжид ва мадрасалар, кўприклар қурилишига, янги сув иншоотлари барпо этилишига бош-қош бўлган.

XVI асрдан бошлаб Қарши Бухоро хонлигининг йирик шаҳарларидан бирига айланган. Эронликларнинг босқини, ҳокимият учун ўзаро жангу жадалларни кўрган шаҳар аҳлининг бу даврдаги ҳаёти кўплаб тарихий солномаларда, Европа ва рус сайёҳларининг асарларида акс эттирилган. Сайёҳ А. Вамберининг ёзишича, шаҳарда 10 та қарвонсарой ва анчагина бой бозор бўлган.

Қарши ҳунармандлари тайёрлаган буюмлар фақатгина Ўрта Осиёга эмас, Эрон ва араб давлатларига ҳам олиб кетилган. Мисалан, пўлатдан ясалган ва дастаси олтин ҳамда кумуш билан зийнатланган пичоқлар чет элларда ўз нархидан уч-тўрт баробар қимматга сотилган.

Олима О.А.Сухарева 1958 йили “Бухоро хонлигидаги шаҳарлар тарихига доир” (1958) номли китобини эълон қилган эди. Унда Қарши ҳақида ҳам кўпгина маълумотлар бор. Жумладан, унда шундай сатрларни ўқиймиз: “Қарши Бухоро хонлигининг иккинчи сиёсий маркази эди: шаклланган анъанага кўра, бу ерда Бухоро тахти ворисининг қароргоҳи жойлашганди. Тахт вориси билан бирга Қаршида бек ҳам бўлиб, у жумладан, солиқ йиғиш ишларини назорат қиларди. 1894 йили Қарши вилояти Амир хазинасига 1 миллион 800 минг танга ёки 270 минг рубл йиғиб берди. Қарши вилояти манғит уруғи яшайдиган ҳудуд бўлиб, Бухоро амирларининг сўнгги сулоласи ҳам шу уруғга мансуб эди. Бухоро хонлигида ҳокимиятни эгаллашда бу сулола ҳамон ўз кучида бўлган қабила-уруғчилик анъаналарига биноан кўпчилик қисми Қарши ҳудудида яшаётган ўз уруғдошларининг мададига суянган эди”.

1916 йили Қаршида бўлган Л.А.Зиминнинг ёзишича, ўша пайтда шаҳарда 60-70 минг одам истиқомат қилган. “Шаҳарнинг фаровонлигига эса кенг миқёсли тижорат сабабчи. У бугдой, арпа, жун, ўсимлик ёғи, тери, қуруқ мева ва пахта билан савдо қилади”, дейди у.

## ТАРИХИЙ МАНБАЛАР ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

Қарши ўз тарихи давомида бир неча бор номини ўзгартирган. Унинг илк номи Нахшаб бўлган. Араблар истилосидан кейин шаҳар “Насаф” деб атала бошлаган. Тарихчиларнинг фикрига кўра, бу сўз Нахшаб номининг араб тили талаффузига мослаштирилган шаклидир. Аммо амалда иккала ном ҳам қўлланаверган. Турли асрларда ижод қилган Нахшабий ва Насафийлар номи фикрини тасдиқлайди.

Шаҳар тарихи ва унда яшаган алломалар ҳақида кўплаб асарлар етти аслини қадимий манбалардан маълум. Абул Ҳорис Асад ибн Ҳамданиҳ аш-Варасиний ан-Насафийнинг (928 йили вафот этган) "Китоб муфакхрат аҳл Насаф ва Кашш" (Насаф ва Кеш аҳлининг ифтихорлари ҳақидаги китоб), Абу Саъд Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Астрободий ал-Идрисийнинг (милодий 1015 йили вафот этган) "Тарихи Насаф", Абул Аббос ал-Мустағфирий Насафийнинг (961-1041) 2 жилдли муфассал "Насаф ва Кеш тарихи" номли асарлари худди шу мавзуда бўлган. Афсуски, бу асарлар бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Насаф шаҳри тарихи ва бу ердан етишиб чиққан алломалар меросини ўрганишда Абдулкарим ас-Самъонийнинг (1113-1167) "Ал-Ансоб" номли асари алоҳида ўрин тутди. Мазкур асар қисқартирилган ҳолда 2003 йили "Бухоро" нашриётида чоп этилди. Илгарироқ, яъни 1993 йили олим Ш. Камолитдинов ас-Самъоний ва унинг асари ҳақида йирик тадқиқот ишини эълон қилган эди. Илм оламида бу китобга бўлган қизиқиш бежиз эмас. Чунки унда мусулмон дунёсида, хусусан, Мовароуннаҳрда VIII–XII асрларда яшаб ўтган олимлар, адиблар ва шоирлар ҳақида бой маълумот бор. Унда Насафлик олимларга ҳам кенг ўрин берилган. "Насаф – Мовароуннаҳр шаҳарларидан. Аввалги номи – Нахшаб. Бу шаҳарда қарийб икки ой турдим ва у ернинг кўп олимларидан таълим олдим. Бу шаҳардан ўз фанининг кўп мутахассислари етишиб чиққанлар. Уларнинг саноғига етиш қийин", деб ёзади ас-Самъоний.

Олимнинг қайд этишича, X–XII асрларда Насаф мусулмон оламидаги йирик шаҳарлардан бўлган. Ўша пайтда Мадина (йирик шаҳар) номи билан аталадиган 8 шаҳар мавжуд эди. Булар – Мадинаи мунаввара, Бағдод, Исфаҳон, Нишопур, Марв, Бухоро, Самарқанд ва Насаф. "Ал-Ансоб" китобида Насаф атрофидаги 50 дан ортиқ қишлоқ ва бу ерлардан етишиб чиққан 180 га яқин алломанинг номи қайд этилгани ҳам ўша пайтдаги тараққиётдан нишонадир.

Қашқадарё воҳасида яшаган алломалар ҳақидаги яна бир номдир асар – Нажмиддин Насафийнинг кейинги йилларда босилиб

чиққан "Самарқандия" китобидир. Унда ҳам ўнлаб Насафий, Қосмоний, Қасбавий, Баздавий ва Кешийларнинг номлари зикр этилган. Бу асарлар Қашқадарё адабий ва илмий муҳити тарихини ўрганишлар учун бой манба бўлиб хизмат қилади.

## “ҚАРШИ” СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

Мўғул хонлари Кебекхон ва Қозонхон Насаф яқинида ўзлари учун сарой қурганлигини юқорида ёзган эдик. Машҳур шарқшунос олим, "Туркистон мўғуллар босқини даврида" деб номланган 2 жилдли муфассал монография муаллифи В.В. Бартольд шундай ёзади: "Шаҳардан 2 фарсах нарида қурилган саройдан шаҳарнинг ҳозирги номи пайдо бўлган. Чунки "Қарши" мўғул тилида "сарой" демакдир".

Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса "Бобурнома" асарида бу сўз ҳақида шундай фикр билдиради: "Яна Қарши вилоятидиркум, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар. "Қарши" мўғулча оттур, гўрхонани мўғул тили билан "Қарши" дерлар. Голибо бу от Чингизхон таълимутидин сўнг бўлгондур".

Яқин-яқингача илмий ва адабий жамоатчилик бу фикрларга эътиборини, "Қарши" сўзи мўғул тилидан олинган деб ҳисобларди. Аммо иккала муаллиф ҳам бу сўзнинг илдизлари, этимологияси билан қизиқмаган экан. Масалан, қадимги туркий ёзувлар асосида тузилган «Древнетюркский словарь» (1969) китобида "Қарши" сўзининг қуйидаги маънолари кўрсатилган:

1. Қарши – хон саройи, кўшк.
2. Қарши – қарама-қарши, эйд.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғатит-турк» (1071-1072) асарида ҳам худди шу маънолар қайд этилган. Китобда келтирилган ушбу байт фикрни янада ойдинлаштиради:

Бу беклар эви оди қарши турур,

Бу қарши ичиндаки қарши турур.

Маъноси: Бу беклар уйининг оти қаршидур, аммо ичидагилар бир-бири билан қарама-қаршидир.

Демак, ўз-ўзидан равшанки, “Қарши” сўзи аслан туркий лугатдан олинган бўлиб, кейинчалик мўғул тилига ўтган. Чунки мўғул қабилалари ҳамиша туркий халқлар билан ёнма-ён яшаган. Чингизхон ҳукмронлиги даврида ҳам Мўғулистон ҳудудидаги аҳолининг тўртдан уч қисмини туркий халқлар ташкил этган.

Тарихий манбалардан маълумки, кейинги асрларда ҳам “Қарши” номи билан бирга “Насаф” ва “Нахшаб” атамалари ҳам қўлланаверган. Масалан, Е.К.Мейендорф ўзининг “Оренбургдан Бухорога саёҳат” номли китобида (1820-1821) шундай ёзади: “Қарши ёки Нахшаб – анчагина катта шаҳар. У асосий савдо йўлида жойлашган. Ҳирот ёки Кобуддан келаётган карвонларнинг бир қисми Қаршида тўхтайтиди, сўнгра Бухорога кирмай, Самарқандга йўл олади. Шунингдек, Бухориянинг жанубидан олиб келинадиган қундуз, тулки ва қорақўл терилари Қаршида оямборларда сақланиб, сўнгра пойтахтда сотилади. Қаршидан кўплаб қуруқ мева, пахта, йигирилган ип, тамаки ва бир оз шойи олиб кетилади”.

## БУЮК МАЪРИФАТПАРВАР НОМИ БИЛАН

Қарши шаҳрининг XX аср бошларидаги тарихи драматург, публицист, жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий номи билан боғлиқ. Чунки шаҳар 1922-1937 йилларда унинг номи билан аталган.

Маълумки, Бехбудий янги усулдаги мактабларнинг фаол тарғиботчиси бўлган, ўзи мактаблар очиб, улар учун оммабоп дарсликлар ёзган, матбуотда эса долзарб мавзудаги мақолалари билан танилган. Унинг “Падаркуш” драмаси эса илк саҳна асари сифатида томошабинларнинг катта олқишига сазовор бўлган.

Бехбудий миллий озодлик ҳаракатининг ҳам етакчиларидан эди. Миллий давлатчилик сари илк ҳаракат бўлган Туркистон Мухторияти 1918 йили Шўролар томонидан ваҳшийларча бостирилади. Мухториятнинг ғоявий раҳбарларидан бири бўлган Бехбудий Шўролар тузумининг асл моҳиятини тушуниб етади. 1919 йилнинг эрта баҳорида у бир неча сафдошлари билан Озарбай-

жон ва Туркияга бориш учун яширинча йўлга чиқади. Аммо Шаҳрисабзда Бухоро амирлиги одамлари томонидан қамоққа олинади. Жадидларни ўз душмани деб билган Бухоро амира ҳукми билан Бехбудий ўша йилнинг 25 март куни Қарши шаҳрида қатл этилади. Бу машғум хабар бир йилдан кейингина Самарқанд ва Ташкентга етиб келади. Фитрат, Чўлпон, С.Айний ва бошқа шоирлар Бехбудий ўлимига атаб марсиялар ёзадилар.

Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, миллий озодлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси бўлган Бехбудийнинг йўқотилишида Шўролар ҳукуматининг қўли бўлган. Айни пайтда, Шўролар бу ноқеадан амирликка қарши халқ норозилигини кучайтириш мижаси сифатида ҳам фойдаланганлар. Амирлик тузуми ағдарилгач, 1922 йилдан бошлаб Қарши шаҳри Бехбудий номи билан аталган. Аммо зиёлиларга, ҳур фикрга қарши қатағонлар бошланган 1937 йили Шўролар ҳукумати Бехбудий номи миллий озодлик курашчилари учун байроқ вазифасини ўташидан чўчиб, шаҳарнинг эски номини қайта тиклаган.

## “ИЛМ ВА АДАБ ҚУББАСИ”

Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Кешнинг қадимий тарихи ҳақида гапириб, шундай ёзади: “Баъзи китобда манқул турурким, Кеш шаҳри бурун уламои Исломининг ери эрмиш ва бузургвор муҳаддислардин уч имом анда ватан қилғон турурлар: бири Абу Муҳаммад (Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид) ибн Наср (ибн Ҳумайд) Ал-Кашший ва яна бири (Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Дорамий ас-Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмонил ал-Бухорий разийаллоҳи анҳум. Ул мақшлда олам аҳли масъала ва масоили диний учун атроф оламдин Кеш вилоятига келур эрмишлар... Бу жиҳатдин Кешни “Куббат ул-Илим ва адаб” лақаби бўлуб турур”.

Чиндан ҳам милодий IX – X асрларда Кеш йирик маданият марказларидан бирига айланган эди. Бу ердаги мадрасаларда машҳур уламолар дарс берарди.

Шаҳрисабз ўз тарихи давомида кўплаб босқинларни, тараққиб ва таназзул даврларини бошдан кечирди. У милоддан ол-

динги 328 йилда македониялик Искандар томонидан босиб олинди. Юнон солномачиси Арриан Искандар бу ерда бир қишни ўтказганлиги ва Суғд ҳокими Оксартнинг қизи Роксанага уйланганлигини ёзиб қолдирган.

Кеш милодий VI–VII асрларда Зарафшон ва Қашқадарё водийсини ўз ичига олган Суғд давлатининг марказий шаҳарларидан бири бўлган. Афсуски, милодий VIII асргача бўлган ёзма манбалар ниҳоятда кам сақланиб қолган. Юнон, хитой ва араб сайёҳларининг солномаларидагина Кеш ҳақида баъзи маълумотлар қайд этилган. Масалан, Хитойдан Ҳиндистонга йўлга чиққан буддавий қоҳин Сюан Цзянь милодий 629 йилда Кешда ҳам бўлган. Ҳша даврда у анча ривожланган, каттагина шаҳар бўлган. Сайёҳ ўз хотираларида шаҳар билан боғлиқ кўпгина маълумотларни ёзиб қолдирган.

Араблар босқини даврида Кеш аҳли озодлик учун мардонавор жанг олиб борган. Тарихий манбаларга кўра, бир неча йил давомида қилинган ҳамлалар натижасидагина араблар уни эгаллашга муваффақ бўлганлар. Муқанна бошчилигидаги қўзғолон маркази ҳам шу ҳудудда бўлганлиги бежиз эмас.

1220 йилда бутун Мовароуннаҳр аланга қолди. Мўғуллар босқини туфайли кўплаб нодир қўлёзмалар, қадимий обидалар нобуд бўлди. Асрлар давомида шаклланган илм ва маданият марказлари инқирозга юз тутди. Илм ва санъат аҳллари кўшни Шарқ мамлакатларидан бошпана топдилар. Кеш шаҳри ҳам бундан мустасно эмас эди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши бутун Турон аҳлига нажот бағишлади. Айниқса, Шаҳрисабз ўз тараққиётининг юксак даражасига эришди. Бу ерда гўзал меъморий обидалар барпо этилди, ободончилик ва фаровонликни таъминлаш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Бу ҳақда Заҳридин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида шундай ёзади: “Яна Кеш вилоятидур. Самарқанднинг жанубидадур, тўққиз йиғоч йўлдур. Самарқанд билан Кеш орасида бир тоғ тушубтур. Итмак добони дерлар. Сангтарошлик қилур тоғларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи

хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтимомлар қилди. Олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида тавоқи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун икки кичикрак пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур. Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидин бу бийикрактур. Яна Кешда мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир Мирзо ва яна баъзи авлодининг мақобири андадур”.

Бу даврда Кеш Мовароуннаҳрдаги йирик шаҳарлардан бирига айланади. “Бобурнома”да қайд этилишича, у қўрғонининг катталиги жиҳатидан минтақада Самарқанддан кейинги ўринда турган. Шаҳар қалъа девори ва хандақ билан мустаҳкамланган. Бу даврда Кешда бўлган Испания элчиси Клавихо ўз хотираларида шундай ёзади: “Ушбу шаҳар текисликда жойлашган. Унинг барча томонларидан кўплаб ирмоқлар ва каналлар оқиб ўтади, шаҳар кўп сонли боғлар ва уйлар билан ўралган”.

XVI асрда Шайбонийлар ҳокимият тепасига келгач, Темурийлар даврида бунёд этилган иншоотлар қаровсиз қолади, уларнинг баъзилари вайрон қилинади. Амирлар тўхтовсиз Шаҳрисабз устига юришлар қилар, орадан сал ўтмай вилоят яна бўйсунмаслик йўлини тутар эди. Биргина Амир Насрулло 20 йил давомида Шаҳрисабзга 30 мартадан ортиқ ҳужум қилган. Натижада, экин майдонлари пайҳон қилинган, обидалар, сув иншоотлари бузиб ташланган. Энг муҳими, ташқи тижорат йўллари тўсилиб қолган.

Аммо босқинлар, жангу жадаллар ҳам халқнинг илм ва маърифатга бўлган интилишини тўхтага олмаган. Бу ерда бир қанча мадрасалар ишлаб турган, шоирлар, хаттотлар, мўйқалам усталари, ҳунармандлар фаолият олиб борган. XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида Мулла Қурбон Хиромий, Фараҳ Шаҳрисабзий, Равнақий, Гулшаний, Фақирий, Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий сингари шоирлар, Мирзо Юнус Шаҳрисабзий, Муҳаммад Юсуф Шаҳрисабзий, Имомуддин Шаҳрисабзий, Иброҳим Девона, Бобобек Иштибар, Абдумалик Шаҳрисабзий каби истеъ-

додли хаттотлар баракали ижод этганлар. Улар мумтоз адабиёт анъаналарини муваффақиятли давом эттирганлар.

Шўролар тузуми Шаҳрисабз аҳли бошига янги офатлар ёғдирди. Даҳрийликни шиор қилиб олган “қизил”лар илм-маърифатли кишиларни қатағон қилдилар, араб ёзувидаги барча китоблар ёндирилди. Шоир Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий ўз хотираларида бу давр ҳақида шундай ёзади: “Кўк гумбаз масжиди қамоқхонага айлантирилди. Муллолар, ўқимшли одамларни келтириб қамай бошладилар. Мен яширинча Каттақўрғон шаҳрига қочиб кетдим. Аммо қизил аскарлар уйимни тинтув қилиб, неча йиллаб йиққан нодир қўлёзма асарларни олиб кетишибди. Аввал Каттақўрғонда, кейинроқ Самарқандда яшадим. Уй-жой, мол-мулким Шаҳрисабзда қолиб кетди. Аммо энг ачинарлиси, китобларимнинг йўқолгани эди...”

Шўролар даврида Шаҳрисабзда бўлганлар яхши билади, ўша пайтда шаҳардаги кўшгина зиёратгоҳлар ярим хароба аҳволга келган, баъзиларининг гумбазлари йиқилиб тушганди. Дор ут-тиловат ва Дор ус-сиёдат мажмуалари ўртасида пасқам уйлар, деворлар, қинғир-қийшиқ кўчалар бор эди. Бугун бу ерда икки мажмуани туташтирувчи равон йўлчалар, хиёбонлар барпо этилган. Умаршайх Мирзо мақбараси, Амир Темурнинг ўзи учун қурдирган сағанаси атрофи очилиб, мазкур иншоотларнинг пойдевори ўрни белгиланган. Илгари бу мақбара ва сағана харобалари тамомила тупроқ остида қолган, устида уйлар қурилиб кетганди. Қайси бир йили тепада ўйнаб юрган болалардан бирининг оёғи ногаҳон чуқурга тушиб кетади. Қадимиунослар текшириб, бу Амир Темур сағанасининг ер остки қисми эканлигини аниқлайдилар. Уйлар кўчирилиб, атроф текширилганда, Умаршайх Мирзо мақбарасининг қолдиқлари ҳам топилади.

Мустамлакачилик даврида олиб борилган сиёсатнинг асл мақсади халқни ўз тарихидан мосуво қилиш, унинг миллий ғурурини синдириш эди. Шу сабабли тарих сохталаштирилди, озодлик учун курашган халқ қаҳрамонлари, миллат етакчилари номига тақиқ тамғаси урилди, муқаддас зиёратгоҳлар харобага айланди. Қабристонлар текисланиб, устига бинолар қурилди. Шаҳрисабздаги

воқеа ягона эмас. Самарқанддаги машҳур Чокардиза қабристонини ҳам бинолар остида қолган эди. Имом Мотуридий юбилейи муносабати билан қабристон ўрни ободонлаштирилиб, кўркам мақбара тикланганлиги аждодларимиз хотирасини эъзозлаш йўлидаги савоб ишларимиздан бири бўлди.

Ҳа, Шаҳрисабз тарихи гоҳида қувончли, гоҳида аянчли воқеаларга бой. Неча асрларни кўрган обидаларгина уларга гувоҳ бўлган. Бугун бу воқеалар бизга худди афсонадек туюлади. Зеро, истиқлол шаҳарнинг қадим шавкатини қайта тиклади, унинг аҳлига тинч ва осойишта ҳаёт бахш этди. Соҳибқирон Амир Темур олти асрдан кейин яна ўз туғилган тупроғига қайтди. Оқсарой олдида унинг муҳташам ҳайкали тикланди, шаҳар Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Бугунги кунда Шаҳрисабз ўз тарихининг энг шонли саҳифаларига гувоҳ бўлмоқда. Шаҳардаги маҳобатли Оқсарой, ҳар бири ўзинга хос Дор ут-тиловат, Дор ус-сиёдат, Гумбази сайидон сингарини меъморий иншоотлар қўли гул усталар томонидан қайта таъмирланди ва ЮНЕСКО нинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Қадим Кешнинг бу халқаро ташкилот билан ҳамкорликда ўтказилган 2700 йиллик юбилейи тантаналари шаҳарни бутун жаҳонга танитди. Айни пайтда, у мамлакатимизда тарихнинг унутилган саҳифаларини тиклаш, аждодлар меросини эъзозлаш борасида амалга оширилаётган катта миқёсли ишларнинг яна бир намоёниси бўлди.

## ТАЗКИРА – АЛЛОМАЛАР ЁДНОМАСИ

Қадимда алломалар ва буюк зотлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва уларни китоб – тазкира шаклида ёзиш анъанаси кенг тарқалган эди. Босма нашрлар мавжуд бўлмаган даврда улуг аждодларимиз номи, уларнинг эзгу ишлари кўплаб тазкиралар орқали авлоддан авлодга ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келган. Бугунги кунда ҳам улар тарихимиз ва маданиятимиз фидойилари бўлган илм аҳли учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Қашқадарёлик адиб ва уламолар ҳақидаги маълумотларни тўплаш фикри менда талабалик йиллари туғилган эди. Мумтоз

адабиёт вакиллари асарларини ва эски тазкираларни ўқиш жараёнида дуч келган Насафий ва Кешийлар номини алоҳида дафтарга қайд этиб кўяр эдим. Орадан анча йиллар ўтди, талайгина маълумот тўпланди. Қашқадарёлик олимларнинг кейинги йиллардаги топилмалари билан бирга уни яхлит китобча шаклида чоп этиш нияти пайдо бўлди. Мақсад – воҳада яшаб ўтган ижод ва илм аҳли ҳақида қисқача маълумот бериш ва кейинги тадқиқотлар учун замин яратиш.

Ушбу тазкира шу тариқа дунёга келди. Номи тазкирада зикр этилган алломалар аслида Қашқадарё воҳасининг турли шаҳар ва қишлоқларида таваллуд топган бўлишлари мумкин. Аммо воҳанинг икки йирик маданий марказида таълим олиб, анъанага кўра, ўз нисбаларига бу шаҳарлар номини қўшганлар.

Қашқадарё воҳаси қадимдан истеъдодларга бой. Минг йиллар давомида шаклланган оғзаки ва ёзма адабиёт анъаналари ҳамон барҳаёт. Мазкур китобчада бизнинг давримизгача воҳада яшаб ўтган алломаларнинг бир қисми номларинигина қайд этдик, холос. Ҳали тарихнинг чанг босган қатламларида ўнлаб алломалар мероси ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Уларни синчковлик билан ўрганиш мамлакатимиз тарихи ва маданиятининг янги саҳифаларини кашф этиш имконини беради.



## НАСАФ ВА КЕШ АЛЛОМАЛАРИ

### МУЪАЗ ибн ЁҚУБ ан-НАСАФИЙ

Абу Абдураҳмон Муъаз ибн Ёқуб ал-Косоний ан-Насафий миллодий IX асрда яшаган ислом олимларидан бири. Тарихчи ва тазкиранавис Абдулкарим Ас-Самъоний (1113-1167) ўзининг “Китаб ал-ансоб” (“Насабнома китоби”) номли асарида ёзишича, у 834 йили ўз маблағи ҳисобидан Насафда жоме масжиди, сўфийлар учун работ ва сув манбаи қурдирган. Айни пайтда, кўплаб шогирдлар етиштирган, ҳадисшунослик борасидаги изланишлари билан ҳам шуҳрат топган.

Самъоний унинг қабрини зиёрат қилган ва у қурдирган масжидда бўлган.

### АБДУЛҲАМИД АЛ-КЕШИЙ

Шаҳрисабзлик йирик тилшунос, ҳадисшунос ва фикҳшунос олим. Тўлиқ исми Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Ҳумайд ибн Наср ал-Кеший ал-Қураший. У “Ат-Тафсир” ва “Ал-Муснад” асарлари, араб тили грамматикасига оид уч китоб – “Китаб ала ҳуруф ал-муъжам” (“Ҳарфлар тўғрисида китоб”), “Ат-Тасариф” (“Турланиш”), “Китаб фаъалту ва афъалту” (“Феълнинг фаъала I ва 4 турлари ҳақида китоб”) муаллифидир.

Абдулҳамид ал-Кеший Кешда ҳадисшунослик ва фикҳшунослик мактабига ҳам асос солган. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган талабалар ундан илм ўрганганлар. Бу ҳақда Нажмиддин Насафийнинг маълумотлари диққатга сазовор. “Кеш аҳли Мовароуннаҳрнинг бўлак шаҳарлари олдидан ул киши билан ифтихор қилур эди ва бунга улар ҳақли эди”, деб ёзади у “Самарқандия” китобида. Ал-Кешийнинг ўғли Муҳаммаднинг айтиши-

чи, Қутайба ибн Саид: “Агар Термизга борсангизлар Аҳмад ибн ал-Ҳасанининг этагидан маҳкам тутингизлар, агар Кешга борсангизлар, Абд ибн Ҳумайднинг этагидан маҳкам тутингизлар, агар Бухорога борсангизлар Абдуллоҳ ибн Абдурахмоннинг этагидан маҳкам тутингизлар ва агар Шошга борсангизлар Абдуллоҳ ибн Абу Аробанинг этагидан маҳкам тутингизлар, деб айтган экан”.

Нажмиддин Насафий алломанинг ўгли сўзларига асосланиб ёзишча, у асли Кеш қишлоқларидан бири – Ғазниёндан бўлган. Унинг отаси Ҳумайд ибн Наср Бағдодда туғилган экан. Чунки бобоси – Наср халифа Абу Жаъфар ал-Мансур (754–775) саройи кўриқчиларидан бири бўлган. Ўша пайтда кўпгина халифаларнинг кўриқчилари ва шахсий гвардияси туркий халқлар вакилларидан бўлган. Хизмат муддати чўзилиб кетган Наср оиласини ҳам Бағдодга кўчириб олиб борган. Алломанинг отаси Бағдодда туғилиб ўсган, ҳар соҳада мукамал илм олиб, ўз даврининг етуқ кишиларидан бирига айланган. Ал-Кешийнинг ўгли Муҳаммад бобоси ҳақида шундай ёзади: “Ул киши ҳар соҳада – араб тили, аруз, назм ва бошқа илмлар бобида фасоҳат соҳибларидан эдилар, шунингдек, ул киши адиб, қори ҳам бўлиб, Қуръони Каримни ғоятда чиройли қироат қилур эдилар ҳамда одамларга ҳам уни тиловат қилмоқни ўргатур эдилар”. Табиийки, Ал-Кешийнинг машҳур уламо бўлиб шаклланишида отасининг ҳиссаси катта бўлган.

Абдулҳамид Ал-Кеший кўплаб мамлакатларда сафарларда бўлган. Абдуразоқ ибн Ҳумом ас-Санъоний, Мусо ибн Исмоил ат-Табузакий, Язид ибн Ҳорун сингари машҳур ҳадисшунослардан, Яман ва Ироқ аҳлидан ҳадислар тинглаган. “Мен ҳадис талабида (юртма-юрт кезиб юрган чоғларимда бировлар ерга ташлаган) қовун пўчоқларини териб ер эдим”, деган экан у. Бу гувоҳлик унинг илм талабида катта риёзатлар чекканлигини кўрсатади. Кейинги даврда яшаган Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий, Абу Исо Ат-Термизий, Ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Нуҳ ибн Суфён ас-Салмий ас-Самарқандийлар ундан ҳадислар ривоят қилганлар. Имом Ал-Бухорий ҳам “Ат-Тарих” асарларида Ал-Кеший ҳақида тўхталиб, ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Ас-Самъоний тазкирасида олимнинг 2 устози ва 14 шогирди ҳақида маълумотлар келтирган. Устозларидан бири Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ад-Доримий ал-Ҳофиз ас-Самарқандий бўлган (вафоти ҳижрий 255 – милодий 870 йил). Хотираси ниҳоятда кучли бу олим ҳадисларни ёддан билишда Имом Бухорийдан қолишмагани. Шу сабабли Абдулҳамид ибн Ҳумайд «Абдуллоҳ ад-Доримий бизнинг устозимиздир. Дунёда унингдек аллома мавжуд эмас», деб ёзган.

Абдулҳамид Ал-Кеший фикҳ, тилшунослик ва тафсирга оид жами 7 та асар ёзган. У ҳижрий 249 (милодий 864) йили вафот топган.

## АБУ ТУРОБ НАХШАБИЙ

Абу Туроб Асқар бинни ал-Ҳусайн ан-Нахшабий ан-Насафий пири муршид даражасига эришган машҳур тасаввуф шайхларидан бири. У тахминан 806 йили Нахшаб шаҳрида туғилган. Бухоро ва Сарахс шаҳарларида таълим олган. Сўнгра кўплаб мамлакатларга сафар қилиб, машҳур тасаввуф шайхлари ва олимлар билан ҳамсуҳбат бўлган. Нақл қилишларича, 40 марта ҳаж зиёратига пиёда борган экан. Шу сабабли у Шарқда сабр-бардошнинг юксак тимсолига айланган.

Фаридиддин Аттор ўзининг “Тазкират ул-авлиё” асарида у ҳақда шундай ёзади: “Шайх Абу Туроб Нахшабий, қоддасаллоху руҳаҳул азиз, валоят бодиясининг (даштининг) сайёҳи, замон денгизининг маллоҳи (кемачиси) эди. Хуросон тупроғидаги шайхларнинг улуғларидандир. Ҳар қачон муридларида бир ёмон иш кўрса, муридига бир нарса демас, ўзи тавба қилиб, истиғфор айтар эди. Айтар эдики, “Ул бечора бу балога мен туфайли йўлиқди”. Дарҳол Ҳақ таоло ўша муридга салоҳ (яхшилик) ато этар, мурид пушаймон бўлиб, тавба қилиб, истиғфор этар эди”.

Алишер Навоий ўзининг “Лисон ут-тайр” достонида Абу Туроб Нахшабий номини эҳтиром билан тилга олади ва у ҳақдаги бир ривоятни келтиради. Ривоятга кўра, Нахшабийнинг муридларидан бири зебу зийнатга бўлган майлини йўқота олмайди.

Демак, ўз-ўзидан равшанки, “Қарши” сўзи аслан туркий тилдан олинган бўлиб, кейинчалик мўғул тилига ўтган. Чунки мўғул қабилалари ҳаминша туркий халқлар билан ёнма-ён яшаган. Чингизхон ҳукмронлиги даврида ҳам Мўғулистон ҳудудидagi аҳолининг тўртдан уч қисмини туркий халқлар ташкил этган.

Тарихий манбалардан маълумки, кейинги асрларда ҳам “Қарши” номи билан бирга “Насаф” ва “Нахшаб” атамалари ҳам қўлланаверган. Масалан, Е.К.Мейендорф ўзининг “Оренбургдан Бухорога саёҳат” номли китобида (1820-1821) шундай ёзади: “Қарши ёки Нахшаб – анчагина катта шаҳар. У асосий савдо йўлида жойлашган. Ҳирот ёки Кобулдан келаётган карвонларнинг бир қисми Қаршида тўхтайдди, сўнгра Бухорога кирмай, Самарқандга йўл олади. Шунингдек, Бухориянинг жанубидан олиб келинадиган қундуз, тулки ва қоракўл терилари Қаршида оямборларда сақланиб, сўнгра пойтахтда сотилади. Қаршидан кўплаб қуруқ мева, пахта, йигирилган ип, тамаки ва бир оз шонили олиб кетилади”.

## БУЮК МАЪРИФАТПАРВАР НОМИ БИЛАН

Қарши шаҳрининг XX аср бошларидаги тарихи драматурги, публицист, жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий номи билан боғлиқ. Чунки шаҳар 1922-1937 йилларда унинг номи билан аталган.

Маълумки, Бехбудий янги усулдаги мактабларнинг фаол тарғиботчиси бўлган, ўзи мактаблар очиб, улар учун оммабоп дарсликлар ёзган, матбуотда эса долзарб мавзудаги мақолаларни билан танилган. Унинг “Падаркуш” драмаси эса илк саҳна асарининг сифатида томошабинларнинг катта олқишига сазовор бўлган.

Бехбудий миллий озодлик ҳаракатининг ҳам етакчиларидан эди. Миллий давлатчилик сари илк ҳаракат бўлган Туркистон Мухторияти 1918 йили Шўролар томонидан ваҳшийларча босқинчилик қилинади. Мухториятнинг ғоявий раҳбарларидан бири бўлган Бехбудий Шўролар тузумининг асл моҳиятини тушуниб етди. 1919 йилнинг эрта баҳоридa у бир неча сафдошлари билан Озарбaй

жонини Туркияга бориш учун яширинча йўлга чиқади. Аммо Шаҳруношоҳи Бухоро амирлиги одамлари томонидан қамоққа олиниб, Фадилларни ўз душмани деб билган Бухоро амири ҳукми билан Бехбудий ўша йилнинг 25 март куни Қарши шаҳрида қатл этилади. Бу машъум хабар бир йилдан кейингина Самарқанд ва Ташкентга етиб келади. Фитрат, Чўлпон, С.Айний ва бошқа шоирлар Бехбудий ўлимига атаб марсиялар ёзадилар.

Бехбудий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, миллий озодлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси бўлган Бехбудийнинг йўқотилишида Шўролар ҳукуматининг қўли бўлган. Айни пайтда, Шўролар билан ёқидан амирликка қарши халқ норозилигини кучайтириш воқеаси сифатида ҳам фойдаланганлар. Амирлик тузуми ағдарилгач, 1922 йилдан бошлаб Қарши шаҳри Бехбудий номи билан аталган. Аммо зиёлиларга, ҳур фикрга қарши қатағонлар бошланган 1937 йили Шўролар ҳукумати Бехбудий номи миллий озодлик кўришчилари учун байроқ вазифасини ўташидан чўчиб, шаҳарнинг эски номини қайта тиклаган.

## “ИЛМ ВА АДАБ ҚУББАСИ”

Шарифиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Кешнинг қадимий тарихи ҳақида гапириб, шундай ёзади: “Баъзи китобда манқур турурким, Кеш шаҳри бурун уламои Исломининг ери эрмиш ва бу тургур муҳаддислардин уч имом анда ватан қилгон турурлар бири Абу Муҳаммад (Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид) ибн Наср (Абу Хўмайд) Ал-Кашший ва яна бири (Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Дорамий ас-Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий разийаллоҳи анҳум. Ул мақоли олам аҳли масъала ва масоили диний учун атроф оламдин Бухориянинг келур эрмишлар... Бу жиҳатдин Кешни “Қуббат турурким ва адаб” лақаби бўлуб турур”.

Шундан ҳам милодий IX – X асрларда Кеш йирик маданият марказларидан бирига айланган эди. Бу ердаги мадрасаларда манқур уламолар дарс берарди.

Шаҳрисабз ўз тарихи давомида кўплаб босқинларни, тараққий ва таназзул даврларини бошдан кечирди. У миллоддан ол

128 йилда македониялик Искандар томонидан босиб олинди. Юнон солномачиси Арриан Искандар бу ерда бир қишни ўтказганлиги ва Суғд ҳокими Оксартнинг қизи Роксанага уйланганлигини ёзиб қолдирган.

Кеш милодий VI-VII асрларда Зарафшон ва Қашқадарё водийсини ўз ичига олган Суғд давлатининг марказий шаҳарларидан бири бўлган. Афсуски, милодий VIII асргача бўлган ёзма манбалар ниҳоятда кам сақланиб қолган. Юнон, хитой ва араб сайёҳларининг солномаларидагина Кеш ҳақида баъзи маълумотлар қайд этилган. Масалан, Хитойдан Ҳиндистонга йўлга чиққан буддавий хоҳин Сюан Цзянь милодий 629 йилда Кешда ҳам бўлган. Уша даврда у анча ривожланган, каттагина шаҳар бўлган. Сайёҳ ўз хотираларида шаҳар билан боғлиқ кўпгина маълумотларни ёзиб қолдирган.

Араблар босқини даврида Кеш аҳли озодлик учун мардонавор жанг олиб борган. Тарихий манбаларга кўра, бир неча йил давомида қилинган ҳамлалар натижасидагина араблар уни эгаллашга муваффақ бўлганлар. Муқанна бошчилигидаги қўзғолон маркази ҳам шу ҳудудда бўлганлиги бежиз эмас.

1220 йилда бутун Мовароуннаҳр аланга ичида қолди. Мўғуллар босқини туфайли кўплаб нодир қўлёзмалар, қадимий обидалар нобуд бўлди. Асрлар давомида шаклланган илм ва маданият марказлари инқирозга юз тутди. Илм ва санъат аҳллари қўшни Шарқ мамлакатларидан бошпана топдилар. Кеш шаҳри ҳам бундан мустасно эмас эди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши бутун Турон аҳлига нажот бағишлади. Айниқса, Шаҳрисабз ўз тараққиётининг юксак даражасига эришди. Бу ерда гўзал меъморий обидалар барпо этилди, ободончилик ва фаровонликни таъминлаш борасида катта тadbирлар амалга оширилди. Бу ҳақда Заҳридинн Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида шундай ёзади: “Яна Кеш вилоятидур. Самарқанднинг жанубидадур, тўққиз йиғоч йўлдур. Самарқанд билан Кеш орасида бир тоғ тушубтур. Итмак добони дерлар. Сангтарошлик қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи

хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтимомлар қилди. Олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуг пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида таво-чи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун икки кичикрак пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур. Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидин бу бийикрактур. Яна Кешда мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир Мирзо ва яна баъзи авлодининг мақобирани андадур”.

Бу даврда Кеш Мовароуннаҳрдаги йирик шаҳарлардан бирига айланади. “Бобурнома”да қайд этилишинча, у қўрғонининг катталиги жиҳатидан минтақада Самарқанддан кейинги ўринда турган. Шаҳар қалъа девори ва хандақ билан мустаҳкамланган. Бу даврда Кешда бўлган Испания элчиси Клавиho ўз хотираларида шундай ёзади: “Ушбу шаҳар текисликда жойлашган. Унинг барча томонларидан кўплаб ирмоқлар ва каналлар оқиб ўтади, шаҳар кўп сонли боғлар ва уйлар билан ўралган”.

XVI асрда Шайбонийлар ҳокимият тепасига келгач, Темурийлар даврида бунёд этилган иншоотлар қаровсиз қолади, уларнинг баъзилари вайрон қилинади. Амирлар тўхтовсиз Шаҳрисабз устига юришлар қилар, орадан сал ўтмай вилоят яна бўйсунмаслик йўлини тутар эди. Биргина Амир Насрулло 20 йил давомида Шаҳрисабзга 30 мартадан ортиқ ҳужум қилган. Натижада, экин майдонлари пайҳон қилинган, обидалар, сув иншоотлари бузиб ташланган. Энг муҳими, ташқи тижорат йўллари тўсилиб қолган.

Аммо босқинлар, жангу жадаллар ҳам халқнинг илм ва маърифатга бўлган интилишини тўхтата олмаган. Бу ерда бир қанча мадрасалар ишлаб турган, шоирлар, хаттотлар, мўйқалам усталари, ҳунармандлар фаолият олиб борган. XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида Мулла Қурбон Хиромий, Фараҳ Шаҳрисабзий, Равнақий, Гулшаний, Фақирий, Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий сингари шоирлар, Мирзо Юнус Шаҳрисабзий, Муҳаммад Юсуф Шаҳрисабзий, Имомуддин Шаҳрисабзий, Иброҳим Девона, Бобобек Иштибар, Абдумалик Шаҳрисабзий каби истеъ-

лодди хатготлар баракали ижод этганлар. Улар мумтоз адабиёт анъаналарини муваффақиятли давом эттирганлар.

Шўролар тузуми Шаҳрисабз аҳли бошига янги офатлар ёғдирди. Даҳрийликни шиор қилиб олган “қизил”лар илм-маърифатли кишиларни қатагон қилдилар, араб ёзувидаги барча китоблар ёндирилди. Шоир Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий ўз хотираларида бу давр ҳақида шундай ёзади: “Кўк гумбаз масжиди қамоқхонага айлантирилди. Муллолар, ўқимишли одамларни келтириб қамай бошладилар. Мен яширинча Каттақўрғон шаҳрига қочиб кетдим. Аммо қизил аскарлар уйимни тинтув қилиб, неча йиллаб йиққан нодир қўлёзма асарларни олиб кетишибди. Аввал Каттақўрғонда, кейинроқ Самарқандда яшадим. Уй-жой, мол-мулким Шаҳрисабзда қолиб кетди. Аммо энг ачинарлиси, китобларимнинг йўқолгани эди...”

Шўролар даврида Шаҳрисабзда бўлганлар яхши билади, ўша пайтда шаҳардаги кўпгина зиёратгоҳлар ярим хароба аҳволга келган, баъзиларининг гумбазлари йиқилиб тушганди. Дор ут-тиловат ва Дор ус-сиёдат мажмуалари ўртасида пасқам уйлар, деворлар, қинғир-қийшиқ кўчалар бор эди. Бугун бу ерда икки мажмуани туташтирувчи равон йўлчалар, хиёбонлар барпо этилган. Умаршайх Мирзо мақбараси, Амир Темурнинг ўзи учун қурдирган сағанаси атрофи очилиб, мазкур иншоотларнинг пойдевори ўрни белгиланган. Илгари бу мақбара ва сағана харобалари тамомида тупроқ остида қолган, устида уйлар қурилиб кетганди. Қайси бир йили тепада ўйнаб юрган болалардан бирининг оёғи ногаҳон чуқурга тушиб кетади. Қадимшунослар текшириб, бу Амир Темур сағанасининг ер остки қисми эканлигини аниқлайдилар. Уйлар кўчирилиб, атроф текширилганда, Умаршайх Мирзо мақбарасининг қолдиқлари ҳам топилди.

Мустамлакачилик даврида олиб борилган сиёсатнинг асл мақсади халқни ўз тарихидан мосуво қилиш, унинг миллий ғурурини сіндириш эди. Шу сабабли тарих сохталаштирилди, озодлик учун курашган халқ қаҳрамонлари, миллат етакчилари номига тақиқ тамғаси урилди, муқаддас зиёратгоҳлар харобага айланди. Қабристонлар текисланиб, устига бинолар қурилди. Шаҳрисабздаги

моқса ягона эмас. Самарқанддаги машҳур Чоқардиза қабристонини ҳам бинолар остида қолган эди. Имом Мотуридий юбилейи муносабати билан қабристон ўрни ободонлаштирилиб, кўркам мақбара тикланганлиги аждодларимиз хотирасини эъзозлаш йўлидаги савоб ишларимиздан бири бўлди.

Ҳа, Шаҳрисабз тарихи гоҳида қувончли, гоҳида аянчли воқеаларга бой. Неча асрларни кўрган обидаларгина уларга гувоҳ бўлган. Бугун бу воқеалар бизга худди афсонадек туюлади. Зеро, истиқлол шаҳарнинг қадим шавкатини қайта тиклади, унинг аҳлига тинч ва осойишта ҳаёт бахш этди. Соҳибқирон Амир Темур олти асрдан кейин яна ўз туғилган тупроғига қайтди. Оқсарой олдида унинг муҳташам ҳайкали тикланди, шаҳар Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Бугунги кунда Шаҳрисабз ўз тарихининг энг шонли саҳифаларига гувоҳ бўлмоқда. Шаҳардаги маҳобатли Оқсарой, ҳар бири ўзига хос Дор ут-тиловат, Дор ус-сиёдат, Гумбази сайидон сингарини меъморий иншоотлар қўли гул усталар томонидан қайта таъмирланди ва ЮНЕСКО нинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Қадим Кешнинг бу халқаро ташкилот билан ҳамкорликда ўтказилган 2700 йиллик юбилейи тантаналари шаҳарни бутун жаҳонга танитди. Айни пайтда, у мамлакатимизда тарихнинг унутилган саҳифаларини тиклаш, аждодлар меросини эъзозлаш борасида амалга оширилаётган катта миқёсли ишларнинг яна бир намоиши бўлди.

## ТАЗКИРА – АЛЛОМАЛАР ЁДНОМАСИ

Қадимда алломалар ва буюк зотлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва уларни китоб – тазкира шаклида ёзиш анъанаси кенг тарқалган эди. Босма нашрлар мавжуд бўлмаган даврда улуг аждодларимиз номи, уларнинг эзгу ишлари кўплаб тазкиралар орқали авлоддан авлодга ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келган. Бугунги кунда ҳам улар тарихимиз ва маданиятимиз фидойилари бўлган илм аҳли учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Қашқадарёлик адиб ва уламолар ҳақидаги маълумотларни тўплаш фикри менда талабалик йиллари туғилган эди. Мумтоз

адабиёт вакиллари асарларини ва эски тазкираларни ўқиш жараёнида дуч келган Насафий ва Кешийлар номини алоҳида дафтарга қайд этиб қўяр эдим. Орадан анча йиллар ўтди, талайгина маълумот тўшланди. Қашқадарёлик олимларнинг кейинги йиллардаги топилмалари билан бирга уни яхлит китобча шаклида чоп этиш нияти пайдо бўлди. Мақсад – воҳада яшаб ўтган ижод ва илм аҳли ҳақида қисқача маълумот бериш ва кейинги тадқиқотлар учун замин яратиш.

Ушбу тазкира шу тариқа дунёга келди. Номи тазкирада зикр этилган алломалар аслида Қашқадарё воҳасининг турли шаҳар ва қишлоқларида таваллуд топган бўлишлари мумкин. Аммо воҳанинг икки йирик маданий марказида таълим олиб, анъанага кўра, ўз нисбаларига бу шаҳарлар номини қўшганлар.

Қашқадарё воҳаси қадимдан истеъдодларга бой. Минг йиллар давомида шаклланган оғзаки ва ёзма адабиёт анъаналари ҳамон барҳаёт. Мазкур китобчада бизнинг давримизгача воҳада яшаб ўтган алломаларнинг бир қисми номларинигина қайд этдик, холос. Ҳали тарихнинг чанг босган қатламларида ўнлаб алломалар мероси ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Уларни синчковлик билан ўрганиш мамлакатимиз тарихи ва маданиятининг янги саҳифаларини кашф этиш имконини беради.



## НАСАФ ВА КЕШ АЛЛОМАЛАРИ

### МУЪАЗ ибн ЁҚУБ ан-НАСАФИЙ

Абу Абдураҳмон Муъаз ибн Ёқуб ал-Косоний ан-Насафий милодий IX асрда яшаган ислом олимларидан бири. Тарихчи ва тазкиранавис Абдулкарим Ас-Самъоний (1113-1167) ўзининг “Китоб ал-ансоб” (“Насабнома китоби”) номи асарида ёзишича, у 834 йили ўз маблағи ҳисобидан Насафда жоме масжиди, сўфийлар учун рабат ва сув манбаи қурдирган. Айни пайтда, кўплаб шоғирдлар етиштирган, ҳадисшунослик борасидаги изланишлари билан ҳам шуҳрат топган.

Самъоний унинг қабрини зиёрат қилган ва у қурдирган масжидда бўлган.

### АБДУЛҲАМИД АЛ-КЕШИЙ

Шаҳрисабзлик йирик тилшунос, ҳадисшунос ва фикҳшунос олим. Тўлиқ исми Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Ҳумайд ибн Наср ал-Кеший ал-Қураший. У “Ат-Тафсир” ва “Ал-Муснад” асарлари, араб тили грамматикасига оид уч китоб – “Китоб ала ҳуруф ал-муъжам” (“Ҳарфлар тўғрисида китоб”), “Ат-Тасариф” (“Турланиш”), “Китоб фаъалту ва афъалту” (“Феълнинг фаъала 1 ва 4 турлари ҳақида китоб”) муаллифидир.

Абдулҳамид ал-Кеший Кешда ҳадисшунослик ва фикҳшунослик мактабига ҳам асос солган. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган талабалар ундан илм ўрганганлар. Бу ҳақда Нажмиддин Насафийнинг маълумотлари диққатга сазовор. “Кеш аҳли Мовароуннаҳрнинг бўлак шаҳарлари олдида ул киши билан ифтихор қилур эди ва бунга улар ҳақли эди”, деб ёзади у “Самарқандия” китобида. Ал-Кешийнинг ўғли Муҳаммаднинг айтиши-

ча, Қутайба ибн Саид: “Агар Термизга борсангизлар Аҳмад ибн ал-Ҳасаннинг этагидан маҳкам тутингизлар, агар Кешга борсангизлар, Абд ибн Ҳумайднинг этагидан маҳкам тутингизлар, агар Бухорога борсангизлар Абдуллоҳ ибн Абдурахмоннинг этагидан маҳкам тутингизлар ва агар Шошга борсангизлар Абдуллоҳ ибн Абу Аробанинг этагидан маҳкам тутингизлар, деб айтган экан”.

Нажмиддин Насафий алломанинг ўгли сўзларига асосланиб ёзишча, у асли Кеш қишлоқларидан бири – Ғазниёндан бўлган. Унинг отаси Ҳумайд ибн Наср Бағдодда туғилган экан. Чунки бобоси – Наср халифа Абу Жаъфар ал-Мансур (754–775) саройи қўриқчиларидан бири бўлган. Ўша пайтда кўпгина халифаларнинг қўриқчилари ва шахсий гвардияси туркий халқлар вакиллари билан бўлган. Хизмат муддати чўзилиб кетган Наср оиласини ҳам Бағдодга кўчириб олиб борган. Алломанинг отаси Бағдодда туғилиб ўсган, ҳар соҳада мукаммал илм олиб, ўз даврининг етуқ кишиларидан бирига айланган. Ал-Кешийнинг ўгли Муҳаммад бобоси ҳақида шундай ёзади: “Ул киши ҳар соҳада – араб тили, аруз, назм ва бошқа илмлар бобида фосоҳат соҳибларидан эдилар, шунингдек, ул киши адиб, қори ҳам бўлиб, Қуръони Каримни ғоятда чиройли қироат қилур эдилар ҳамда одамларга ҳам уни тиловат қилмоқни ўргатур эдилар”. Табиийки, Ал-Кешийнинг машҳур уламо бўлиб шаклланишида отасининг ҳиссаси катта бўлган.

Абдулҳамид Ал-Кеший кўплаб мамлакатларда сафарларда бўлган. Абдуразоқ ибн Ҳумом ас-Санъоний, Мусо ибн Исмоил ат-Табузакий, Язид ибн Ҳорун сингари машҳур ҳадисшунослардан, Яман ва Ироқ аҳлидан ҳадислар тинглаган. “Мен ҳадис талабида (юртма-юрт кезиб юрган чоғларимда бировлар ерга ташлаган) қовун пўчоқларини териб ер эдим”, деган экан у. Бу гувоҳлик унинг илм талабида катта риёзатлар чекканлигини кўрсатади. Кейинги даврда яшаган Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий, Абу Исо Ат-Термизий, Ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Нуҳ ибн Суфён ас-Салмий ас-Самарқандийлар ундан ҳадислар ривоят қилганлар. Имом Ал-Бухорий ҳам “Ат-Тарих” асарларида Ал-Кеший ҳақида тўхталиб, ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Ас-Самъоний тазкирасида олимнинг 2 устози ва 14 шогирди ҳақида маълумотлар келтирган. Устозларидан бири Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ад-Доримий ал-Ҳофиз ас-Самарқандий бўлган (вафоти ҳижрий 255 – милодий 870 йил). Хотираси ниҳоятда кучли бу олим ҳадисларни ёддан билишда Имом Бухорийдан қолишмагани. Шу сабабли Абдулҳамид ибн Ҳумайд «Абдуллоҳ ад-Доримий бизнинг устозимиздир. Дунёда унингдек аллома мавжуд эмас», деб ёзган.

Абдулҳамид Ал-Кеший фикҳ, тилшунослик ва тафсирга оид жами 7 та асар ёзган. У ҳижрий 249 (милодий 864) йили вафот топган.

## АБУ ТУРОБ НАХШАБИЙ

Абу Туроб Асқар бинни ал-Ҳусайн ан-Нахшабий ан-Насафий пири мурид даражасига эришган машҳур тасаввуф шайхларидан бири. У тахминан 806 йили Нахшаб шаҳрида туғилган. Бухоро ва Сарахс шаҳарларида таълим олган. Сўнгра кўплаб мамлакатларга сафар қилиб, машҳур тасаввуф шайхлари ва олимлар билан ҳамсуҳбат бўлган. Нақд қилишларича, 40 марта ҳаж зиёратига пиёда борган экан. Шу сабабли у Шарқда сабр-бардошнинг юксак тимсолига айланган.

Фаридиддин Аттор ўзининг “Тазкират ул-авлиё” асарида у ҳақда шундай ёзади: “Шайх Абу Туроб Нахшабий, қоддасаллоху руҳаҳул азиз, валоят бодиясининг (даштининг) сайёҳи, замон денгизининг маллоҳи (кемачиси) эди. Хуросон тупроғидаги шайхларнинг улуғларидандир. Ҳар қачон муридларида бир ёмон иш кўрса, муридига бир нарса демас, ўзи тавба қилиб, истиғфор айтар эди. Айтар эдики, “Ул бечора бу балога мен туфайли йўлиқди”. Дарҳол Ҳақ таоло ўша муридга салоҳ (яхшилиқ) ато этар, мурид пушаймон бўлиб, тавба қилиб, истиғфор этар эди”.

Алишер Навоий ўзининг “Лисон ут-тайр” достонида Абу Туроб Нахшабий номини эҳтиром билан тилга олади ва у ҳақдаги бир ривоятни келтиради. Ривоятга кўра, Нахшабийнинг муридларидан бири зебу зийнатга бўлган майлини йўқота олмайди.

Кийган тўнидаги ямоқлари ҳам қизил, яшил, сариқ рангларда эди. Нахшабий пир сифатида унинг нафсини мағлуб қилиш учун турли оғир ишларни буюради. Аммо натижага эриша олмайди. Охири шундай юмуш буюради: мурид бир неча кун давомида қўйнинг қорин ва ичак-чавоқлари солинган саватни Қарши бозори ичидан олиб ўтиши керак. Мурид бу ишни адо этади ва худпарастлигидан асар ҳам қолмайди. Саватдан томган ифлос сувлар дастори ва тўнини расво қилади. “Бу машаққат унинг кибри ва нафсини ўлдирди”, дейди Навоий. Шундан кейингина муршид унинг покланишига рухсат беради.

Бу ҳикоя орқали Алишер Навоий бир томондан, Нахшабийнинг ўткир руҳшунос мутафаккирлигини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан тасаввуфнинг муҳим шартларидан бири бўлган нафс ва кибри жиловлашнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлаган.

Абу Туроб Нахшабийнинг кўплаб муридлари ва шогирдлари бўлган. Улардан бири – машҳур шайх Ҳамдун Қассордир. Авлиёларнинг ибратли ҳаёти ва ишлари ҳақидаги китобларда у ҳақда ҳам қизиқарли маълумотлар бор.

Абу Туроб Нахшабий тахминан 887 йили вафот этган. Фаридуддин Аттор у Басра шаҳрида дафн этилганлигини ёзади. Аммо баъзи маълумотларга кўра, қабри Қарши шаҳрида.

### АБУЛ ҲОРИС ал-ВАРАСИНИЙ ан-НАСАФИЙ

Тарихчи ва ҳадисшунос олим Абул Ҳорис Асад ибн Ҳамдавайҳи ал-Варасиний ал-Насафий Насаф вилоятининг Варасин қишлоғида туғилган. Ас-Самъоний у ҳақда шундай ёзади: «Бу киши муҳаддис, чиройли тасниф қилувчи олимлардан бўлиб, Насаф шаҳрининг ифтихори эдилар. Насаф аҳли у киши номини фахр билан тилга олар эди. Бу киши уйларидан кўп чиқмас эдилар. Агар чиқсалар ҳам қўлларида сиёҳдон, қалам ва дафтар бўлар эди».

Олим талабалик йилларида Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Туфайл ибн Зайд ат-Тамимий, Мусанно ибн Иброҳим ал-Ғубди-

ний сингари ўз даврининг машҳур шахсларидан таълим олган. Ҳар томонлама чуқур билим олиб, тарих ва филология соҳаларида кўпгина асарлар ёзган. Ас-Самъоний улардан бир қанчасининг номини тилга олади. «Ал-Бўстон», «Ал-Ажойиб», «Ахбор ал-Ҳасан ва ал-Ҳусайн», «Ал-Мақтал» (“Жангнома”) ва “Китаб муфаккиринг аҳл Насаф ва Кашш” (“Кеш ва Насаф аҳлининг ифтихорлари”) номли асарлари шулар жумласидан. Сўнгги асари мазкур шаҳарлар тарихи ва машҳур шахсларига бағишланган. “Китаб ан-нас саб” (“Нисбалар ҳақида китоб”) деб номланган асари эса филологияга оид бўлган. Афсуски, бу асарлар бизнинг давримизгача етиб келмаган. Олимнинг Насафда ва Мовароуннаҳрнинг кўпгина шаҳарларида шогирдлари бўлган.

Асад ал-Варасиний ал-Насафий милодий 928 йили вафот этган.

### АБУЛМУТЕЪ МАҚҲУЛ ан-НАСАФИЙ

Абулмутеъ Мақҳул ибн Фазлуллоҳ ан-Насафий арабийнавис шоир, адиб ва файласуфлардан биридир. У “Китоб фи фазли субҳон Аллоҳ” (“Субҳон Аллоҳ сўзининг фазилятлари ҳақида китоб”), “Китоб фи-т тасаввуф” (“Тасаввуф ҳақида китоб”), “Ал-луғлуйот фи мавоиз” (“Мулклар марвариди”) сингари асарлар ёзилган. Сўнгги асари бизнинг давримизгача етиб келган. 153 бобдан иборат китобда панд-насиҳатлар, ҳадислар ва Насафийнинг ўзи ёзган шеърлар жамланган.

Мазкур асарнинг 1835 йили Маҳмуд ибн Ҳасан ибн Қози Ораж томонидан форс тилига қилинган таржимаси Санкт-Петербургдаги М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонанинг Шарқ қўлёмалари бўлимида ПНС-18 рақами остида сақланмоқда. У хаттот Муҳаммад Шариф ибн Мир Солиҳ Қоратоғий томонидан кўчирилган. Асарнинг 1868 йили китобат қилинган ўзбекча таржимаси ҳам ушбу кутубхонада сақланмоқда. Форсча таржиманинг бир нусхаси ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёмалар жамғармасида ҳам мавжуд (ашёвий рақами 2662/1).

Абулмутеъ Мақҳул ан-Насафий милодий 930 йили вафот этган.

## МУҲАММАД НАХШАБИЙ

Иккинчи Наср ибн Аҳмад Сомоний (914-943) даврида Хуросон ва Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган шоир, файласуф ва давлат арбоби.

Маълумки, Сомонийлар даврида Бухоро йирик маданий ва илмий марказлардан бирига айланган эди. Саройда ва ундан ташқарида ҳам шоир ва олимларнинг анжуманлари, қадим Юнон фалсафасига оид баҳслар бўлиб турарди. Ҳақиқатда яшаган Абу Абдулло Рудакий ва унга замондош 70 дан ортиқ шоирнинг номи ва асарлари ҳақида маълумотлар бор. Сарой аъёнлари орасида таниқли файласуф, ўзининг билими ва қобилияти билан вазир даражасига кўтарилган Муҳаммад бинни Аҳмад Нахшабий ҳам бор эди. У Қарматийларнинг диний-сиёсий таълимотини қабул қилган ва унинг Мовароуннаҳрдаги раҳбарларидан бирига айланган эди.

Маълумки, исмоилийлик ва унинг бир тармоғи бўлган Қарматийлик таълимоти IX–XI асрларда Шарқда кенг тарқалган. Мисрда Фотимийлар халифалиги ва Баҳрайндаги Қарматийлар давлати уларнинг марказлари эди. Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам Қарматийларнинг кўплаб издошлари бор эди. Ибн Сино, Рудакий, Умар Хайём, Носир Хусрав каби машҳур аломалар ҳам бу таълимот таъсирида бўлганлар. Чунки Қарматийлик ерга жамоа эгаллигини, умумий (қуллардан ташқари) тенглик ғояларини тарғиб қилар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва зиёлилар орасида кенг тарқалганди. Аббосий халифалар сиёсатидан, мавжуд маҳаллий тартиблардан безган халқ озодлик ва тенгликка эришиш йўлини ана шу ҳаракатда кўради. Бу ҳаракат нуфузи шу даражага етадики, амирлар, вазирлар, ҳатто Наср ибн Аҳмад ҳам унга мойиллик билдиради. Бу ҳақда Низомулмулк ўзининг “Сиёсатнома” асарида шундай ёзади: “...Хуросон амири (Наср ибн Аҳмад) уни ўзига яқин тутарди. Муҳаммад Нахшабий ҳам ўз сўзини унга ўтказарди... Наср ибн Аҳмад уни ҳурматлар, бир лаҳза ҳам усиз туролмасди. Охири Муҳаммад Нахшабий Наср ибн Аҳмадни ўз мазҳабига даъват этади. Ўзи вазирликка кўтарилади. Подшоҳ ҳам унинг айтганини қиларди...”

Аmmo Қарматийлар мавқеи ва Нахшабийнинг нуфузи ортиб боришидан ташвишга тушган айрим сарой аъёнлари ва мутаассиб рудонийлар фитна уюштирадilar. Нахшабий ва унинг тарафдорларини шиаликда айблайдилар. Бундан фойдаланган валиаҳд Нуҳ ибн Наср ҳокимиятни қўлга олади. У ўз отасини зиндонга ташлайди. Халқ ва лашкар орасидаги Қарматий мазҳаб кишиларнинг барҳис битта-битта тутиб ўлдирилади, мол-мулклари талон-торож этилади. Шоир Абу Абдулло Рудакийнинг кўзига мил тортиб, кўр қиладилар. Муҳаммад Нахшабий ҳам ана шу қатли омда ҳалок бўлади.

## АБУ УСМОН ан-НАСАФИЙ

Абу Усмон Саид ибн Иброҳим ан-Насафий таниқли тилшунос ва адабиётшунос олим бўлган. Унинг “Ал-адаб ва ш-шиър” (“Адабиёт ва шеърят ҳақида китоб”) асари машҳур эди. Милодий 952 йили вафот этган.

## ҲУСАЙН ибн ХИЗР НАСАФИЙ

Милодий X асрнинг охири ва XI асрнинг бошларида яшаган олим, фақиҳ. У дастлаб Насафда, сўнгра Бухорода таълим олган. Бир муддат Бағдодда яшаган. Сўнгра Бухорога қайтиб, мударрислик қилган ва илм билан шуғулланган. Бир қатор китоблар ёзган. Деҳқудонинг «Луғатнома»сида «Ал-фавоид вал-фатови» номли асари борлиги қайд этилган.

Ҳусайн ибн Хизр Насафий ҳижрий 424 (милодий 1033) йили вафот этган.

## АБУЛ АББОС ЖАЪФАР ан-НАСАФИЙ

Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ан-Насафий милодий 962 йили Насаф шаҳрида туғилган. У фикҳ ва ҳадисшуносликда, тарих ва филологияда кенг қамровли билим соҳиби бўлган. Олим турли мавзулардаги 10 дан ортиқ китоб, жумладан, “Насаф ва Кеш тарихи” номли 2 жилдли муфассал асар муаллифидир. Афсуски, бу китоб бизгача етиб келмаган. Ас-

Санабонининг ёзишича, бу асарда X–XII асрларда Насаф ва Кешд яшган машҳур олим, шоир ва дин арбоблари ҳақида қимматли маълумотлар бўлган. Муаллиф уларни 80 тоифага бўлиб тасвирлаган.

Ас-Самъоний ўзининг «Китоб ал-Ансаб» асарини ёзишда “Насаф ва Кеш тарихи” китобидан унумли фойдаланган, ундан парчалар келтирган. Шунингдек, олим ва тарихчининг 18 устози ва ёшогирди ҳақида маълумот берган. Жумладан, у шундай ёзади: «Абул Аббос ал-Мустағфирий ан-Насафий кўп ҳадислар жамланганлар. Ўз даврларида Мовароуннаҳрда бу кишидай ҳадис жамловчи ва тасниф қилувчи ҳамда ҳадисларни яхши тушунувчи муҳаддис йўқ эди... Қабрлари Насафнинг водий тарафида бўлиб, уни зиёрат қилганман».

Абул Аббос Жаъфар ан-Насафий Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарлари бўйлаб кўплаб сафарлар қилган. Марв, Сарахс, Нишопур, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида яшаган. 987 йилда, яъни 26 ёшида Насафнинг жомеъ масжидида ваъзлар ўқиган. Умрининг охирларида эса Насафнинг бош воизи вазифасида бўлган.

Олимнинг қуйидаги асарлари манбаларда қайл этилган: «Китоб ал-вафо» (“Вафо ҳақида китоб”), «Китоб далоил ан-нубувва» (“Пайгамбарлик далиллари китоби”), «Китоб ад-даавот» (“Дуолар китоби”), «Китоб хутаб ан-набий» (“Пайгамбар хутбалари китоби”), «Китоб тибб ан-набий» (“Пайгамбар табobati китоби”), «Китоб тарих Самарқанд» (“Самарқанд тарихи ҳақида китоб”), “Китоб аш-шеър ваш-шуаро” (“Шеърят ва шоирлар ҳақида китоб”). Бу асарлар унинг улкан истеъдоди ва билим доирасидан далолат беради. Афсуски, бу асарларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаган. Аммо “Китоб тибб ан-набий” асари Техронда нашр этилган.

Абул Аббос Жаъфар ан-Насафий 1041 йили вафот этган.

### АБДУЛАЗИЗ ан-НАХШАБИЙ

Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ал-Устуғдодизий ан-Нахшабий 1018 йили Насафдан 4 фарсах узоқликдаги Устуғдодиза қишлоғида туғилган. Ҳадисларни тўплашдаги қобилияти туфайли “Ҳофиз ал-ҳадис” (ҳадисни ёддан билувчи) унвонига сазо-

лар бўлган. Ас-Самъонийнинг ёзишича, у илм талабида Ироқ, Хижоз, Шом ва Мисрда бўлган, саҳиҳ ҳадисларни чиройли насх астида ёзиб олган ва тўплаган. Насафда отаси ва Абул Аббос Жаъфир ибн-Насафийдан, Самарқандда Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Журжонийдан, Бухорода Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Варроқдан, Марвда Абул Қосим Ҳасан ибн Исмоил ал-Михмудийдан, Маккада Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Али ал-Аз-Зийлдан, Бағдод, Шероз, Байт ул-Муқаддас, Миср, Искандария ва Қўннинг мўътабар уламоларидан таълим олган. Исфаҳон шаҳрида бир муддат яшаб турган. Сўнгра Насафга қайтиб, мударрислик қилган.

Устозларидан бири, ҳамқишлоғи – Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Устуғдодизий шайх ва адабиётшунос олим сифатида ном қозонган. Султон Маҳмуд Газнавий бу шахсни ўз саройига таъин этган. Олим Газна шаҳрига бориб, султоннинг фарзандларига адабиёт илмидан сабоқ берган. Сўнгра катта обрў-эътибор билан Насафга қайтиб келган.

Олимнинг отаси – Абу Бакр Муҳаммад ибн Осим ал-Устуғдодизий ҳам таниқли фақиҳ ва муҳаддис бўлган. Ўғлининг ҳар томонлама билимли ва комил шахс бўлиб етишишига катта ҳисса қўшган. Олим Абу Тоҳир ан-Насафий бу шахснинг шогирдларини биридири.

Абдулазиз ан-Нахшабий 1066 йили Насафда вафот этган.

### АБДУЛАЗИЗ ал-ҲАЛВОНИЙ

Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ шамс ул-анимма ал-Ҳалвоний XI асрда яшаган машҳур олим. Унинг фикҳга оид «Ал-Мибсут» номли асари ўз даврида жуда машҳур бўлган.

Ал-Ҳалвоний дастлаб Бухорода машҳур олим Хизр ан-Насафийдан фикҳ илмидан сабоқ олган. Ўз устида ишлаб ва узоқ мамлакатларга сафар қилиб, бой билим ва тажриба тўплаган, шамс ул-анимма (имомлар қуёши) деган юксак эътирофга сазовор бўлган. Кўплаб шогирдлар етиштирган. Ас-Сарахсий, фахрул-ислом ал-Илҳавий ва унинг биродари Абул Йуср ал-Паздавий, Аз-Заранкирийлар ундан таълим олиб, етук олимлар бўлиб етишган.

Абдулазиз ал-Халвоний фаолияти Қорахонийлар ўз пойтахтини Ўзганддан Самарқандга кўчирган пайтига тўғри келди. Ҳанафий мазҳаби уламолари ҳукмдорларнинг баъзи ишларини танқид қилар, уларни ислом дини арконларига риоя қилишга чақирар эдилар. Ал-Халвонийнинг жиддий танқидлари ҳокимият вакилларига ёқмай қолади ва у Кеш шаҳрига сургун қилинади.

Ал-Халвоний тахаллуси олимнинг ота касби ҳолвачилик бўлганлигидан далолат беради. Тарихий манбаларда унинг 1056 йили Кешда вафот этганлиги, сўнгра Бухорога келтириб дафн этилганлиги ёзилган. Аммо кейинги изланишлар олимнинг маҳбараси Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида эканлигини кўрсатди. Илмий фаолияти кўпроқ Бухорода кечганлиги учун ал-Халвоний номига ал-Бухорий нисбасини ҳам қўшиб ёзадилар.

### АБУЛҲАСАН ал-БАЗДАВИЙ

Ҳадисшунос ва ҳанафий мазҳабининг таниқли фикҳшуноси, Мотуридия мактабининг йирик вакили Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Баздавий ан-Насафий 1009 йили Насаф яқинидаги Базда (Пазда) кўргонида туғилган. У фикҳ бўйича 6 та асар ёзган, Самарқанд мадрасаларида мударрислик қилиб, кўплаб шогирдлар етиштирган. Олимнинг “Канз ул-вусул ила маърифат ул-усул” асари “Усули Баздавий” номи билан машҳур бўлган. Мусулмон қонунчилиги асослари ҳақидаги бу китоб Шарқда кенг тарқалган, унга кўплаб шарҳлар битилган. Шу сабабли «Фақиҳу Мовароуннаҳр» (“Мовароуннаҳр фақиҳи”) ва «Устоз ал-аимма» (“Имомларнинг устози”) унвонларига сазовор бўлган.

Ас-Самъоний олимнинг ўғли Ҳасан ибн Али ал-Баздавийдан сабоқ олганлигини таъкидлайди. Олимнинг биродари Абул Йуср Муҳаммад ал-Баздавий ҳам таниқли фақиҳ бўлган. «Қози ас-садр» (“Қозиларнинг пешвоси”) номи билан танилган бу зот Бухоро мадрасаларида фикҳ ва имлодан дарс берган. Унинг ўғли Абул Маолий Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Баздавий Марв шаҳрида қозилик қилган. Баздавийнинг шогирди – Абу Бақр Муҳаммад бин Аҳмад ас-Самарқандий эса фикҳ бўйича бир неча китоб ёзган.

Ишмиддин Насафийнинг ёзишича, Абул Ҳасан ал-Баздавий 482 (милодий 1089) йили Кеш шаҳрида вафот этган. Чунки у ҳам устози Ал-Халвоний сингари ҳокимият вакилларининг баъзи ишларини жиддий танқид қилган ва шу сабабли Кеш шаҳрига сургун қилинган эди. Олимнинг жасади Самарқандга олиб келиниб, Чокардиза қабристонига дафн этилган.

### АБУЛ МУЪИН ан-НАСАФИЙ

Мотуридия калом мактабининг атоқли намояндalarидан бўлиб, буюк олимлар оиласига мансуб йирик фақиҳ Абул Муъин ибн Муҳаммад ибн Муътамид ибн Макхул ибн ал-Фазл ан-Насафий 1037 йили Насаф вилоятининг Ибсан (ҳозирги Қовчин) қишлоғида туғилган. Унинг катта бобоси Макхул ан-Насафий (ф. 930 й.) ал-Мотуридийнинг шогирдларидан бўлган. Бобоси Муътамид ибн Макхул ан-Насафий эса отаси даражасида шуҳрат топпаган бўлса-да, ҳанафийлар орасида катта обрўга эга эди. Абул Муъин уларнинг ишини давом эттирган.

Манбаларда Абул Муъин узоқ муддат Бухоро ва Самарқандда ишаб, ижод этганлиги айтилади. Фатхуллоҳ Хулайф Абул Муъинни “Мотуридия калом мактабини ҳимоя қилиб турувчи буюк шахс” деб таърифлайди.

Олим 15 га яқин асар ёзган бўлиб, уларнинг аксарияти калом илмининг турли масалаларига бағишланган. “Ал-Умда фи усул ал-фикҳ” (“Фикҳ усулидаги устун”), “Баҳр ал-калом фи илм ал-калом” (“Калом илми денгизи”), “Табсират ал-адиллати фи илм ал-калом” (“Калом илмида далиллар тилга кирганда”), “Ат-тамҳид ли-қавоид ли-тавҳид фи илми калом” (“Калом илмидаги тавҳид қоидалари учун китоб”), “Ал-олим вал-мутааллим” (“Устоз ва шогирд”), “Маноҳиж ал-аимма фил фуруъ” (“Фуруъ илмида олимлар йўли”), “Муътақидот” (“Этиқодлар”) каби асарлари шулар жумласидан.

Абул Муъин ан-Насафийнинг “Баҳр ал-калом фи илм ал-калом” асари калом илми бўйича ал-Мотуридия мактабининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, у ўрта асрларда кўплаб қўлёзмаларда тарқалган. Бугунги кунда унинг қўлёзма нусхалари Дубай, Дамашқ, Бағдод, Қоҳира ва Искандария

шаҳарлари кутубхоналарида сақланмоқда. Асар 1886 йили Баг-  
додда, 1908 йили Қоҳирада чоп этилган. Айни пайтда, асрлар да-  
вомида унга бир қанча шарҳлар битилган.

Алломанинг машҳур асарларидан бири – “Табсират ал-адил-  
лати фи илм ал-калом” Имом Мотуридий ва Самарқанд калом  
илми мактаби ҳақида маълумот беради. Китобда Мотуридий-  
нинг бу фандаги хизматларига юксак баҳо берилган ва ёзган асар-  
лари шарҳланган. Олим Убайдулла Уватовнинг таъкидлашича,  
мазкур китобда ал-Мотуридий таълимоти ниҳоят даражада му-  
камал ва тушунарли тарзда баён этилган. Шу сабабли у асрлар  
давомида калом илми бўйича асосий қўлланмалардан бири сифа-  
тида эъзозлаб келинган.

Бугунги кунда асарнинг мўътабар қўлёзмаларидан бири Мис-  
рнинг Искандария шаҳри кутубхонасида сақланмоқда. У 1269 ми-  
лодий йилда Муҳаммад ибн Ҳасан ибн ал-Ҳусайн исм-ли хаттот  
томонидан Бухорода кўчирилган. Қоҳирадаги “Дор ул-кутуб ал-  
Мисриййа” ва машҳур ал-Азҳар университети кутубхоналарида  
асарнинг яна уч нусхаси мавжуд. Араб тилини ўрганиш бўйича  
Француз илмий институти тадқиқотчилари мазкур нусхалар асо-  
сида Дамашқ шаҳрида бу йirik асарни (минг саҳифадан ортиқ)  
1990 ва 1993 йилларда икки жилд ҳолида чоп этдилар.

1986 йили Абул Муъин Насафийнинг калом илмига оид яна  
бир асари – “Ат-тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид фи илми калом”  
Қоҳирада нашр этилганлиги араб дунёсида аллома меросига қизи-  
қиш катта эканлигидан далолат беради. Бу асарнинг 1273 йилда  
кўчирилган нусхаси Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзма-  
лар жамғармасида сақланмоқда.

Абул Муъин ан-Насафий ҳижрий 508 йили (милодий 1115) 70  
ёшида вафот этган. Қабри ҳозирги Қарши туманидаги Қовчин  
қишлоғида.

### **АБУ БАКР МУҲАММАД ал-БАЛАДИЙ**

Машҳур муҳаддис олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-  
Баладий Насаф шаҳрида таваллуд топган. У ҳақда ас-Самъоний  
шундай ёзади: « Бу киши ҳақида Бухоро, Самарқанд, Насаф ва

Моймарғда менга 20 дан ортиқ киши маълумот берди. Неварала-  
ридан тахаллусларининг мазмунини сўрадим. «Катта бобом Абу  
Иср вагонларида аксарият уламолар Насафнинг қишлоқ ва ту-  
минларидан эдилар. Бобом эса шаҳар аҳлидан бўлганлар. Шу-  
нинг учун «Ал-Баладий» тахаллуси билан танилганлар», деб жа-  
воб берди».

Олимнинг бобоси машҳур қози ва муҳаддис, невараси Абу  
Иср Аҳмад ибн Абдулжаббор ал-Баладий эса Насафнинг таниқ-  
ли олими бўлган. Ас-Самъоний ундан таълим олган.

Муҳаммад ал-Баладий 1111 йили вафот этган.

### **НАЖМИДДИН АБУ ҲАФС УМАР ан-НАСАФИЙ**

Ўз даврининг қомусий олими, шоири, муаррихи, фикршуноси  
Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ис-  
моил ан-Насафий ҳижрий 461 йили (милодий 1069) Насаф шаҳ-  
рида туғилган. Ёшлигида ўз даврининг машҳур алломаларидан  
сўбоқ олган. Улар орасида Абул Йуср Муҳаммад ал-Баздавий,  
ал-Ҳасан бинни Абдулмалик ан-Насафий, Муҳаммад бинни  
Аҳмад ал-Моймарғий ан-Насафий, Исмоил бинни Муҳаммад ан-  
Нуҳий ан-Насафий, Ёқуб бинни Муҳаммад ан-Нуҳий ан-Насафий-  
лар бор эди.

Нажмиддин ан-Насафий асосан Самарқандда яшаган ва илм  
қимда мударрислик билан машғул бўлган. Пойтахт шаҳардан фа-  
қат бир марта четга чиққан – 1113-1114 йиллари Маккага ҳаж зи-  
ёритига бориб келган. Олимнинг исмига баъзан “ал-Мотуридий”  
нисбаси ҳам қўшиб айтилади. Чунки у Мотуридия калом макта-  
бининг машҳур вакили ва тарғиботчиларидан бири, Бурҳонид-  
дин ал-Марғинонийнинг устози бўлган.

Нажмиддин ан-Насафий фаннинг турли соҳаларига оид 100  
дан ортиқ асар ёзган. Айниқса, у фалсафа ва ислом дини масала-  
ларига доир асарлари билан кенг танилган. Шулардан 10 га яқини  
бининг давримизгача етиб келган. Мазкур асарларидан бири  
“Манзумот ан-Насафия фи-л хилофият” (“Келишмовчиликлар

ҳақида ан-Насафий манзумаси”) дир. Шеърӣй шаклда, арузнинг ражаз баҳрида ёзилган бу китобда мазҳаблар ва улар ўртасидаги мунозарали масалалар ҳақида фикр юритилган.

Нажмиддин ан-Насафийнинг ислом қонуншунослигига оид яна бир асари “Ақоид ан-Насафий” дир. Бу асарга Амир Темур даврида яшаган машҳур олим Саъдуддин Тафтазоний 1367 йилда батафсил шарҳ ёзган. Мазкур асар Бухорода Субҳонқулихон даврида номаълум котиб томонидан кўчирилган (1702) ва форс-тожик тилига таржима қилинган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида олим асарларининг турли даврларда кўчирилган нусхалари ва бошқа тилларга қилинган таржималари сақланмоқда. Шундай асарлардан бири “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” (“Юлдузларнинг чиқиши ва фанлар мажмуаси”) дир. Яна бир асари – “Шарҳ ал-ғариб” араб тили лексикасига бағишланган бўлиб, талабаларга қўлланма сифатида тайёрланган. Мазкур асарнинг уч қўлёзма нусхаси бизнинг давримизгача етиб келган.

Насафлик ашломанинг “Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд” (“Самарқанд уламолари зикрида қанддек ширин китоб”) номли асари ўз даврида ниҳоятда машҳур бўлган. Чунки унда Самарқанд тарихи, унинг сугорилиши ва атрофидаги қишлоқлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Айни пайтда, унда Тоҳир ибн ал-Хусайн ан-Насафий ал-Майтманоний, Тоҳир ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Сўфий, ал-Хидр ибн Муҳаммад ан-Насафий сингари машҳур ҳадисшунос ва фикршуносларнинг таржимаи ҳолларига оид маълумотлар келтирилган. Ашломанинг шогирди Абул Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил ас-Самарқандий бу асарни қисқартирилган ҳолда форсий тилга таржима қилган. Кейинги асрларда ҳам унинг бир неча таржималари яратилган. Уларнинг бир қисми Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда.

Мазкур асарнинг бир қисми 1906 йилда рус тилида, бошқа қисми эса 1955 йилда Техронда форс тилида чоп этилган.

Ас-Самъоний Нажмиддин ан-Насафийнинг яна бир асари – “Ужалат ан-Нахшабий ли дайфи-хи ал-Мағрибий” (“Нахшабий-

нинг мағрибдан келган меҳмон учун шошилинч ёзган китоби”) ҳақида маълумот берган. Бу асар Мағриблик олим Абу Ҳорун Мусо ибн Абдуллоҳ ал-Ағматий ал-Қаҳтанӣйга бағишлаб ёзилган. Мазкур олим Ироқ, Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарлари бўйлаб сафар қилган ва 1116 йили бир неча кун ан-Насафийнинг унда меҳмон бўлган, унинг маърузаларини тинглаган.

Академик Бўрибой Аҳмедов Нажмиддин ан-Насафийнинг Қуръон шарҳига оид “Ал-явокит фи-л мавокит” (“Қулай вақтлар хусусида ёқутлар”), “Заллат ал-қорий” (“Қориларнинг хатолари ҳақида”) ҳамда тасаввуфга оид “Рисолаи Нажмия” (“Нажмиддиннинг рисоласи”) каби асарлари борлигини таъкидлаган.

Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафий ҳижрий 537 (миллий 1143) йили вафот этган ва Самарқанднинг Чокардиза қабристонида дафн қилинган.

## ШАМСИДДИН СЎЗАНИЙ

Шамсиддин Муҳаммад ибни Али Сўзаний (Ҳаким Сўзаний) 1091 йили Насаф шаҳрида туғилган. Ёшлик йиллари шу ерда ўтган. Сўнгра таҳсил олиш учун Бухоро шаҳрига борган. Бу ерда бир сўзангарга (игна ясовчи) шогирд тушиб, маҳоратли уста бўлиб етишган. Айни пайтда, ғазал ва қасидалари билан танилган.

Тожикистонда чоп этилган “Суханварони сайқали рӯи замин” тижирасида таъкидланишича, Сўзаний Бухорода таҳсилни тугатгач, Қорахонийлар салтанатининг ўша пайтдаги сиёсий маркази бўлган Самарқанд шаҳрига келган ва хон саройига хизматчи кирган. Бу даврда у Сўзаний Самарқандий номи билан ҳам шуҳрат топади.

Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг “Тазкират уш-шуаро” китобида Сўзаний ҳақида шундай ёзади: “... хуштаъб ва зарифсухан одам эди. Ёшлигида пухта таҳсил олди, аммо таъби ҳазилга жуда мойил эди. У таҳсил олган мадраса уламолари ўзаро тил бириктириб, ҳамхоналаридан бирини Сўзанийни ҳажв қилишга кўндирдилар. У киши Сўзанийга нозик ҳажвлар айтган ва Сўзаний унга муносиб жавоб берган. У ҳажвларни ушбу китобда келтириш муносиб эмасдир...”

Мазкур тавсифдан кўринадики, Сўзаний моҳир сўз устаси бўлган ва “Аския” услубида ажойиб жавоблар қайтарган. Аммо баъзи манбаларга кўра, у умрининг охирида ҳажв ва ҳазилларидан воз кечиб, тавба қилган.

Сўзаний Амъақи Бухорий, Саноний, Анварий, Муиззий, Аҳли Собир, Рашид Самарқандий каби шоирлар билан замондош бўлган. Уларнинг мушоира ва ижодий давраларида иштирок этган. Айни пайтда, Ломей Бухорий, Жаннатий, Шамс Хана, Шатранжий каби шоирларга устозлик қилган.

Шамсиддин Сўзаний 80 йилдан ортиқроқ умр кўрган ва 104 йили вафот этган. Самарқанддаги Чокардиза қабристонидан имом Абу Мансур Мотуридий ва Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафий қабри ёнига дафн этилган.

Шоирнинг 10-12 минг мисрани ўз ичига олган шеърлар девони Душанбе шаҳрида сақланмоқда. Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Қўлёмалар фондидаги “Мажмаъ ал-ғаройиб” тазкирасида ҳам Сўзаний ижодидан намуналар бор.

Абдураҳмон Жомий ўзининг “Баҳористон” асарида Сўзаний ҳақида қисқача маълумот бериб, шеърларидан намуна келтиради. Жомийдек адабиёт билимдони эътиборига сазовор бўлишнинг ўзиёқ Сўзаний шеърят санъатини пухта эгаллаган ижодкор бўлганлигидан далолат беради.

Жомий Сўзанийнинг бир ғазалидан қуйидаги сатрларни келтирган:

Чу тири гамза ба нозу карашма андози,  
Нишона аз дили мискини ман кун, эй, ғози.  
Нахуст бо ту ба дилбози андар омадаам,  
Чу дил намонад, тан дардиҳам ба жонбози.  
Чу ҳеч захми ту, эй дўст, бе навозиш нест,  
Маро ба гамза бизан, то ба бўса бинвози.  
Ҳазор ошиқ дорию ман ҳазору якум,  
Ба ман наёй, ки то з-он ҳама налардози...

**Мазмуни:** Нозу карашма билан нигоҳинг ўқларини отганинг-да мен мискиннинг дилини нишонга олгин, эй ғози (ғолиб). Сен

мен билан илк бора дилдан суҳбатлашишга келдим, дилим камлик билан танимни бахшида этаман... Сен етказган яралар, эй дўст, қиллаш билан ҳамроҳдир, нигоҳинг билан яраласанг, бўсанг билан эркала. Ошиқларинг мингта бўлса, мен минг биринчисиман, улардан узилмаганингча менга келма.

Эронлик машҳур олим Абдулҳусайн Зарринқўб “Бо қорвони ҳушша” номли асарида Сўзанийнинг ҳаёти ва ижоди хусусида фикр юритиб, унинг бир неча ғазалларини мисол келтирган. Улардан бирида шундай мисралар бор:

То кай зи гардиши фалаки обгина ранг,  
Бар обгинаи хонаи тоат занем санг.  
Бар обгинаи санг задан кори моу мо  
Тухмат ниҳода бар фалаки обгина ранг.  
Рангиму бо паланги ажал қор-зори мост,  
Охир чи қор-зор қунад бо паланг ранг.  
Кибри паланг дар сари моу ажаб мадор  
К-аз кибр поймол шавад пўст бар паланг.  
Дар паллаи тарозуи аъмол умри мо  
Тоот дона-донау исён танг-танг.

**Мазмуни:** Шиша рангли фалак айланиши туфайли қачонгача тоат хонасининг шишасига тош отамиз. Шишага тош отиш ўзинимизу, биз бўлсак, шиша рангли фалакка тухмат қиламиз.

Ўзимиз оҳумизу ажал қоплони билан уришамиз, ахир оҳу қоплон билан қандай уришсин? Бошимизда қоплон кибри бор. Ахир қоплон териси кибр туфайли оёқости бўлади-ку! Уримиз аъмол тарозуси палласида ўлчанади, унда тоат дона-донаю, исён хирмон-хирмон...

### АҲМАД ИБН МУСО ал-КЕШИЙ

Аҳмад ал-Кеший қаламига мансуб “Мажмуъ ул-ҳаводис ван нивозил” номли асар Туркиядаги Сулаймония кутубхонасида сақланади. Ҳижрий 550 йили (милодий 1155) ёзилган бу асар ҳали урганилмаган.

## ШАМСИДДИН МУҲАММАД АЛ-ҲАКИМ КЕШИЙ

Эронда нашр этилган мўътабар Деҳхудо “Луғатнома”сида Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад бин Аҳмад ал-Ҳаким Кеший олим, ориф ва сўфий деб таърифланган. Бу кешлик аллома тақдир тақозоси билан Эронга бориб қолган ва билими ҳамда қобилияти туфайли катта обрў-эътибор топган. Бир қатор китоблар ёзган. “Луғатнома”да унинг “Китоб ал-ҳоди фи ал-наҳв” номли асари (араб тили грамматикаси) ва шеърӣ қасидалари борлиги айтилган. У кўпгина шогирдлар ҳам етиштирган. Жумладан, Қутбиддин Маҳмуд бин Масъуд бин Муслиҳ Шерозий унинг шогирдларидан бири бўлган.

## АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ

Шарқ мумтоз шеърятининг ёрқин юлдузларидан бири Яминиддин АбулҲасан Амир Хусрав Деҳлавий 1253 йили Ҳиндистоннинг Патнели шаҳрида туғилган. Давлатшоҳ Самарқандий шоир ҳақида шундай ёзади: “Амир Хусравнинг асли туркдир. Айтишларича, у сабзалар қуббаси Кеш шаҳридандир. Бошқа гапларга қараганда, Пойи мурғ ва Қарши атрофида истиқомат қилган лочин ҳазорасидан бўлиб, бу уруғ Чингизхон хуружи пайтида Мовароуннаҳрдан қочиб, Ҳиндистонга келган ва Деҳлида ўрнашиб қолган”.

Ҳиндистонлик шоир Мирзо Ғолибнинг замондоши Найёр эса шундай деб ёзган эди: “Ҳиндистонда форс тилидаги шеърят Лочин уруғидан бўлган туркдан бошланиб, Ойбек уруғидан бўлган турк билан тугалланди”. Бунда у Амир Хусрав Деҳлавий ва Мирзо Асадуллохон Ғолибни назарда тутган эди.

Амир Хусравнинг отаси Амир Сайфиддин Маҳмуд Шимолий Ҳиндистонда вужудга келган мусулмон давлати ва унинг туркий ҳукмдори Шамсиддин Элтутмиш (1211-1236) саройида хизмат қилган. Бу подшоҳ ўз давлатини мустаҳкамлаш учун жанговар руҳдаги туркий элатлар вакиллари ўз давлатига таклиф этар, уларга катта имтиёзлар берарди. Тарихчиларнинг ёзишича, Деҳли сул-

тонлиги саркардаларининг катта қисми Ўрта Осиё халқлари вакиллари билан бўлган. Шоирнинг отаси ҳам истеъдодли лашкарбонни сифатида сарой аъёнлари қаторидан ўрин олади. Бу ерда обрўни оилалардан бирининг Давлатноз исмли қизига уйланади. Шоирнинг илк фарзанди Яминиддин Хусрав эди.

Бўлажак шоир саройга яқин муҳитда тарбияланди, диний ва дунёвий ишларни пухта ўрганди. Шеърӣ қобилияти жуда эрта намоён бўлди. Ўша давр анъанасига кўра, асосан форс тилида ижод қилди. Шу билан бирга, ҳинд, урду, араб тилларида ҳам исарлар яратди. «Ҳиндистонлик туркийман, аммо ҳинд тилини сундск биламан», деб ёзган эди у бир шеърда. 7-8 ёшларидан бошлаб катталарни лол қолдирадиган даражада пухта шеърлар ёзи бошлади. Бу ҳақда шундай ривоятни ёзиб қолдирганлар: бир кунги устози меҳмонлар ҳузурда Хусравнинг истеъдодини таърифлаб қолади. Улар ёш ижодкорни синаб кўрмоқчи бўладилар. Унга маъно жиҳатидан бир-бирдан узоқ бўлган «соч», «уруғ», «ўқ», «қовун» сўзларини бериб, шу сўзлар иштирокида бадеҳа тарзида, яъни тезкорлик билан шеър битишни сўрайдилар. Қисқа вақтдан сўнг ёш шоир шундай тўртликни ўқийди:

Санамнинг қоп-қора сочида бу он  
Юз анбар уруғи топибдир макон.  
Дили ўқдек тўғри дея ўйлама,  
Қовун каби тиши ичида ниҳон.

*(Муаллиф таржумаси)*

Ўтирганлар ҳайрат бармоқларини тишлаб қоладилар. Аммо замона нотинч эди. Мўғулларнинг устма-уст ҳамлалари давом этарди. Ана шундай урушларнинг бирида шоирнинг отаси Сайфиддин Маҳмуд ҳалок бўлади. Эндигина саккиз ёшга кирган Яминиддин ва укалари Иззиддин Алишоҳ ҳамда Ҳисомиддин Аҳмад етим бўлиб қоладилар. Кейинчалик шоир бу воқеани хотирлаб, шундай аламли мисралар битади:

Сайф аз сарам бирафту дили ман ду ним монд,  
Дарён ман равон шуду дурри ятим монд.

**Маъноси:** Сайф (икки маънода: отасининг исми ва қилич) бошимдан ўтдию дилим икки бўлак бўлиб қолди, дарём оқиб кетдию етим дурлар(бу ҳам икки маънода: нодир дур ва ўзининг етимлиги) қолди.

Аминиддин Хусрав онаси ва она томондан бобоси Имодулмулк тарбиясида вояга етди. Улар бор имкониятларини ишга солиб, унинг ўқиши учун шароит яратдилар. Аминиддин мактаб ва мадрасаларда таълим олиб адабиёт, тарих, ҳарбий санъат ҳақидаги китобларни мутолаа қилди, шеър ёзди, мусиқани ўрганди, ҳуснихат ёзишни машқ қилди. 20 ёшларида таниқли шоир бўлиб етишди. Дастлаб Султоний, Сўнгра Деҳлавий тахаллуслари билан ижод қилди.

Шоирнинг шуҳрати ҳукмдорлар қулоғига ҳам етиб борди ва Мўлтон ҳокими Кишлухон саройига ишга таклиф этилди. Кейинроқ Деҳли султони Ғиёсиддин Балбан (1265-1287) саройида амирлик рутбасида хизмат қилди. 1281 йили мазкур султоннинг Мўлтонга ҳоким қилиб тайинланган ўғли Муҳаммад Султон уни ўз яқинлари сафида бу шаҳарга олиб кетади. Аммо 1285 йили бўлиб ўтган мўғуллар билан жангда Муҳаммад Султон ҳалок бўлади, Хусрав ва дўсти, шоир Ҳасан Деҳлавийлар душман кўлига асир тушадилар. Узоқ қийинчиликлар ва азоб-уқубатлардан сўнг эсон-омон яна ўз уйларига қайтадилар. Шоирнинг қуйидаги сатрлари ўша даврда яратилган:

Таассуфми ё бало бул осмондин келадур,  
Бул қиёмат ёки офат ҳар томондин келадур...  
Елга учган барги гулдек тарқамиш дўстлар бу кун,  
Баргрезлик шеваси ул бўстондин келадур.  
Халқ кўз ёши жуда кўп оқди тўрт ёққа бу ҳун,  
Мисли беш дарё бўлибон Мўлтондин келадур...

*(Ш.Шомухамедов таржумаси)*

Орадан бир оз муддат ўтгач, Деҳли султони Муизиддин Кайкубод Хусравни яна саройга таклиф этади. У амирлик рутбасида ўттиз йилга яқин хизмат қилади. Бу даврда уч сулолага мансуб 7 султон ҳузурда бўлади. У ўз асарларини бу султонларга бағиш-

ланган бўлса-да, уларни кўр-кўрона мадҳ этмайди, балки халқнинг оғир аҳволини рўйрост айтади, зулм ва зўравонликни қоралайди, адолат ва инсоний фазилатларни улуғлайди.

Амир Хусрав ёшлик йилларидаёқ тасаввуфга қизиқиб, Ҳиндистонда машҳур бўлган Чистия оқимига қўшилади. Унинг пири – асони Бухородан бўлган Низомиддин Авлиё Ҳиндистоннинг етук машоихларидан бири, даврининг алломаси ва файласуфи эди.

Тасаввуф ва шеърят борасидаги изланишлари, мутоалари беиз кетмади. У даврининг машҳур форсийзабон шоирларидан бирига айланди. Унинг доврўғи Эрон ва Туронга ҳам ёйилди. Шайх Озарийнинг “Жавоҳир ул-асрор” (“Сирлар дурдонаси”) китобида айтилишича, шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий умрининг охирида Амир Хусрав билан кўришиш ва суҳбатлашиш мақсадида Форсдан Ҳиндистонга келган экан. Ўз навбатида, Амир Хусрав ҳам Саъдий Шерозийни юксак даражада ҳурмат қилган.

Хусрав Деҳлавий ижодий мероси кейинги асрларда ҳам кўплаб шоирлар учун юксак маҳорат мезони бўлиб қолди. Ҳофиз Шероий унга назиралар ёзди. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида Деҳлавийнинг “Панж ганж” мажмуасига кирган дostonларининг Ҳофиз Шероий қўли билан кўчирилган нусхаси мавжуд. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ҳам ўзларининг бир қанча асарларини Деҳлавий дostonлари, қасидаларига жавоб тарзида ёзганлар.

Амир Хусрав Деҳлавий бой адабий мерос қолдирган. “Хамса” таркибига кирган 5 дoston, ғазаллар, қасидалар, насрий асарлар, мусиқий илмига оид асарлар шулар жумласидан. Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси, Шоҳрух султоннинг ўғли, адабиёт ва санъат ҳомийси Мирзо Бойсунқур шоир асарларини тўплаш борасида кўп саъй-ҳаракатлар қилган. Ўшанда 120 минг байтдан индироқ шеърлари тўпланган. Аммо кейинчалик яна кўп асарлари топилган. Амир Хусрав рисоаларидан бирида ўз асарларини 500 минг байтдан камроқ, 400 минг байтдан ортиқроқ деб ёзган экан.

Умрининг охирида Амир Хусрав ўз лирик шеърларини 4 қисмга бўлиб, ҳар қисмини алоҳида ном билан атаган. Булар – “Тухфат ус-сиғар” (“Ёшлик тухфаси”), “Васат ул-ҳаёт” (“Умр ўртаси”),

"Гурраг ул-камол" ("Камолотнинг бошланиши"), "Бақия ан-шақия" ("Поклик қолдиги").

Булардан ташқари, шоирнинг "Қирон ас-саъдайн" ("Икки саодатли юлдузнинг туташishi"), "Дувалроний ва Хизрхон", "Нўҳ сипеҳр" ("Тўққиз қават осмон"), "Маноқибии ҳинд ва тарихи Деҳли" каби йирик асарлари, "Баҳр ул-аброр" ("Сахийлар денгизи"), "Миръот ус-сафо" ("Поклик ойнаси"), "Анис ул-қулуб" ("Қалблар улфати") сингари қасидалари ўз вақтида катта шухрат топган.

Амир Хусрав 1325 йили вафот этган ва пири Низомиддин Авлиёнинг Деҳли шаҳридаги мақбараси ёнига дафн этилган.

Ўзбекистонда Амир Хусрав Деҳлавий меросини ўрганиш бўйича йирик илмий мактаб шаклланган. Унга профессор Шоислом Шомуҳамедов асос солган эди. Ҳозиргача Ўзбекистонда Хусрав Деҳлавий ижоди бўйича 3 та докторлик ва 9 та номзодлик илмий иши ҳимоя қилинди, ўндан ортиқ китоб, элликдан ортиқ мақола-лар чоп этилди. Шоир дostonларининг илмий-танқидий матнлари тайёрланди, ғазаллари, ҳикматли байтларини китобхонлар ўзбек тилида ўқиш имконига эга бўдилар.

Амир Хусрав Деҳлавий ўз асарларида адолатни, эзгуликни, халқлар ўртасида дўстлик ва биродарликни тараннум этган. Шу сабабли унинг ижодий мероси бутун инсониятга дахлдордир. Биз буюк бобокалонимизнинг ўлмас мероси билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Унинг асарларини кўпроқ таржима ва тарғиб қилиш, бу улкан хазинадан кенгроқ баҳраманд бўлиш бизнинг бурчимиздир.

Амир Хусрав Деҳлавий ижодидан намуналар:

### ҲАЗАЛ

Жон бахш этар доим менга лаъли шакарборинг сенинг,  
Ҳажрингда ўлсам, қотилим – орзуи дийдоринг сенинг.

Гар сўзларимда бўлса бол, ҳам оби ҳайвондин мақол,  
Билгилки, у сендин мисол, найлайки, мен зоринг сенинг.

Зулфингни айлаб соябон, майли юзинг этсанг ниҳон,  
Тўймас ахир кўз ҳеч қачон, басдир менга боринг сенинг.

Бўлғай ҳамиша бесамар, ёшим билан қилсам назар,  
Бу кўзни иргитгум агар ҳал бўлса душворинг сенинг.

Ҳар бир эшиқда битта бош, кўйингда жон айлар талош,  
Айтгил ўзинг, эй, бағритош, битгайми озоринг сенинг.

Туз сеп ярамга, мен – ризо, этгил бу дарवेशни адо,  
Кўлингдадир лекин даво, мен хаста беморинг сенинг.

Гоҳи тилимда ғам-алам, гоҳи кўзимда мунгли нам,  
Бурсам юзим деворга ҳам қаршимда дийдоринг сенинг.

Бир лаҳза этмоққа ҳузур, майли йиқитгил, ерга ур,  
Чунки бу Хусрав кул эрур, авжида бозоринг сенинг.

### ҲИҚМАТЛАР

Чироқдек бўл, ёритгил кенг жаҳонни,  
Олов янглиғ куйдирма хонумонни.

\*\*\*

Май ичиб, ғафлатда ухласа чўпон,  
Кўй подаси бўлар бўрига қурбон.

\*\*\*

Замин гарчи кўзингга лозордир,  
Оёқ яланг кезма, тикон ҳам бордир.

\*\*\*

Гарчи заҳар асли душмани жондир,  
Баъзида дардларга ўзи дармондир.

\*\*\*

Сархил мева берган дарахтнинг шохи  
Мевасиз минг боғдан афзалдир гоҳи.

\*\*\*

Дўст деб аталмоққа арзир ҳар инсон  
Ғаму шодлигингда бўлса ёнма-ён.

\*\*\*

Қалби кўр кимсага таратмоқ зне  
Шўр ерга дон сочмоқ мисоли гўё.

\*\*\*

Авжиге паст келар гоҳида осмон  
Илм жавҳаридан юксалса инсон.

\*\*\*

Икки шам бир-бирдан бўлса ҳам йироқ  
Нурлари пайванддир ҳаминша, ҳар чоқ.

(Фарс тилидан муаллиф таржималари)

## МУҲИЙИДДИН ЯҲЁ ибн ШАРАФ ан-НАСАФИЙ

Таниқли муҳаддис олимлардан бири. Унинг 1276 йили китобат қилинган “Ҳадислар мажмуаси” бизгача етиб келган.

## МУАЙИДИДДИН НАСАФИЙ

Муҳаммад Афвий ўзининг “Лубоб ул-албоб” тазкирасида Муайидиддин Насафийни “Устод уш-шуаро” (“Шоирлар устоди”) деб атайди. У гарчи Насафда туғилган бўлса-да, Самарқандда яшаган ва Қорахоний ҳукмдорлар васфида қасидалар битган. Жумладан, “Паҳлавоннома” номли маснавийси Қорахоний ҳукмдор Паҳлавон Жалолиддинга бағишланган.

Муайидиддин Насафий асарлари ўз вақтида ниҳоятда машҳур бўлган. “Унинг шеърлар девони қизил гугурт ва тиллоранг ёқут каби азиз ва камёбдир”, деб ёзади Муҳаммад Афвий. Афсоҳки, шоирнинг шеърлар девони ва юқорида тилга олинган “Паҳлавоннома” маснавийси бизгача етиб келмаган.

XII асрда Мовароуннаҳрда яшаган бошқа шоирлар сингари Муайидиддин ҳам қашшоқона ҳаёт кечирган. Унинг қасидалари ва қитъаларида акс этган турмуш уқубатларидан шикоят ана шундан далолат беради. “Лубоб ул-албоб”да шоирнинг икки қасидаси, бир қитъаси ва бир рубойиси келтирилган. Улардан бирида шундай сатрлар бор:

Аз жаври чарх ҳар чи ба жумла жаҳон расад,  
Танҳо зи жаври чашми ту бар ман ҳамон расад.  
Жонам ба хоки пой ту дорад тамаъ, валек,  
Семурғ нест у, ки бад-ин ошиён расад.  
Чун гисуйи ту тофта дорад дили маро,  
Боде, к-аз он ду гисуйи анбарфишон расад...

Бар ҳусни хеш такъя макун, рух зи ман матоб,  
К-охир баҳори ҳусни гуру ҳам хазон расад.  
Оҳиста дор жавру бияндеш з-он ки ман,  
Дил бозлохам аз ту, чу қорам ба жон расад.  
Ту офтоби ҳуснию ҳар шаб фиғони ман  
Чун бахти Паҳлавон зи ту бар осмон расад.

Мазмуни: Чарх жабридан жумла жаҳон қандай азоб чекса, ёлғиз сенинг кўзинг жабридан мен шунча азобланаман. Жоним беғинг тупроғидан умидвор, аммо у семурғ эмаски, бу ошиёнга етса. Сочларинг дилимни ўртаб бормоқда, чунки шамол икки ўрим сочингдан анбар исларини олиб келмоқда... Ҳуснингга кўп ишониб, менам юз ўғирма, чунки ҳуснинг баҳорига ҳам хазон етиб келади. Менга кўп жабр қилма, ўйлаб кўр, тоқатим тугаса, сенам дилимни қайтариб беришингни сўрайман. Сен ҳусн офтобсан, ҳар кеча фиғоним Паҳлавон бахтидек осмонга етади.

## ШАҲОБИДДИН АҲМАД НАСАФИЙ (Самарқандий)

Муайидиддин Насафийнинг ўғли Шаҳобиддин Аҳмад ҳам ўз даврининг таниқли сўз усталаридан бири бўлиб етишган. У асосан Самарқандда, Абулмузаффар Рукнуддин Қилич Тамғочхон Масъуд бинни Ҳасан (1162-1173) даврида яшаган. Бу ҳукмдор шаънига бир қатор қасидалар ёзган. Аммо умрининг охирларида саройдан уюқлашиб, гўшанишинликни ихтиёр этган.

Низомий Арузий Самарқандий ўзининг “Мажмаъ ан-наводирини чаҳор мақолат” асарида Салжуқийлар сулоласи подшоҳларининг номларини абадийлаштирган шоирлар қатори Шаҳобиддин Аҳмаднинг ҳам номини тилга олган.

Шоирнинг шеърлар девони бизгача етиб келмаган. “Лубоб ул-албоб” ва “Мажмаъ ул-фусаҳо” тазкираларида унинг уч-тўрт қасидаси келтирилган. Таниқли Эрон олими Саид Нафисий қадимий қўлёзмалардан унинг яна бир неча қасидасини топиб, “Тарихи Байҳақий” китобига илова тарзида чоп эттирган эди. Бу асарлар шоирнинг юксак ихтидоридан далолат беради. Мана унинг шеърларидан бири:

Буноғуши ту, эй турки сумансимон симинган,  
 Суманро хок зад дар чашму гулро чок пирохон.  
 Занахдони ту чун гўй асту чун чавгон маро қомат,  
 Гиребони ту пурмоқ асту пурпарвин маро доман...  
 Агар турра бияфшони, в-агар рухсора бинмои,  
 Зиҳи дарди шаби тира, зиҳи шарми маҳи равшан.  
 Зи акси лаб мае доди ба мо, к-аз журъаи жомаш  
 Миёни чашми мардумҳо чу мастананд дар гулшан.

**Мазмуни:**Эй, гул юзли, гўзал вужудли турк (гўзал), сенинг но-  
 зик қулоғинг ва сирғангни кўриб, суман гули кўзига тупроқ соч-  
 ди, атиргул кўйлагини йиртди. Агар сенинг гўзал иягинг чавгон  
 тўпидек бўлса, менинг қоматим чавгондир, сенинг бўйинингда  
 ойлар жилва қилса, менинг этагимда юлдузлар акси бор... Агар  
 сочингни ёйиб, юзларингни кўрсатсанг, қоронғу тун сочингдан,  
 ой эса юзингдан шарманда бўлади. Лабинг акси тушган майдан  
 бизга бердинг, ундан бир қултум ичиб, одамлар кўзига гулшан-  
 даги мастларга ўхшаб қолдик.

### АБУБАКР НАСАФИЙ (ШАРАФИДДИН ХУСОМ)

Муҳаммад бинни Абубакр Насафий XII аср охири ва XIII аср  
 бошларида Самарқандда яшаган таниқли олим, шоир ва мудар-  
 рис. Самарқанд мадрасаларида дарс берган. “Лубоб ул-албоб”,  
 “Жавомеъ ул -ҳикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт” асарларининг муал-  
 лифи бўлган машҳур адиб Нуриддин Муҳаммад Авфийга устоз-  
 лик қилган.

Абубакр Насафий Шарафиддин Хусом тахаллуси билан ижод  
 қилган. Диний илмларни пухта эгаллаган бу зот шеърятда ҳам  
 маҳорат билан қалам тебратган. Шоирнинг “Нашканад” (“Син-  
 майди”) радибли қасидаси ниҳоятда машҳур бўлган. Авфий бу  
 ҳақда шундай бир воқеани келтириб ўтади: Шарафиддин Хусом  
 ҳажга кетаётиб, Рай шаҳрида тўхтади. Иттифоқан бу шаҳарга  
 машҳур шоир Афзалиддин Ҳоқоний ҳам келган эди. Шарафид-  
 дин у билан суҳбатлашгани боради. Биринчи учрашувдаёқ Ҳоқо-  
 ний: “Нашканад” қасидасининг муаллифи сизмисиз?” деб сўрай-

ди. Бундан Шарафиддин бир оз ранжийди. Чунки у шеърятдан  
 бошқа кўплаб илмларда ҳам танилган эди. У шундай дейди: “Ҳа,  
 ёшлиқда нодонлик қилиб шеърятга ҳам кўл урганмиз, аммо энди  
 ундан тавба қилдик”. Ҳоқоний бунга жавобан шундай дейди: “Эй  
 мавлоно, қанийди бутун девоним сизники бўлса-ю, сизнинг ана  
 ну қасидангиз меники бўлса. Чунки умримизнинг аксар қисми  
 шеър ёзиш билан ўтади, касбимиз шу, аммо сизнинг қасидангиз-  
 га ўхшаш бирор сатр битолмадик”.

Ҳоқоний Шарафиддин Хусомни катта эҳтиром ва совға-са-  
 ломлар билан кузатиб қўяди.

Шоирнинг машҳур қасидасидан бир неча байт:

Ҳаргиз нигор турра ба хинжор нашканад,  
 То бори ишқ пушти хирад зор нашканад.  
 Парвинфишон нагардад он чашми жаҳонфуруз,  
 То нўшханди муҳри лаби ёр нашканад.  
 То тори зулфи у надиҳад моя даври чарх,  
 Бар рўи рўз зулфи шаби тор нашканад.  
 Як тор нест дар ҳама зулфаш, ки бўи у  
 Қалри ҳазор нофаи тотор нашканад.  
 Бемори нори синаи ёрам, вале ба умр  
 Як орзуи ин дили бемор нашканад.  
 Дилхуни нордони ваям, гарчи оби у  
 Ҳаргиз ҳарорати дили пурнор нашканад...  
 Эй навбаҳори ҳусн, баҳорон машав ба боғ,  
 То чанд рўз равнақи гулзор нашканад.  
 Дар жилвагоҳи рўи макун зулф беқарор,  
 То пушти сабри ин дилафгор нашканад...

**Мазмуни:** Ҳаргиз нигор сочларини майдалаб ёйиб юборма-  
 синг, ишқ юки ақл ортида зор қолмасин. У оламни ёқувчи кўз юл-  
 дузларни сочмасин, ёрнинг лабидаги табассум муҳри синмасин.  
 Зулфининг бир толаси чархнинг айланишига асос бўлмасин, кун-  
 луз куни сочларидан қоронғу кечага айланмасин. Бир тола эмас,  
 шар сочларини ёйса, ҳидидан минг тотор мушкининг қадри си-  
 нади. Ёрнинг кўксидеги анор бемориман, аммо бир умр бу бемор  
 дилим орзуси ушалмайди. Унинг нордон ширасига орзумандман,  
 гарчи унинг суви оташли дилим ҳароратини босмаса ҳам Эй ҳусн

навбахори, баҳорда боққа чиқма, бир неча кун гулзор равнақи синмасин. Юзинг жилвагоҳида зулфингни паришон қилма, бу дилафгорнинг сабру қарори тугамасин...

## АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ ибн МУҲАММАД

1240-1300 йилларда яшаган файласуф ва шоир. Ёшлик йиллари Қаршида кечган. Сўнгра Бухорога бориб, кўп йиллар илм ўрганган. Нажмиддин Кубронинг шогирди шайх Саъиддин Муҳаммад ибн ал-Муайяд Ҳамавийдан (1191–1252(60) тасаввуф сирларини ўрганган. Айни пайтда, тиб илмидан сабоқ олган ва табиблик қилган. Элхонийларнинг Бухорога ҳужумидан сўнг (1273), у Исфаҳон. Шероз сингари Эрон шаҳарларига сафар қилган. Ўзининг чуқур билими ва қобилияти туфайли шайхлик мартабасига эришган.

Азизиддин Насафий тасаввуф ва фалсафанинг хилма-хил масалаларига оид кўплаб китоблар ёзган. “Мақсад ул-ақсо” (“Сўнгни мақсад”), “Кашф ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар кашфи”), “Зубдат ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”), “Китоб ул-инсон ал-комил фи маърифат ал-вофир” (“Комил инсон ҳақида китоб”), “Манозил ус-соирин” (“Йўловчилар қўналғаси”), “Усул ва фуруъ” (“Илдизлар ва шохлар”) номли асарлари шулар жумласидан. У ўз асарларида тасаввуф ахлоқи тамойилларини тарғиб қилган.

Атоқли олим Нажмиддин Комиловнинг таъкидлашича, Азизиддин Насафийни комил инсон илмининг назариётчиси деб аташ мумкин. Чунки унинг барча асарларида бу мавзу марказий ўрин тутди. У комил инсонга шундай таъриф беради: “Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”.

Насафийнинг мазкур таърифидан келиб чиқадиган хулоса шуки, комил инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши фазилатларни эгаллаб бор-

ган инсон ана шундай мартабага кўтарила олади. Бунинг учун каттариқат ва риёзат мақомларини босиб ўтиш зарур.

Азизиддин Насафий асарлари ўрта асрлардаёқ Европада маълум бўлган. 1665 йили А.Мюллер унинг “Мақсад ул-ақсо” асарини лотин тилида нашр этган эди. 1953 йилда Ф.Мейер шайхнинг ҳаёти ва ижодига доир тадқиқотини эълон қилди. 60-йилларда М.Молс Насафийнинг комил инсон ҳақидаги асарини Парижда, А.Махдавий “Кашф ул-ҳақойиқ” асарини Техронда нашр этдилар. Рус шарқшунос олими А.Е.Бертельс “Зубдат ул-ҳақойиқ” асарининг танқидий матнини тайёрлади.

Олим асарларининг XVI-XX асрларда кўчирилган қўлёзма нусхалари бугунги кунда Лондон, Лейден, Вена, Техрон, Калькутта, Истанбул, Санкт-Петербург, Душанбе шаҳарларидаги кутубхоналарда, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти Қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда. Бу нусхалар файласуф олимнинг фақатгина мусулмон дунёсида эмас, балки жаҳонда ҳам катта шухрат қозонганидан далолатдир.

Азизиддин Насафий Эроннинг Абркўҳ шаҳрида вафот этган.

## АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ «ЗУБДАТ УЛ-ҲАҚОЙИҚ» («ҲАҚИҚАТЛАР ҚАЙМОҒИ») АСАРИДАН ПАРЧА:

“Эй, дарвеш, ҳали сен кўп марта фалак ўйинларини кўрасан, дунё гирдобида чарх урасан, маънисиз сафарлар қиласан. Ҳали неча марта бу оламнинг эшигини четлаб ўтасан, умринг ва молмулкингни барбод берасан! Бунга эҳтиёж борми? Тақвога ҳам, тухду покдомонликка ҳам ҳожат йўқ. Муаммоларни ечишга куч сарфлашининг ҳам маъниси қолмаган – излаганинг изланиш маънақатига арзимайди. Йўқ нарсани излайдилар, сирни ва сирнинг йўлини қидирадилар:

Гиреҳларни ечмоқ истаган дарвеш,  
Таркибдан тугилиб, таснифдан ўтар.  
Чанқоқдан қақроқсак дарё лабида,  
Хазина устида қашшоқсан магар.

Ва яна:

Бир сават ширмой нон турар бошингда,  
Тилайсан эшикдан бурда нон нечун?  
Кишилар эшигин тақиллатунча  
Қоқсанг-чи, эй нодон, дилнинг эшигин.

Эй, дарвеш, ишларнинг асили орифлар суҳбатидир, шуни излагин, топганингдан кейин зоҳид бўлиб, қаноатга юз ўтир, шунда қолган умринг саодатда – сафода ўтар...

Билгилким, Аллоҳ бутун борлиқни яратиб, унга олам деб ном берди, чунки олам Унинг борлигининг аломатидир. Олам борлигида Унинг илми, маърифати, иродаси ва қудрати аломат ва нома (ёзув) кўринишида мужассамдир. Аломат эканлиги боис олам деб, нома эканлиги боис китоб деб атади. Кейин кимки бу китобни ўқиса, Мени билиб олади, Менинг маърифатим, иродам ва қудратимни англайди, деб амр этди. Биз жуда кичкина эдик, китоб эса жуда катта эди ва бизнинг нигоҳимиз ул китобнинг ҳудудларини, жами саҳифаларини илғай олмади. Устоди Аъзам бизнинг ожизлигимизни кўриб, ўшал оламнинг мухтасар кўчирмасини яратди ва ул Китобни қисқартириб, қайта китобат этди. Биринчисини Олами кабир (улуғ олам), иккинчисини Олами сағир (кичик олам) деб номлади. Биринчи китобни улуғ китоб, иккинчи китобни кичик китоб деб атади. Улуғ китобда нимаики бўлса, уни камайтирмай ва қўшмай кичик китобда ҳам нақш этди. Токи кичик китобни ўқиган ҳар бир киши катта китобни ўқиган бўлсин. Кейин у ушбу кичик оламга ўз халифасини юборди. Парвардигарнинг халифаси ақли аввалдир. Ақл Аллоҳ таоло сифатларининг мазҳаридир. У ақлни ўз сифатлари ва хулқи билан безади ва уни ўзининг кичик оламига туширди ва шу боис Тангри таоло инсонни ўз тимсолидан андоза олиб яратди, дейдилар. Бу Тангрининг Улуғ оламдаги халифаси бўлган ўша ақли аввал эди, бизнинг ақлимиз эса – Тангрининг кичик оламдаги халифасидир...

Эй, дарвеш, туз қопага тушган нарса тузга айланади, ифлосликка тушган ифлос бўлади, зеро нопок ва палиддан нопок ва палид туғилади, сафодан сафо ҳосил бўлади. Сендан туғилган нарса соф бўлиши учун аввал ўзингни пок этишинг керак. Эй,

дарвеш, ифротий (ҳаддан ошиқ) рўза ва намозга берилиб, кетма-кет ҳажга борма, буюрган фарзни адо этиш билан чеклан. Кўп сўи ва гапларни ёдлашни ҳам ўзингга одат қилма, фикҳни берилиб ўрганишинг ҳам, кўп ҳикмат билишининг ҳам фойдаси йўқ, кераклигини билиб олсанг, бас.

Аммо шундай йўл тутгинки, қалбинг саховат ва ҳикматга бўлган бўлсин, эзгулик соҳиби бўлгин, зеро дўзах аҳлининг азоби сизон ва қаллоблик нуқсонларидан кучаяди. Сенинг қалбинг ҳақ-ўйлик (ростлик) ва эзгулик билан безансин, токи инсон деган улуғ номга муносиб бўлсанг дўзах азобларидан қутулсан, илло агар буни эҳтиёж юзасидан қилаётган бўлсанг, жойинг дўзахдан бўлсин. Шундай бўлгилки, сендан беихтиёр ҳамиша яхшилик ва саховат ёғилиб турсин, ҳамма вақт ёвузлик ва ҳақорат ёғдирадиган кишилардан бўлма, чунки уларнинг ҳақиқати (табиати) ҳамиша ноҳақлик ва зулм, нохушлик ижод қилишдир. Сенинг ҳақиқатинг (моҳиятинг) тўғрилиқ ва хайрли ишлар ижод қилиш бўлсин.

Эй, дарвеш, ҳеч бир мукофот талаб қилмай, миннатдорчиликлар кутмай, аксинча, ўзингни бурчли деб билиб, яхшилик ижод қилиб, ҳамма вақт, ҳамма учун эзгуликлар яратганингагина сен Илоҳнинг хулқи билан музайян этилажаксан. Зеро, кимки ҳамиша одамларга фароғат тиласа ва одамлар учун фароғат келтирса, ўша саховатли қалб эгасидир. Бундай одам ҳеч кимга хизматини дариг тутмайди, тили, қўли, моли билан ўзгалар ёрдамига шошилади. *Ҳамма вақт одамларни ҳийнашни одат қилган, одамларга азобу зулмни раво кўрувчи, тили, қўли билан озор берувчилар қалби нуқсонли одамлардир.*

*(Нажмиддин Комилов таржимаси)*

## АБУЛ БАРАКОТ АН-НАСАФИЙ

Ҳофизиддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий замонасининг машҳур имоми, фикҳ илми билимдони, атоқли муҳаддис бўлган. У шамсул-аймма унвонига сазовор бўлган машҳур олим Муҳаммад ибн Абд ус-Сагтор ал-Кар-

дарийнинг шогирдидир. Шунингдек, у фикҳда Бадруддин Ҳоҳарзода (1253 й. вафот этган) ва Ҳамидуддин ал-Дарири Али ибн Муҳаммад ал-Бухорийдан (1268 й. вафот этган) сабоқлар олган.

Абул Баракот ан-Насафий Насаф шаҳрида туғилиб, вояга етган бўлса-да, Бухорода таълим олиб, жуда кўплаб мамлакатларга саёҳат қилган, ҳамма жойда ўз билими билан обрў-эътибор топган. Бир муддат Кермон шаҳридаги Ал-Қутбия ас-Султония мадрасасида мударрислик қилган. Талабаларга Имом Мотуридий, Марғиноний ва ўз асарларидан сабоқ берган. Сўнгра Бағдодга келган. Бу даврда у дарс бериш билан бирга кўплаб машҳур олимларнинг асарларига шарҳлар ёзган.

Абул Баракот ан-Насафий ўша пайтда минтақада кенг ёйилган Мотуридий таълимотини тарғиб қилишда, уни Киромия ва Мўғтазила мазҳаблари таъсиридан ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатган. Шу мақсадда кўплаб асарлар ёзган. Уларнинг сони йигирмадан ортиқ. “Ал-Вофи фил-фуруъ” (“Фуруъ илмида муфассал”), “Канз уд-дақоик фил-фуруъ” (“Фуруъ илмида нозик масалалар хазинаси”), “Ал Мусаффа шарҳ ул-Манзумат ун-Насафия” (“Насафий назмининг шарҳида аниқланганлар”), “Ал-Мустасфа шарҳ ал-фикҳ ан-нафеъ” (“Фойдали фикҳ шарҳида танланган фикрлар”), “Ал-Манор ал-анвор фи усул ал-фикҳ” (“Фикҳ усулларида ёруғ машъала”), «Мадорик ул-танзил ва ҳақоик ул-таъвил» (“Нозил бўлганларни англаш ва таъвил ҳақиқатлари”) каби асарлари шулар жумласидан.

Олимнинг “Канз уд-дақоик...” асари айниқса машҳур бўлган. Мусулмон қонуншунослиги асослари, ҳанафий ва шофеий мазҳабларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги бу рисола Насруллоҳ бин Муҳаммад бин Жаммод ал-Ирди Кермоний томонидан форс тилига таржима қилинган. У ҳанафий фикҳ илмида тўрт мўғтабар асардан биридир. Китоб асрлар бўйи мадрасаларда ўқитилган, кўпгина олимлар унга шарҳлар битганлар. Ал-Зайлаийнинг «Табйин ал-ҳақоик», Ал-Айнийнинг «Рамз ул-ҳақоик», Мулла Мискин ал-Ҳиравийнинг «Табйин ал-ҳақоик», Ал Тоийнинг «Тавфиқ ал-Раҳмон», Ибн Нужаймининг «Ал-Баҳр ал-роик» асарлари бунга мисол бўла олади. Бу асарлар Қоҳира ва бошқа шаҳарларда бир неча қайта нашр этилган.

«Ал-Манор ал-анвор...» асари ҳам фикҳга доир қисқа, аммо ниҳоятда машҳур асарлардан бири. Унга асрлар давомида 20 дан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар битилган. Муаллифнинг ўзи ҳам унга «Кашф ул-асрор» номли шарҳ ёзган.

«Мадорик ул-танзил...» асари Насафий тафсири номи билан шухрат топган. Бу Қуръон тафсирининг қўлёзма ва босма нусхалари Ҳиндистон, Миср ва Туркиядаги кутубхоналарда мавжуд. У Мисрда 4 жилд ҳолида ва Туркияда «Мажмаут-тафсир» тўплами ичида нашр этилди. Ҳинд олимларидан Муҳаммад Абдулҳақ ал-Ҳиндий бу асарга ҳошия ёзган ва бу ҳошия ҳижрий 1336 йили Ҳиндистонда 4 жилд ҳолида босилди. Мазкур тафсир ихчам ва таъсирчан бўлгани учун асрлар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган. Ҳозир ҳам баъзи ислом давлатларининг университетларида (масалан, Мисрдаги ал-Азҳар университети) ундан дарслик сифатида фойдаланилади.

Олимнинг ҳижрий 698 йили ёзган «Ал-Умда фи усул ал-дин» номли асари 1843 йили Лондонда нашр этилган. Бу китобида у Нажмиддин Насафийнинг «Ақоид» асарида баён этилган қарашларни янада ривожлантирган.

Абул Баракот ан-Насафий асарлари ва уларга ёзилган кўпгина шарҳларнинг қўлёзма нусхалари ЎзФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда. Жумладан, 4834/2208 рақами остида олимнинг “Манзумот ал-кавокиб” («Юлдузлар достони») номли асари ҳам бор. Унда ҳанафий мазҳабининг қарашлари шеърий йўл билан ифода этилган.

Бу асар ўрта асрларда анча машҳур бўлганлигини кўрсатувчи бир қанча мисоллар бор. Жумладан, XVII асрда яшаган олим, Ҳалаб шаҳри муфтиси Муҳаммад бин Ҳасан бин Аҳмад бин Абу Яҳё ал-Кавокибий унга катта шарҳ ёзган. Бу шарҳ “Иршод ул-толиб али манзумот ал-кавокиб” (“Юлдузлар достонини ўрганувчиларга тўғри йўл”) деб аталади.

Фикҳ, калом, ҳадис ва тафсир соҳасида ўз даврининг мумтоз олимларидан бири бўлган Абул Баракот ан-Насафий ҳаётининг сўнгги йилларида Бағдодда мударрислик қилган ва бу шаҳардан

қайтишда Хузистон вилоятидаги Изаж шаҳрида ҳижрий 710 йили (милодий 1310) вафот этган ва ўша ерда дафн қилинган.

### БАДРИДДИН НАХШАБИЙ РУМИЙ

XIII аср охири ва XIV аср бошларида яшаган шоир ва олим. Нисбасига қараганда, Румда (Туркия) ҳам яшаган. “Ат-тарассул ила ат-тавассул” китоби муаллифи. Иншо қоидаларига бағишланган бу асарини у 1285 йилда ёзган.

### ЗИЁУДДИН НАХШАБИЙ

Таниқли шоир ва адиб. Нахшаб (Қарши) шаҳрида туғилган. Ёшлик йилларида оиласи билан Ҳиндистонга кўчиб кетган. Умрининг кўп қисми Бадоунда ўтгани учун “Бадоуний”, “Ҳиндий-Бадоуний” нисбалари билан ҳам ёд этадилар.

Зиёуддин Нахшабий ўз она тилидан ташқари форс, араб, санскрит тилларини пухта билган. Ўз замонасининг фалсафа, ахлоқ, тиббиёт, мусиқа, аруз, тасаввуф, фикҳ сингари илмларини пухта ўрганган. Турмуш қийинчиликларига қарамасдан ҳокимлар ва султонларнинг сарой хизматига даъватларини қабул қилмаган. Умрининг охирида тасаввуф аҳлига қўшилиб, гўшанишинликни ихтиёр этган.

Зиёуддин Нахшабийнинг энг машҳур асарларидан бири “Тўтинома” дир. У ҳижрий 730 йилда (милодий 1329-30 й.) ёзиб тугатилган. Ҳинд фольклори намуналарининг қайта ишланган варианты бўлган бу китоб асрлар давомида қўлма-қўл қилиб ўқилган. Жумладан, у 1851 йилда Қозон шаҳрида босма усулда нашр этилган. XIX асрда инглиз ва немис тилларига таржима қилинган. Машҳур немис адиби Герман Гессе “Тўтинома” асаридан ниҳоятда таъсирланганлигини, уни 4-5 қайта ўқиганини ёзади. Кейинчалик, мазкур асар турк ва рус тилларига ҳам ўгирилган.

“Гулрез”, “Жузъиёт ва куллиёт”, “Силк ус-сулук”, “Шарҳи сураи Забур”, “Насойих ва мавойиз”, “Аширани мубашшира” сингари асарлар ҳам Нахшабий қаламига мансуб. Уларнинг аксарияти бизнинг давримизгача етиб келган.

Нахшабий шеърятда ҳам самарали ижод қилган. Насрий асарлари таркибидаги фард, байт, рубоий, қитъа, газал ва маснавийлар унинг юксак истеъдодидан далолат беради.

Атоқли рус олими А.Кримский биринчилардан бўлиб Нахшабий ҳаёти ва фаолиятига оид баъзи маълумотларни тўплаган эди. Кейинроқ Е. Бертельс “Ислом қомуси” асарида Нахшабий ва унинг асарлари ҳақида маълумот берди. 1979 йилда эса “Тўтинома” асарини таржима қилиб, рус тилида нашр эттирди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти Қўлёзмалар жамғармасида “Тўтинома” асарининг турли даврларда кўчирилган 9 та нусхаси мавжуд. Шунингдек, 159/XIX рақами остида шоирнинг шеърӣ асарларини ўз ичига олган “Девони Зиёи Нахшабий” сақланмоқда. У 1850 йилда Муҳаммад Хусайн Булғорӣ томонидан кўчирилган. Жаҳондаги бир қатор кутубхоналарда, жумладан, Санкт-Петербургдаги М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонаси жамғармасида ҳам адибнинг бир қанча асарлари борлиги маълум.

Зиёуддин Нахшабий 1350(1356) йили вафот этган. Унинг газалларидан намуна:

Маро то ишқи ту афтод дар сар,  
Набуд як соате бедарди сар сар.  
Киро бошад сари савдои зулфат,  
Надорад тоқати ишқи ту дар сар.  
Чи сарбози кунам дар ишқбози,  
Ба инсофе бижунбоне агар сар.  
Надонам дар раҳи ишқат чи бозам,  
Надорам, моҳи ман, чизе магар сар.  
Маро бо ин ки гардони чу мӯе,  
Кунам жои ту ҳамчун мӯй бар сар.  
Зиёи Нахшаби бар ёди зулфат  
Ба шаб нанҳад ба болин то саҳар сар.

Мазмуни: Менинг бошимга сенинг ишқинг тушганидан буён бирор соат ҳам бошим дардсиз бўлгани йўқ. Сенинг зулфинг савдоси бошига тушган киши асло тоқат қила олмайди. Агар инсоф билан бошингни қимирлатсанг, ишқда ҳар қандай фидоиликка ҳозирман. Сенинг ишқинг йўлида нимани фидо қилишни ҳам бил-

майман, чунки бошимдан бошқа нарсам йўқ, эй ойим. Мени бир тола соч каби тўлғонтирасан, шунинг учун сенинг жойинг ҳам соч каби бошимдадир. Зиёий Нахшабий зулфинг ёди билан кечалари саҳаргача бошини болишга қўёлмайди.

### “ТЎТИНОМА” АСАРИДАН ПАРЧА

...Тўти арз қилдиким, бир шаҳарда савдогаре бор эрди, Фарруҳбек отлиғ. Онинг уйида бир зийрак тўтиси бор эрди. Мазкур Фарруҳбекка сафар иши йўлуқти. Ҳама мол ва матоъ ва асбоб ва ашё ва аҳлиясини тўтига ҳавола қилиб, тижорат ва савдогарлик мулкларни сайри учун чиқиб кетди ва нечанд кун тижорат муомаласида овора бўлди. Мазкур аҳлияси бир ойдан сўнг бир хитойизода бирла ёр бўлуб, дўстлиғ пайдо қилди. Ҳар кеча ул хитойизоданинг уйига келтируб, ҳамбистар бўлуб эрди ва бир айвонда то субҳқача ҳамроҳ эрди. Ҳама кирдорларини тўти кўрар эрди ва сўзларини эшитур эрди. Аммо кўрмаган ва эшитмаганга ўхшар эрди. Мазкур тожир бир ярим йилдан сўнг ўз уйи тарафига мурожаат қилди ва Ҳама уйининг аҳволини тўтидан сўради. Ҳама уйининг ахборотини тожирни ҳузурда арз қилди. Аммо тожирнинг хотунини аҳволини зоҳир қилмади. На учунким, эру хотин ароларинда жудолик бўлмасун дер эрди. Икки ҳафта ўткондин сўнг мазкур тожир бир хориж одамни тилидан хотунини Ҳама аҳволини ва хитойизоданинг ахборини батамом эшитти. Кўп таажжубга қолди. Ул важҳдинким, хирадмандлар айтибдурларки, мисраъ:

Ки мушку ишқро натвон нуҳуфтан...

Яъни мушк бирлан ишқни пинҳон қилиб бўлмас.

Мазкур тожир завжасига кўп ғазаб қилди ва ғусса еди ва аҳлиясига танбеҳ ва таъдиб берди. Бу боисдан хотуни гумон қилдики, мани Ҳама аҳволимни эримга тўти айтгандур. Бас, тўтинини ўзига ҳосид фаҳмлади ва бир кун ярим кечада фурсат топиб, тўтининг пару болини юлуб, уйидин тошқори ташлади ва ғавғо кўтарди ва уйдаги канизак ва гуломларга айдикки, тўтинини мишиқ олиб кетибдур. Агарчи хотун гумон қилдиким, тўти ўлди деб. Лекин тўтида андак жон боқи қолиб эрди. Бир соатдин сўнг мазкур тўтининг

қисмига зўр ва қувват кирди ва ул ерда бир гўристон бор эрди. Анда борди. Нечанд кун бир гўрни макон қилиб, Ҳама вақт кундин оч эрди ва кечаси суроҳдин чиқор эрди. Ул гўристонга мусофирлар тушар эрди ва кечаси таом ер эрдилар ва саркутларни ул ерни тўкиб кетар, тўти ул саркут таомлардан ер эрди ва ул ернинг сувидин ичар эрди ва яна тешикка субҳ вақтида кириб ётар эрди. Нечанд кундин сўнг тўтининг паруболи унди ва андак – андак учмоққа қодир бўлди ва бир гўрнинг устидин яна бир гўр узра кўнар эрди ва доналарни териб ер эрди.

Ўшал кечаким, тўти кетди, субҳ вақти мазкур тожир бистари қобдин туруб, қафас бошига келиб кўрдикки, тўти қафасда йўқтур. Шўрў фиғон кўтарди ва дасторини ерга урди ва бисёр паришонкитир бўлди ва хотунидин кўп дарқаҳр бўлди. Балки бу ғам бирли таом ва уйқуни тарк қилди ва хотуннинг сўзларини эътибори бовар қилмади ва хотунни уйидин қувди ва мазкур хотун бу ҳол бирлаким менинг шавҳаримки қувди, Ҳама шаҳарда бўлгучинлар мани ёмон десалар керак, деб фикр бирла айдикки: “Сўз шулдирким, бў гўристонки мани уйимга муттасилдур, анга борий ва уйқусиз анда ўлай”, деди. Ҳосили калом, мазкур гўристонга борди ва бир кун оч ётти. Вақтеки тун кирди, тўти суроҳ ичинини овоз қилдиким: “Эй, хотун, ҳар тукеким, бошингда ва баданингда бордур, устара бирла қирғил ва қирқ кунгача таом емай, бул қабристонда бўлғил. Токим ман сани гуноҳларингниким, умрингни ичинда қилибсан – бағишлайин ва сан бирла шавҳарини ораларингда ошти қилдурай”. Хотун бу овозни эшитуб, таажжубда қолди. Кўнглида айдикки: “Бу гўр ичинда бир худопарист ва некукор ва ростбоз одам бўлғай. Албатта, мани гуноҳимни бағишлағай ва ман бирла шавҳарим орамизда сулҳ ва ошти қилдурғай”. Бас, мазкур хотун бошиндаги ва баданларидаги Ҳама тукларни қирди ва нечанд вақт ул қабристонда эрди. Тўти мазкур гўрни суроҳидин чиқти. Айдикки: “Эй, хотун, бегуноҳ манинг парширимни юлдинг ва менга қаттиқ озор бердинг хўб. Ҳар на мани толимда мақсум эрди – қилдинг. Лекин сенинг тузингни ичганин. Бу важҳдин сенга яхшилиқ қилсам керак, – деди. – На учунки, сенинг шавҳарингни зархарид тўтисидурман ва сан манга биби

бўлурсан ва ул сўзни суроҳдин ман айтиб эрдимки, сани эрунг бирла яраштурай деб. Сан муқаррар билгилки, санинг ҳақингда мундоғ сўзни айтмагайман ва санга бадхоҳ эмасманки, сенинг айбигни эринга айтган бўлсам. Санинг нону намакингни адабия билурман. Кўрғил, алҳол сани шавҳарингни уйига борурман ва сани шавҳаринг бирла яраштурурман”, – деди.

Тўти мун айтиб, ўз уйига келди ва хожага салом берди ва дуо қилдики: “Санинг умру давлатинг узоқ бўлғай!” Хожа айдики: “Сан ва санинг соҳибинг кимдур ва қайси ердин келурсан ва нечанд кундин бери қайда эрдинг ва қайси ҳовлида эрдинг? Ҳама аҳволингни баён қилғил”. Тўти арз қилдики: “Ул сани қадрони қадима тўтингдурман ва мани санинг қафасингдин мишиқ олиб кетиб эрди ва қорнининг қафасида сақлаб эрди”, – деди. Хожа айдики: “Яна нечук тирилдинг?” Тўти изҳор қилдики: “Сан хотунингни бегуноҳ уйдин қувдинг. Бу важҳдан хотунинг гўристонга бориб, қирқ кун оч-наҳор, кўп йиғлаб зора қилди: Ҳақ таоло санинг хотунингни ҳолига меҳрибон бўлиб, манга яна жон бериб, ҳукм қилдики: “Бул хотиннинг эрини олдига борғил ва буларни яраштурғил. Балки сан бу воқида гувоҳ бўлғил!” – деди. Хожа бу аҳволни билиб, ҳосили калом, уйдин чиқиб, от узра миниб, завжасин олдига борди. Айдики: “Эй, маъшуқим, ман санга тақсирсиз рабж еткурдим. Манинг тақсиримни афу қилғил!” Андин завжасини уйга олиб бориб, эру хотун иттифоқ ва муҳаббати тамом бирла бир уйда истиқомат қилдилар ва кўп айшу ишратлар қилдилар.

Маймуннинг тўтиси тўти бирла тожирнинг қиссасини тамом қилди ва Хужастага айдики: “Эй Хужаста, зуд турғил ва шаҳзода олдиға борғилки, то ваъдага хилоф қилмагайсан ва худо хоҳламагай, агар бу хабарни шавҳаринг эшитса, ман тожирнинг тўтиси киби сизларни ароларингда сулҳ ва ошти важҳидин ҳозирдурман”. Хужаста бу сўздин хурсанд бўлиб, хоҳладики шаҳзодани олдиға боргай. Бул аснода субҳ зоҳир бўлиб, яъни тонг отиш яқин бўлуб, Хужастани бориши мавқуф қолди. Ул важҳдинким, Хужаста кечаси ҳаргиз ухламоғон эрди. Истироҳат учун бистари зар узра бориб ухлади.

*Форс тилидан Муҳаммад Худодод Қодирий таржимаси*

## ЛУТФУЛЛА ан-НАСАФИЙ ал-КАЙДОНИЙ

XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг биринчи ярмида яшаган фикҳшунос олим. Унинг тўлиқ исми Лутфулла ан-Насафий ал-Фозил ал-Кайдоний. Олимнинг “Матолиб ул-мусалли” номли китоби машҳур бўлган. У “Фикҳ ал-Кайдоний” ҳам деб аталган. Ўрта Осиёда оммавий қўлланмалардан бири сифатида мадрасаларда ўқитилган. Китобнинг қўлёзма нусхалари билан бирга Қозон шаҳрида босилган нусхалари ҳам мавжуд.

“Матолиб ул-мусалли” китобига битилган кўпгина шарҳлар мавжуд. Улардан бири 1540 йилда Муҳаммад Шамсиддин ал-Кўхистоний ал-Самадоний томонидан ёзилган.

Лутфулла ан-Насафий ал-Кайдоний 1349 йили вафот этган.

## АЛИ НАСАФИЙ

XIV асрда яшаган атоқли меъмор. Ўз даврининг энг машҳур биноларини барпо этишда қатнашган. Қаршидаги Одина масжиди ва бошқа бир қатор меъморий иншоотлар унинг раҳбарлигида қурилган. Самарқанддаги Шоҳи Зинда меъморий мажмуасининг мақбараларидан бири тарҳини чизган. 1370-80 йилларда бу мақбара унинг иштирокида қуриб битказилган.

## МАВЛОНО РУКНИДДИН НАСАФИЙ

Фасих Хавофий ўзининг “Мужмали Фасиҳий” асарида Мавлоно Рукниддин ал-Насафий Шероз шаҳрида муқим бўлиб қолган алломалардан бири эканлигини ва у 1340 йилда вафот этганлигини ёзган.

## ҚУСАМ ШАЙХ

Яссавия тариқатига мансуб машҳур шайх, Баҳоуддин Нақшбанднинг пирларидан бири. Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс...” ва Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат...” асарларида шундай ҳикоя қилинади: Баҳоуддин ўз билимини такомил-

лаштириш учун Қусам шайх ҳузурига, Нахшабга келади. Қусам Шайх қовун еб ўтирган экан. У ҳеч нарса демай, қовун пўчоғини Баҳоуддин олдига ташлайди. Баҳоуддин уни олиб, еб қўяди. Бу ҳол уч бор такрор бўлади. Шу пайт Шайхнинг хизматчиси кириб, ун туя ва тўрт от йўқолганини айтади. Шайх Баҳоуддинга ишорат қилиб, “уни яхшилаб ушланг”, дейди. Тўрт хизматчи жаҳл билан Баҳоуддинга ташланади, уни калтаклайди. Аммо унинг жаҳлини чиқара олмайди. Баҳоуддин хотиржамлиги ва совуққонлигини йўқотмайди. Кечга яқин бир хизматчи кириб, моллар топилганлигини айтади. Кейинчалик Баҳоуддин бу воқеани эслаб, “Агар турк машойихларининг усулларидан хабардор бўлмаганимда, уларнинг бу ишидан ғазабланган, эҳтимол, кетиб қолган бўлур эдим”, дейди.

Тасаввуфда пирга қўл берган шогирд ўзининг бутун ихтиёрини унга топшириши керак. Пир эса унинг нафсини, кибрини ўлдирishi, феълидаги сабр, шукр, тўғрилиқ, одиллик каби фазилатларни тарбиялаши керак. Баҳоуддин Нақшбанд барча синовлардан муваффақиятли ўтади. Қусам Шайх унга: “Тўққиз ўғлим бер эди. Сен энг каттаси ва улуғи бўлдинг”, дейди.

Чиндан ҳам устоз ва шогирд ўртасидаги самимий муносабат абадий бўлиб қолади. Қусам шайх Нахшаб туманларидан тез-тез Бухорога келиб туради. Баҳоуддин унинг ҳурмат-иззатини жойига қўяди. Қусам Шайх эса: “Сенда мавжуд бўлган бундай сифат ва қатъий талабни толиблардан бирортасида кўрмаганман”, дейди.

Қусам Шайх ҳаётининг сўнгги давлари ҳақида “Баҳоуддин Балогардон” китобида шундай битилган: “Қусам Шайх гоят қарамли бўлган ва ўта оддий бўлганлигидан ҳаётларининг охирида Бухоро шаҳрида Масжиди Саррофоний яқинидаги тимга кириб, ҳар хил харидлар қилди ва тимдан чиқди. Бир дўкончага кирди. Фарзандлари ва тобеъларидан кимки ўзи билан бирга бўлса, ҳаммасини олдига чақирди ва деди: “Кетишимиз яқинлашди, калпиман тавҳидни бирга айтайлик”. У айтди, бошқалар такрорлади. Бир онда жонини Ҳаққа таслим қилди”.

Қусам шайх Қарши яқинидаги Пудина қишлоғида дафн қилинган.

## БАҲОУДДИН ҚИШЛОҚИЙ

XIII аср охири ва XIV асрнинг биринчи ярмида яшаган машҳур олим, тасаввуф шайхи. Баҳоуддин Нақшбандга ҳадис илмининг сабоқ берган. «Нақшбанд устозлари ва муридлари» китобида шундай сатрларни ўқиймиз: «Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий ўз даврининг муқтадоси (раҳбари), зоҳирий ва ботиний илмлар билимдони, шунингдек, каромат соҳиби бўлганлар. Ул ҳазратнинг туғилган жойи Муборак қишлоғидир, қайсиқим, Қарши вилоятининг даҳасидир. Бухоро шаҳридан у ергача 12 фарсанг йўлдир. У киши улуғ Хўжа Баҳоуддин Нақшбандга суҳбат шайхи ва ҳадис илмининг устози бўлган эдилар».

Бу сатрлар аслида Фахруддин Али Сафийнинг машҳур «Рапшаҳоту айнил-ҳаёт» китобидан олинган. Унда Баҳоуддин Қишлоқийнинг фазилатлари, бу табаррук зотнинг Баҳоуддин Нақшбанд билан мулоқотлари хусусида қизиқарли маълумотлар берилган.

Баҳоуддин Қишлоқийнинг қабрлари Муборак қишлоғидадир.

## ШАМСУДДИН КУЛОЛ ал-КЕШИЙ

Шамсуддин Кулол XI асрда Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний исос солган машҳур Хожагон тариқатининг Қашқадарё воҳасидаги машҳур вакили, Амир Сайид Кулолнинг шогирдларидан биридир. “Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир” номли китобда шундай сатрларни ўқиймиз: “Мир Кулолнинг 114 халифаси бўлган. Уларнинг энг етуқлари Мавлоно Ориф Деҳа-Деггароний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожаи Жамол Деҳаи Осиёий, Шайх Шамсуддин Кулол, Шайх Ёдгор, Хожа Дарзуний, Мавлоно Жалолиддин Кешийлардир”. Номлари саналган шайхларнинг иккитаси – Шамсуддин Кулол ва Жалолиддин Кешийлар Қашқадарё воҳасида туғилиб ўсганлар ва фаолият олиб борганлар. (Жалолиддин Кеший ҳақида қуйироқда ҳикоя қиламиз.)

«Рапшаҳоту айнил-ҳаёт» китобида Шамсуддин Кулол Амир Кулолнинг «асҳоби киборларидан» бири эканлиги, у Қаршидан Ҳижозгача пиёда сафар қилиб, ўша даврдаги ироқлик машҳур шайх-

лар билан ҳамсухбат бўлганлиги қайд этилган. У Ироқ шайхларининг му роқаб а тарзини Мовароуннаҳрда ҳам ёйишга интиланган.

Шамсуддин Кулол Амир Темурнинг отаси Амир Тарағайнинг пири бўлган. Бу юк соҳибқирон ҳам уни ўзининг маънавий устози деб билган. Бир ривоятга кўра, Шамсуддин Кулол Амир Темурга 7 та нон беради ва шундай дейди: «Мана шу етти нонни егин, шунда сен ер юзининг етти иқлимга подшоҳ бўласан». Шамсуддин Кулол Амир Темурни ўз пири му ршиди Амир Кулол ҳузурига ҳам олиб борган. Чунки бу шайх кўпинча Қашқадарё воҳасидаги Хўжа Муборак қишлоғида яшаган, бу ерда деҳқончилик билан шуғулланган. Демак Амир Темур ёшлик йилларидаёқ бу икки тасаввуф шайхининг суҳбатларидан баҳраманд бўлган, уларнинг насиҳатларини қулоғига қуйган. Соҳибқироннинг бутун умри давомида тасаввуф пирларига кўрсатган юксак эҳтироми, уларнинг қабрларини обод этиши боиси ҳам шу бўлса керак.

Шамсуддин Кулол Мовароуннаҳр салтанати Амир Темур кўлига ўтишидан бир неча йил олдин вафот этган. Соҳибқироннинг кўрсатмаси билан 1373 йили Шамсуддин Кулолнинг Шаҳрисабздаги қабри устига гумбаз барпо этилади ва отаси – Амир Тарағайнинг жасади ҳам ўша ерга кўчириб ўтқазилади.

## ҲАЗРАТИ БАШИР

Қашқадарё воҳасида донг таратган тасаввуф шайхларидан бири. Улуғбек ва Али Қушчининг замондоши. Асл номи – Султон Сайид Аҳмад Вали. Ривоятларда айтилишича, она сутисиз ўсанлиги учун “Бешир” лақабини олган.

Кейинги йилларда олим А.Чориевнинг изланишлари туфайли Ҳазрати Баширнинг манокіби (ҳаёти ва фаолияти ҳақида ривоятлар) топилди ва нашр этилди. Мазкур манокібга кўра, у XIV асрнинг охирларида Кеш вилоятининг Қоплатун қишлоғида туғилган (ҳозирги Китоб гумани Ҳазрати Башир қишлоғи). У бево сита бирор шайхдан таълим олмаган. Аммо ўз устида ишлаш, ўқиш-ўрганиш натижасида тасаввуфнинг бутун сир-асрорларини

ни ўрганган. Кароматлари, ҳаёт тарзи билан халқ ҳурмат-этиборига сазовор бўлган.

Манокібда баён этилган воқеалар таҳлили шуни кўрсатадики, Ҳазрати Башир тасаввуфнинг Яссавия, Мавлавия ва Нақшбандия тариқатларини ижобий ўзлаштирган. Жумладан, Яссавияга хос бўлган зикри жаҳрия, Мавлавия тариқатига хос рақсу самоъ, Нақшбандия тариқатининг “қўллар дунё ишларида, тиллар ва диллар Оллоҳ зикрида бўлсин” шиори Ҳазрати Башир томонидан амалга жорий этилган. У ўз шогирдлари ва муридлари ёрдамида одамларни ҳақ йўлига бошлаган, бева-бечораларга ва камбағалларга ёрдам берган, ўзи ҳам ҳалол меҳнат билан кун кечирган. Дарвешлар билан даштга чиқиб, “ҳалвобих”, яъни нишолдо учун зарур ўсимлик томирлари ва меваларни терган, уларни соттириб, озиқ-овқат харид қилган. Боғдорчилик билан ҳам шуғулланган. Варганзанин а норлари шуҳрати ўша даврда бошланган, дейишади.

Ҳазрати Башир оқ сурп кўйлак, оқ кулоҳ ва эски тўн кийиб юрган. У “янги кийим кийсам, кибрланиб, Оллоҳга эътиқодим сусаяди”, дер экан. Манокібда айтилишича, Шайхнинг шуҳрати кундан кунга ортиб, муридлари сони 6 мингга етган. Улар орасида гурли миллат вакиллари бўлган. Баъзи одамлар унинг устидан Улуғбек ва Хожа Аҳрор Валига шикоят қилганлар. Эҳтимол, Мавлавияга хос рақсу самоъ динга зид ҳодиса – ширк сифатида баҳоланган бўлиши мумкин. Аммо Ҳазрати Башир Самарқандда унамолар имтиҳонидан муваффақиятли ўтади. Бир муддат у Бухорода ва Андижонда ҳам яшаган, деган ривоятлар бор.

Ёзувчи Акрам Аминов ўзининг “Ҳисорнинг қирқ мўъжизаси” номли китобида бошқача бир ривоятни келтиради: “Ривоят қилишларича, Мирзо Улуғбек овни гоят севар, давлат ва илмий ишлардан чарчаганида кўпинча табиат бағрига отланиб қолар экан. Бундай пайтларда йўл Омонқўтон ва Ургут томон тушар экан. Самарқанддан етмиш чақирим нарида Зарафшон ва Ҳисор тоғлари елка тирашган жойда давлатпаноҳнинг Ҳазрати Башир исми донишманд, маслаҳатгўй дўсти яшарди. Айтишларича, бу жот Улуғбекка Али Қушчини шогирдликка тавсия этган экан.

Овдан сўнг базму зиёфатлар Ҳазрат Баширнинг ўнлаб қорабулоқлар қайнаб ётган кагта чорбоғида ўтказиларди. Улуғбек табиатшунос ва файласуф дўсти ҳузурда бир неча кунлаб қолиб кетарди».

Ҳазрати Башир маноқибидаги Али Қушчига доир маълумотлар ҳам бу икки машҳур зот ўртасида устоз-шогирдлик муносабатлари бўлганлигидан далолат беради. Унда айтилишича, Улуғбек қатл этилгач, Али Қушчи Ҳазрати Башир ҳузурига келади. Ҳатто у Улуғбекнинг хазинаси ва китобларини шу қишлоқ атрофларига яширган бўлиши ҳам мумкин, деган тахминлар бор. Бу ерда Али Қушчи ўз илмий изланишларини давом эттиради. У шогирдлари билан 6-7 йил яшаган керак, деган тахминлар бор. Сиёсий вазият кескинлашгач, Али Қушчи бу ердан кетишга мажбур бўлади. Дастлаб Ҳирот шаҳрига бориб, бир муддат туради. Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийлар ёрдамида Туркияга жўнатилади. Олим Истанбулда ўз илмий фаолиятини давом эттиради, кўшлаб шогирдлар етиштиради ва ўша ерда вафот этади.

Ҳазрати Башир милодий 1463 (ҳижрий 868) йили вафот этган. Вафоти муносабати билан айtilган таърих “Мири ҳақиқат” сўзидадир.

Ҳазрати Баширдан кўпгина фарзандлар қолган. Улардан бири Бобо Аҳмад яхшигина шеърлар ёзган. “Канз ул-маоний”, “Канз ул-асрор”, “Мифтоҳ ул-кунуз” номли маснавийлар ёзганлиги маълум.

### ХОЖА АБУЛБАРАКА (Фироқий)

Хусайн Бойқаро давлатининг маъмурий хизматчиси, олим ва шоир. Асли Шаҳрисабзлик бўлган бу зот йигитлик пайтида Ҳиротга бориб қолган. Бобур 1500 йили Самарқандни олганида Биноий билан биргаликда унинг ҳузурига келади, мушоираларда иштирок этади. “Бобурнома”да Абулбараканинг битта ўзбекча тўртлиги келтирилган ва таҳаллуси Фироқий эканлиги айtilган.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида Хожа Абулбарак Кеш шаҳрида қозиллик қилганлигини, аммо бадфелли

бўлганлиги туфайли ишдан олиinganлигини ёзади. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбор” асарида ёзилишича, Хожа Абулбарак айна пайтда яхшигина ижодкор бўлган, чиройли газаллар ва гўзал қасидалар битган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида Хожа Абулбарак билан боғлиқ шундай воқеани ҳикоя қилади: Самарқанд иккинчи марта оlingанида (1500 йил) Хусайн Бойқаро ва Шайбонийхонларга яқинлиги билан танилган шоир Биноий унинг ҳузурига келади. Бобурга бағишлаб қасида ёзади, куй ижод қилади. Мушоира давраларидан бирида у шундай форсий рубоий ўқийди:

Не галла мароқ аз ў тавонам нўшид,  
Не муҳмали галла то тавонам пўшид.  
Онро ки на хўрданасту на пўшидан,  
Дар илму ҳунаро кўжо тавонад кўшид.

**Мазмуни:** На егулик галла бор, на кийинишга асраган кийим бор. Ейдигани ва киядигани бўлмаган киши илм ва ҳунарга қандай киришсин.

Бобур бунга жавобан шу заҳоти шундай ўзбекча рубоий ўқийди:

Ишлар бори кўнглунгдагидек бўлғусидур,  
Инъому вазифи бори буйрулғусидур.  
Ул галлаву муҳмалки деб эрдинг, бердим,  
Муҳмалга бўю галладин уй гўлғусидур.

Биноий ҳам бунга жавобан шундай ўзбекча рубоий ўқийди:

Мирзомки шоҳи баҳру бар бўлғусидур,  
Оламда ҳунар бирла сар бўлғусидур.  
Бир муҳмал учун мунча иноят бўлди,  
Мустаъмал агар десам, нелар бўлғусидур.

**Изоҳ:** муҳмал – кийим, мустаъмал – маъкул.

Даврада иштирок этаётган Хожа Абулбарак Биноийга мушоира қондаси бир оз бузилганлигини айтади. Яъни Бобур би-

ринчи айтган рубойи қофияси билан шеър айтиш керак эди. Биноий эса уни радиф қилиб, бошқа қофияда шеър айтди. Сўзининг исботи учун Хожа Абулбарака шу рубойини ўқийди:

Бу жаврки қилди давр сўрулғусидур,  
Султони карам бу узрни қўлғусидур.  
Тўкулгон агарчи тўлмас, эй соқий,  
Тўкулгонимиз бу даврда тўлғусидур.

Хожа Абулбараканинг Бобур мушоираларида иштирок этиши, Биноий билан ижодий баҳсга киришуви унинг катта истеъдод соҳиби бўлганлигидан далолат беради.

Хожа Абулбараканинг Айюб ва Баҳоуддин исмли ўғиллари ҳам яхши шоирлар бўлиб танилганлар. Баҳоуддиннинг тахаллуси Собир бўлган.

### АЙЮБ ШАҲРИСАБЗИЙ бин АБУЛБАРАКА

XVI асрда яшаб, ижод этган шоир. Дастлаб Шаҳрисабзда, Сўнгра Самарқандда таълим олган. Унинг шоир бўлиб шаклланишида отаси Абулбарака Фироқийнинг хизматлари катта бўлган. Бир муддат Ҳиротда, Сўнгра Ироқда яшаган. Ширвонга (Озарбайжон) сафар қилиб, Ширвон шоҳининг надими бўлган. Шеърларида уни мадҳ этган.

“Музақкири аҳбоб” асарида таъкидланишича, Айюб Шаҳрисабзийнинг табиати ҳазил-мутойибага мойил бўлган. Унинг юз ифодаларини кўрган киши кулмасдан қолмас экан. Дўстона давраларни, самимий суҳбатларни яхши кўрар экан.

Ҳиндистонга келиб, подшоҳ Ҳумоюн хизматига кирибди. Шоҳ уни Гужаротга элчи қилиб юборибди. Гужаротликларнинг кайфу сафоли давралари унинг дилини ром этибди. Узоқ муддат шу вилоятда қолиб кетибди. Ҳумоюн подшоҳ Гужаротни забт этгач, қилган айби учун Айюбни зиндонга ташлабди. Аммо орадан кўп ўтмай, уни афв этиб, яхши лавозимга тайинлабди. Баъзи маълумотларга кўра эса, Айюбни гужаротликлар зиндонга ташлаган, Ҳумоюн подшоҳ юриши пайтида озод қилинган экан.

Баъзи тарихчиларнинг маълумотига кўра, Айюб Ҳиндистондан қувилган Ҳумоюн подшоҳ билан бирга 1540-45 йиллари Эронда яшаган. Сафавийлар саройидаги шоирларнинг мушоира давраларида иштирок этган.

“Музақкири аҳбоб” асарида унинг яхши шеърлари, ёқимли сўзлари борлиги таъкидланган ва форс тилидаги қуйидаги ғазал келтириб ўтилган:

Саҳаргаҳ саҳни чаман пури гулу шақоққ бувад,  
Чаман ба коми дили андалиби ошиқ бувад.  
Зи роҳи мақсад агар тофтам инон талаб,  
Зи ҳамроҳи рақибони номувофиқ бувад.  
Зи хатти холи ту омўхтам дақонқи ишқ,  
Зиҳи мажоз ки мажмуан ҳақонқ бувад.  
Чу рехт хуни ман аз дарди дил халос шудам,  
Мараз илож пазирад табиб ҳозиқ бувад.  
Надошт тоқати жавру жафон у Аюб,  
Агарчи бар ҳама аҳрон ба сабр фойиқ бувад.

Мазмуни: Тонгда чаман саҳни гулу лолага тўлади, ошиқ булбул дили мақсудига етади. Мақсад йўлида инон-ихтиёр излаб юрган эсам, бу ҳам эл бўлмас рақиблар йўлдошим бўлганидир. Сенинг гўзаллигинг ва холингдан ишқ сирларини ўргандим, чунки мажоз ҳақиқатларнинг мажмуасидир. Ёр қонимни тўқдики, дил дардидан халос бўлдим, агар табиб ҳозиқ бўлса, касаллиқда шифо топади. Айюб унинг жабру жафосига чидай олмасди, гарчи барча ёр-дўстлари ичида энг сабр-чидамлиси бўлса ҳам.

### МАВЛОНО СОЙИЛИЙ

XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод этган хаттот ва шоир. Қиршида таваллуд топган. Сўнгра Ҳиротга келиб, муқим бўлиб қолган. Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида у ҳақда шундай ёзади: “Анингдек сарий ул-қалам котиб ўз замонида йўқтур. Ҳар кунда 500 байт осонлик била битар. Туркваш оода йигит кўрунур. Аммо кўрунгандек эмас. Бу яқинда девон доғи тартиби хуруф била тузатти...”

Алишер Навоий шоирнинг қуйидаги форсча байтини келтириб ўтади:

На бар захмаш дилам пайкони он абрўкамон дорад,  
Ки баҳри захми дигар оби ҳасрат дар даҳон дорад.

**Мазмуни:** Унинг қошлари камонидан отилган ўқ дилимда яра очди, у эса янги яра учун оғзида ҳасрат сувини тутиб турибди.

## МАВЛОНО МИР ҚАРШИЙ

Қаршида туғилиб ўсган шоир ва саҳдоф. XV асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда муқим бўлиб қолган. Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида ёзишча, Мир Қаршийнинг Самарқанд бозоридаги саҳдофлик дўкони ҳамиша адабиёт ихломандлари билан гавжум бўлган. Мавлоно бу ўзига хос адабий анжуманга раҳбарлик қилган, рангин ғазаллар битган. Анъанага кўра, форс-тожик тилида “Хатойй” тахаллуси билан ижод қилган.

Навоий Самарқандда ўқиган даврларида у билан танишган бўлса керак. Асарида унинг қуйидаги байтини келтиради:

Нест ойини муҳаббат кардан аз ёре гила,  
Варна з-он бадахд мекардем бисёре гила.

**Мазмуни:** Муҳаббат қондасида ёрдан гина қилиш йўқ, бўлма-са, у вафосиздан кўп гина қилар эдим.

Мавлоно Мир Қарший Самарқандда вафот этган ва шу шаҳарда дафн этилган.

## МАҲМУД НАСАФИЙ

XV аср охири ва XVI аср бошларида яшаган Ҳофиз ва бастакор. Ёшлик йиллари Насафда кечган. Сўнгра Самарқанд, Бухоро ва Ҳиротда таҳсил олган. Истеъдодли Ҳофиз, созанда ва бастакор бўлиб етишган, шеърлар ҳам ёзган.

Маҳмуд Насафий дастлаб Темурийлар саройидаги санъаткорлар гуруҳида хизмат қилган. Аммо рақибларининг иғволари ту-

файли Самарқандни тарк этиб, Ҳиротга кетишга мажбур бўлган. У ўзининг ширали овози, таъсирли ижро услуби билан шуҳрат қозонган. Машҳур шоирлар унга ўз шеърларини бериб, мусиқа ёзиш ва куйлашни илтимос қилганлар.

Атоқли Ҳофиз Ҳиротда бир неча йил яшаганидан кейин Бухорога келади ва умрининг охиригача шу шаҳарда қолади. Бу ерда у Нажмиддин Кавкабий Бухороий билан танишиб, ундан мусиқанинг илмий ва амалий асосларини ўрганади. Хожа Жамъар Қонуний Самарқандийдан қонун асбобини чалиш сирларини ўзлаштиради. Шу тариқа даврининг энг машҳур санъаткорларидан бирига айланади. Айниқса, мусиқанинг мураккаб шакли ҳисобланган “Куллиёт” ижросида шуҳрат топади. Халқ орасида “Булбул” лақабини олади.

Маҳмуд Насафий “Исфаҳон”, “Ҳусайний”, “Ироқ” мақомларида бир неча “Нақш”, “Амал” ва “Савт”лар яратган. “Нақши Маҳмудий” оҳанги унинг машҳур асарларидан бири бўлган.

## МУҲАММАД ХОЖА ал-ХУЗОРИЙ

“Мазҳар ул-ажойиб ва мажмаъ ул-ғаройиб” (“Ажойиботлар зуҳури ва ғаройиботлар мажмуаси”) асарининг муаллифи Муҳаммад Хожа Ҳинду бин Хожа Калон бин Муҳаммад Басир ал-Хузорий XV аср охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган. У Ҳузур кўрғонида туғилиб, ўсган. Ёшлигидан тасаввуф илмига қизиққан. Бухоро ва Самарқандда машҳур шайхлар – мавлоно Али Боварди, Хожа Хизр, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Эшон Увайс ва бошқалар суҳбатига мушарраф бўлган. Сўнгра Бухоро яқинидаги Навоҳи қишлоғида яшаган машҳур шайх Оғои Бузургдан таълим олган. Тасаввуф таълимоти сирларини пухта ўрганган.

Оғои Бузург вафотидан кейин (1522) ал-Хузорий мазкур асарини ёзишга киришган. Асарда шайхлар, жумладан, пири Оғои Бузургнинг кароматлари қаламга олинган. Ўз ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар жамғармасида сақланаётган мазкур қўлёзма 1766–67 йилларда Муҳаммад Ризо бин Оллоқули Хонқоҳи томонидан кўчирилган.

## ЛОЗИМИЙ КЕШИЙ

XVI асрда яшаган шоир. Асл исми Султонқули. Тазкиранавис Мутрибий билан мадрасада бирга ўқиган. Мутрибий уни куштаб ва иқтидорли шоир сифатида тилга олади ва қуйидаги байгини келтиради:

Зи тоби май чу дар мажлис рухат афрўхтан гирад,  
Тариқи рўшнои шамъ аз ў омўхтан гирад.

**Мазмуни:** Даврада май ҳарорати билан юзларинг дов-лов ёна бошласа, шам нур сочишни ундан ўрганади.

## БАҲОРИЙ НАСАФИЙ

Ўз ФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида Баҳорий Насафийнинг “Шарҳи Муаммон Мирий” номли асари 707/II рақами остида сақланмоқда. Бу асарида у муаммо илминини билимдони сифатида намоен бўлади, Мирий тўпламида келтирилган муаммоларнинг ечилиш йўллари шарҳлайди.

Қўлёмма 1585 йилда котиб Ҳусайн бин Дарвиш Муҳаммад томонидан кўчирилган бўлиб, қалин Самарқанд қоғозига майда наставкалиқ хати билан битилган. Бу асаридан муаллифнинг XVI асрда яшаганлигини тахмин қилиш мумкин.

## НАЖМИ КЕШИЙ

XVI асрда яшаган шоир. Бадриддин Кашмирий ўзининг 1589 йили ёзилган “Равзат ар-ризвон ва ҳадиқат ал-ғилмон” (“Жаннат боғи ва ғилмонлар ҳадиқаси”) тазкирасида Нажми Кеший ҳақида маълумот берган ва шеърларидан намуналар келтирган.

## МАВЛОНО ХОЖАГИЙ ИМКНАГИЙ

Мавлоно Хожагий Импанагий Шаҳрисабзда яшаган машҳур Нақшбандий шайхларидан бири. Унинг тариқатдаги силсиласи отаси Шайх Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Шаҳрисабзий Импанагий-

дан (вафоти 1562 й.) бошланади. У отаси ҳақида “Интихоб аз китоби “Ан-Насама” (“Насама” китобидан парча”) номли асар ёзган.

Мавлоно Хожагий Импанагий диний илмлар билан бирга дунёвий илмларни ҳам яхши билган. Ривоятларга кўра, у кориз усулида сув чиқариб, баландлик ерларни суғоришни йўлга қўйган. Ана шу фазилатлари туфайли “Хўжай илм кони” деган ном олган.

Шарафуддин Роқимий ўзининг “Тарихи томм” номли асарида бу зот ҳақида шундай ёзади: “Ҳазрати қутбул-ақтоб мавлоно Хожагий Импанагий, қуддиса сирруҳу, Ҳазрати Мавлоно Дарвеш, қуддиса сирруҳунинг тўнғич ўғиллари ва фарзанди аржумандларидир. Ул зот ўз соҳиби ҳоллари Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Зоҳид халифа, иродат қўлларини қутбул-ақтоб, зубдатул авлиё, хулосатул атқиё, қудватул - аброр, усвагул-ахёр Ҳазрати Хожа Аҳрор, қуддиса сирруҳу, пок этакларига урган ва асҳоби киром, хулофойи ҳумомларига айланган, камол мартабасига эришган эдилар. Ҳазрати Мавлоно Хожагий, қуддиса сирруҳунинг муридлари кўпдир. Ҳар бири комил бўлиб, мамлакат вилоятининг валийси эдилар... Санаи 1010 да (милодий 1600) Ҳазрати Мавлононинг пурфутуҳ руҳи муборақлари тан савмиъасидан олий олам хонақоҳига олиб кетилди. Мунаввар қабрлари Шаҳрисабз вилоятининг Импана қарясидадир”. (Ҳозирги Китоб тумани Хўжайимкана (Хўжай илм кони) қишлоғи.)

Мазкур асарда қайд этилишича, Мирзо Мўмин мушшый Мавлоно Импанагий вафотига шундай таърих битган:

Қутби олийқадр мулло Хожагий кони сафо,  
Он ки тухми некуи жуз дар дили мардум нақишт.  
Рафт аз олам жавон гаввоси баҳри маърифат...  
Баски буд он қутби олам, нехқоқи мардумон,  
Ҳақ таоло дод ўро жой дар мулки биҳишт.  
Шайхи аҳли дин чу буд он муқтадои рўзгор,  
“Шайхи аҳли дин” қазо таърихи фавти ў нақишт.

**Мазмуни:**

Олийқадр қутб мулло Хожагий сафо конидир,  
Одамлар дилига яхшиликдан ўзга нарса эхмади.  
Ул маърифат денгизи гаввоси оламдан ёш кетди...

У олам қутби, одамларга яхшилик тиловчи зот эди,  
Ҳақ таоло унга биҳишт мулкидан жой берди.  
Дин аҳли шайхи, замон муқтадоси эди,  
Қазо унинг вафоти таъриhini “Шайхи аҳли дин”(1010)

деб ёзди.

## САИДШОҲ КАСБИЙИ

Касби қишлоғининг саййидларидан бўлиб, яхши фазилатлар соҳиби сифатида ном қозонган. “Музақкири аҳбоб” да қайд этилишича, яхшигина шеърлар битган. Қуйидаги матлаъ унинг қаламига мансубдир:

Борурда кўйида жон қолди мандин ёдгор анда,  
Қилурмен полалар мен мундау жони фигур анда.

## ҲАКИМ ШАҲРИСАБЗИЙ

XVI асрда яшаган моҳир табиб ва истеъдодли шоир. Астро-логия, илми ғариба, шеър, муаммо ва аруз қоидаларини яхши билган. “Музақкири аҳбоб” асарида унинг илми ғариба – қиёфа ўзгартириш, актёрлик маҳорати ҳақида шундай воқеа баён қилинган: бир кун Машҳадга борадиган бўлибди. Аммо Бухородан ўтиши лозим бўлган, у ерда эса Ҳайдархожа исмли ҳукмдорнинг лашкарлари бор экан. Уни таниб қолишса, ушлаб қолишар экан. Шу сабабли гадо либосини кийибди. Кўзларини махсус дори билан қизартирибди, юзи ва соқолини оқ рангга бўябди. Ҳуллас, лашкарлар орасидан бемалол ўтиб кетибди.

Мазкур асарда унинг Имом исмига ёзган муаммоси ва қуйидаги форсча байти келтирилган:

Гул чи ҳожат духтан бар баҳлаи булғор гул,  
Панжаи бози ту бас бар баҳлаи булғор гул.

**Мазмуни:** Булғорий чарм қўлқопга гул тикмоқ ҳожат эмас, чунки сенинг булғорий қўлқопинг устидаги лочиннинг панжаси ана шу гулдир.

## МИР ТАБИБ

Ҳаким Шаҳрисабзийнинг истеъдодли шоғирди, шоир. Қасида, газал ва рубоийлар ёзган. “Музақкири аҳбоб” да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Рухи ту эй, моҳи гардун, хатти ту эй, бути мавзун,  
Лаби ту дил барад акнун, қади ту сарви боғи жон.  
Яке чун лолаву насрин, дуйум чун сабзаву райҳон,  
Сейум чун ғунчаи рангин, чаҳорум фитнаи бўстон.

**Мазмуни:** Эй, ой юзли, паричеҳра санам, лабинг дилимни ром этди, қаддинг эса жон боғининг сарвидир. Биринчиси, яъни юзинг лолаю насриндек, иккинчиси лабинг устидаги мўйлар сабза ва райҳон каби, учинчиси лабинг ғунчадек рангин, тўртинчиси қаддинг бўстонда фитна қўзғовчидир.

## ҚОЗИ САИД ХАРРОЗИЙ

XVI асрда яшаган олим ва шоир. Тасаввуф илмини пухта билган. Ҳасанхожа Нисорий “Музақкири аҳбоб” да у ҳақда шундай ёзди: “Замона илмларини пухта ўзлаштирган. Баъзан ўзининг дилини ром этувчи шеърларини бу каминага ҳам юбориб туради. Ва бу рубоийсини яхши айтган. Ҳар бир мисрада бир унсурни қишлоқ, ноҳиялар номи билан бирга тилга олган. Рубоий бу-дур:

Шўхе зи Насаф чу бод пинҳон гузарад,  
Оташ зада дар Дашту Найистон гузарад,  
Гардида зи оби дидаам Жуи Наве,  
Касба раваду ба хоки Косон гузарад.

**Мазмуни:** Ул шўх Насафдан елдек пинҳон ўтади, Дашту Найистон (қамишзор)га ўт қўйиб ўтади, Кўзим ёшидан Жуи Нав(Янги ирик) пайдо бўлди, Касбидан оқиб, Сўнг Косон тупроғи томон ўтади.

## АМИР БОҚИЙ КОСОНИЙ

Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича, Косоннинг саййидларидан, яхшигина ижодкор шахс. Камолот ва яхши фазилатлар соҳиб бўлган. Унинг қуйидаги байти мисол тариқасида келтирилган:

Килки таҳрирам ҳама гулҳон тар овард бор,  
Кас надидаст аз нан хушке ки орад гул.

**Мазмуни:** Қаламим неъматидан яшнаган гуллар очилди. Йўқса, қуруқ қамиш гуллаганини ким ҳам кўрибди.

## МИРЗО МАЛОЛИЙ

Уйшун уруғидан чиққан қобилиятли шахс. Убайдуллахоннинг яқин мулозимларидан бири бўлган. Аммо ёшлигида вафот этган. Ҳасанхожа Нисорий унинг Мирзои Қотил учун айтган қуйидаги матлаъсини келтирган:

Боз меҳоҳам ба як ошиқкуше моил шавам,  
Дилбарон ҳастанд, аммо бандан Қотил шавам.

**Мазмуни:** Яна бир ошиқ ўлдирувчига моил бўлишни истайман, дилбарлар кўп, аммо Қотилга банд бўлмоқчиман.

## ҚОЗИ АЪЗИДДИН КАСБИЙ

XVI асрда яшаган олим ва шоир. Касбида қозилик қилган, ў даврининг илғор фикрли, билимдон шахсларидан бири бўлган. “Музаққирри аҳбоб”да у ҳақда шундай сатрларни ўқиймиз: “Касби Насаф вилоятининг ноҳияларидан бўлиб, қози Аъзиддин ўш улканнинг амалдор кишиларидан ҳисобланади. Ҳаммага ёққан хулқ-атвор ва хуш амаллар зийнати билан безангандир. Илму фазилатларни тўла эгаллаган... Таъби ҳам яхши. Муаммо соҳасидagi билимларни ҳам яхши ўзлаштирган. Латиф муаммолари бор. Жаноб Сайид Мирзонинг вафоти таъриhini жуда яхши айтган. Таърих:

Дило, зи гардиши гардуни дун чи металаби,  
Ки кори у ҳама рев асту ранги булажабе.  
Фигону нолаи мардум гузашт аз гардун,  
Ки рафт муфхари авлоди сазйиди араби.  
Чи фаҳри оли наби буд он яғонаи аср,  
Аз он сабаб шуда торих “фаҳри оли наби”(973-ҳ. йил)

**Мазмуни:** Эй дил, бу пасткаш гардиши даврондан не талаб қилурсан, унинг бари иши макру ҳийла ва найранг. Одамларнинг фигону ноласи бу ердан самога кўтарилди. Чунки бугун арабий саййид авлодининг ифтихори бизни ташлаб кетди. Ул аср яғонаси пайғамбар оиласининг фаҳри эди. Шу сабабли таърихи ҳам “пайғамбар оиласининг фаҳри” бўлди.

## ДАСТУР НАСАФИЙ (Нодир)

1690/91 йилда вафот этган таниқли шоир ва олим. Айрим шеърларида Отоҳ тахаллусини қўлаган. Дастлабки маълумотни она шахри Насафда олган. Сўнгра Бухорода илм олиб, шу шаҳарда яшаб қолган. Фазлу камолини эшитган Абдулазизхон (1645-1680) уни ўз саройига таклиф этган.

Дастур Насафий саройда катта обрў ва мавқега эришган. Ҳазалари ва қасидалари билан шухрат қозонган. Аммо Субҳонқулихон даврида (1680-1702) мамлакатда рўй берган иқтисодий ва маданий ҳаёт таназзули туфайли кўпгина бошқа шоирлар қатори Дастур Насафий ҳам саройдан кетишга мажбур бўлган. Абдулазизхонга ҳамроҳлик қилиб Макка зиёратига борган. У ердан Ҳиндистонга келиб, Аврангзеб (1658-1707) саройига хизматга кирган.

Аврангзеб унинг билими ва қобилиятини юксак қадрлаган. Ордан кўп ўтмай Кобул шаҳри қозиси этиб тайинланган. Аммо бир йилдан сўнг, яна марказга чақириб олинган.

Дастур Насафий умрининг охирларида она юртига қайтиб, Бешкент шаҳрида яшаган ва шу ерда вафот этган.

## МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ

Ота-боболари асли кешлик, туркий барлос уруғидан бўлган. Мирзо Абдулқодир Бедил Ҳиндистонда форс тилида яратилган.

адабиётнинг машҳур намоёндаларидан биридир. Эронлик атоқли олим Абдул Ҳусайн Зарринқуб Бедилни «туркнажоду форсигўй» деб таърифлайди. Яъни у асли туркийлардан бўлса-да, форс тилида ижод қилганлигига ишора қилади.

Бедил милодий 1644 йилда Ҳиндистоннинг Патна вилоятидаги Азимобод шаҳрида таваллуд топган. Ота-онасидан эрта етим қолган шоирнинг истеъдоди болалигидаёқ намоён бўлади. 5 ёшидан бошлаб турли китобларни ўқий бошлайди. 10 ёшида араб тилининг қонун-қоидаларини, форс адабий тилини пухта ўрганади. Тоғалари – Мирза Қаландар ва Мирза Зариф унинг тарбияси билан шуғулланадилар.

Бедил мадрасада бир неча йил ўқиган бўлса-да, ўз билимини мустақил равишда такомиллаштиришга катта эътибор берди. Ҳинд фалсафасини, тасаввуф таълимотини чуқур ўрганди. Қўшни вилоятлар ва мамлакатларга саёҳатга чиқди. Турли халқларнинг ҳаёти, урфу одатларини ўрганди.

Бедил бир муддат Аврангзебнинг ўғли Муҳаммад Абзамшоҳ саройида хизмат қилади. Аммо кўп ўтмай бу вазифадан кетиб, бутун ҳаётини фан ва адабиётга бағишлайди. Азимободдан Ҳиндистоннинг сиёсий ва маданий маркази бўлган Деҳли шаҳрига кўчиб келади ва умрининг охиригача шу жойда истиқомат қилади.

Шўролар замонигача мадрасаларда Бедил шеърини ўрганилган. Унинг мураккаб ирфоний, фалсафий, ижтимоий ва лирик шеърлари таҳлил қилинган, зиёлилар даврасида бедилхонлик кечалари ўтказилган. Шоир асарларини тушуниш ва шарҳлаш билимдонлик, олимлик мезони бўлиб қолган.

Кучли хотира, қобилият, тафаккур ва кенг дунёқарашга эга бўлган шоир кўплаб ажойиб асарлар яратди. Унинг шеърини асарлари 120 минг байтни ташкил этади. “Ирфон”, “Тури маърифат”, “Ишорат ва ҳикоёт”, “Муҳити абзам”, “Тилисми ҳайрат”, “Ғазалиёт”, “Рубоийёт”, “Қасоидот”, “Таржеёт”, “Қитъаот”, “Ташбеҳот ва тамсилот” каби китоблари шулар жумласидан. Бундан ташқари, у “Нукот”, “Руқъаот”, “Чор унсур” сингари насрий асарлар муаллифи ҳамдир.

Бедил 1721 йили 77 ёшида вафот этган.

## БЕДИЛ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР:

Кексалиқдан ёш тўкиб, кўзлар паришон бўлғуси,  
Тонг оқарган лаҳза юлдузлар паришон бўлғуси.

Ям-яшил барг берди бу майдонда мотамдин нишон,  
Урса ниш кўклам уруғлар гар паришон бўлғуси.

Пардасин итқитса, айлаб талваса гар телбадек,  
Гул ҳиди жим оҳ чекиб бадтар паришон бўлғуси.

Товланиб турмоғи мушкулдир оловнинг бир зайл,  
Офтобдан нур, чу қафтдан зар паришон бўлғуси.

Муштарак манзилга бизлар тутган ул йўл тўғридир,  
Чикса мистардан агар, хатлар паришон бўлғуси.

Ҳар нафас олганда ўтгай дам, жавоҳир ёш тўк,  
Ип узилган лаҳза бор гавҳар паришон бўлғуси.

Манзилинг қўрқинчли, тўхтат дилни ўз тутёндан,  
Бунда раҳрав ҳоли танг, раҳбар паришон бўлғуси.

Қилғали сиррингни фош лаб очмасанг, тинч ҳар нафас,  
Май агар мавжланса бас, соғар паришон бўлғуси.

Ноумидлик чанглари чарх ичра тарқаб йўқ бўлур,  
Жарчи қичқиргай-да қолгай, жар паришон бўлғуси.

Сир ўғирлаб, Бедил, оҳ, бепарда урмоқда юрак,  
Йўқ бўлур шероза, бул дафтар паришон бўлғуси.

## РУБОИЙЛАР

Ҳар кўзки, агар олмаса ибрат, кўрдир,  
Ҳар луқма агар бермаса лаззат, шўрдир.  
Ҳар тўн, агар ўзгармаса, тўнмас, у кафан,  
Ҳар хонаки, бирдек тураверса, гўрдир...

\*\*\*

Фарёдки, менга жафойи гафлат ўтди,  
Жонимга қиёмати хижолат ўтди.  
Дедим неча, кўз очиб, шу дунёни кўрай,  
Дунёни то кўрганимча муддат ўтди...

\*\*\*

Не келса, сабр айла, тамошодир бу,  
Май ички, кўнгил дардига даводир бу.  
Кул эрсанг, ўзинга билгил оламни қафас,  
Кўй, юрма бу андуҳ сари, саҳродир бу...

\*\*\*

Дил созида нағмаю наволар кўпдир,  
Айбу ҳунару рангу сафолар кўпдир.  
Кўпик тилагингму ё гавҳарми мурод?  
Дарёда баҳою бебаҳолар кўпдир...

\*\*\*

Эй ойина, манзилинг муборак бўлгай,  
Ул ҳусни муқобилинг муборак бўлгай,  
Ёр қайтди сафарданки, дилим унда эди,  
Бедил, сенга бу дилинг муборак бўлгай.

\*\*\*

Сен кун била тун ҳолини афлокдин сўр,  
Май бўлмаса хумда, сен уни тоқдин сўр.  
Ким ўтдию ким кетди – сўрарсан тоқай?  
Дўстлар бари шунда мунтазир, хоқдин сўр...

\*\*\*

Шодлик бўлаверса, қайғуга уйқашдур,  
Байрам сира битмаса, юраклар гашир.  
Ҳар нарсада мезон ва меъёр керак,  
Сув ошса бошингдан, сув эмас, оташдир...

\*\*\*

Дунёки, парокандалиги асбоб эмиш,  
Ором бу жаҳонда, ўйлаким, симоб эмиш.  
Денгиз эмиш у, мавж – паришонлигимиз,  
Осуда кўнгил – бир гавҳари ноёб эмиш...

\*\*\*

Ҳар кимсаки то шикаста, дилхун бўлмас,  
Ул мулки вафода қадри афзун бўлмас.  
Дунёдаги ҳар тош бўлавермас ёқут,  
Ҳар қатра сув ҳам гавҳари макнун бўлмас...

\*\*\*

Фойданг йиқитиб бизни, зиён бўлгусидир,  
Ҳар чандки баҳор эрур, хазон бўлгусидир.  
Ойна-ку ул замон кўлингдан тушди,  
Аксинг дағи кўздан ҳам ниҳон бўлгусидир...

\*\*\*

Шеърим менга неча юз забондин келади,  
Кўлдан бери, кўп вақту замондин келади.  
Тавроғ эмаски ул, то тахмин этсам:  
Бир йўла магарки осмондин келади...

\*\*\*

Сен кетдингиз мен асири манзил қолдим,  
Бу дарду ғаму аламга машғул қолдим.  
Бедил эканимни сал унутган эрдим,  
Кўнгил сенга боз кечдию бедил қолдим...

\*\*\*

Гардун ўзи – неча собиту сайёр эмиш,  
Дарё ўзи – неча чашмаю анҳор эмиш.  
Дунё ишидан ҳамиша воқиф бўлким,  
Сен билганинг ул битга эмас, бисёр эмиш...

*(Ж. Камол таржимаси)*

## ҲУСОМИДДИН НАСАФИЙ

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги “Солоржанг” музеида “Мажмуаи ашъори шуарои мутақаддимин” (“Олдин ўтган шоирлар шеърлари мажмуаси”) деб номланган китоб сақланмоқда. Бу асар XVII асрнинг иккинчи ярми ёки XVIII асрнинг бошида ёзилган. Унда илгари ўтган 149 шоир ҳақида маълумот ва уларнинг асарларидан намуналар берилган. Баёзда Ҳусомиддин Насафийнинг ҳам шеърлари мавжуд.

## МУЛЛО НАДРО ОГОҲ (Насафий)

Ҳиндистондаги “Солоржанг” музейида сақланаётган яна бир баёз 1607 йилда китобат қилинган. Унинг бир боби Мовароуннаҳр хусусан Бухорода яшаб, ижод этган шоирларга бағишланган. Бу шоирлар орасида Мулло Надро Огоҳнинг шеърларидан ҳам намуналар берилган. Қуйидаги рубоий ҳам унинг қаламига мансуб:

Мо муҳаббатпешагонро чун ниғаҳ дар кўн дўст,  
Омаду рафте, ки буд аксар зи роҳи дийда буд.

**Мазмуни:** Биз, муҳаббат ошуфталарининг кўзлари дўст йўлида бўлганлиги учун, барча келиб-кетишлар кўпинча кўзимиз йўли орқали бўлади.

## АБУЛҚОСИМ АЛ-КАСБАВИЙ

Абулқосим бин Шоҳ Мирзо бин Асадулла ал-Ҳусайний ал-Касбавийнинг “Риёз ул-мутафакқирийн” номли асари бизнинг давримизгача етиб келган. Мазкур рисола 1652 йилда ёзилган бўлиб, Бухоро хони Абдулазизхонга бағишланган. Тасаввуф таълимоти, унинг моҳияти ва талаблари ҳақидаги бу асарда сўфиюлар ҳаёти ва қарашлари ҳақида қизиқарли ҳикоят ва ривоятлар келтирилган. Китоб 8 бўлим – “равзага” (боғ), ҳар бир равза эса “ашжор” – дарахтларга бўлинган. Насрий матнлар шеърӣ миқсолла билан безатилган. Муаллифнинг тахаллуси “Шеърӣ” бўлганлигига қараганда, шеърларни ҳам ўзи ёзган.

Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида сақланаётган мазкур қўлёзма муаллиф ҳаётлигида, 1673 йилда Бухородаги Нодирбий девонбеги мадрасасида Мирзо Хожа бин Мир Нотиқ Хожа ал-Касбавий томонидан кўчирилган.

## НАСИМ МАҲРАМ

XVII асрда яшаган шоир. Асл исми Хожа Амиршариф. Насаф шаҳрида туғилиб, вояга етган, сўнгра таҳсил учун Бухоро шаҳрига борган. Ҳар томонлама пухта билим олиб, истеъдодли

шоир сифатида танилган. Натижада Абдулазизхон ҳукмронлиги даврида (1645-1680) саройга хизматга олинган. Аммо Субҳонқулихон даврида саройни тарк этишга мажбур бўлади. Дастлаб Балх шаҳрига, сўнгра Ҳиндистонга боради.

Малеҳо Самарқандийнинг “Музаққир ул-асҳоб” тазкирасидаги маълумотларига кўра, Насим Маҳрамнинг назмӣ ва насрий асарлари ўз даврида юксак баҳоланган. У «Ҳинд услуби»нинг тарғиботчиларидан бири бўлган ва бу услубнинг Ўрта Осиёга ёйилишида катта роль ўйнаган. Маълумки, «Ҳинд услуби» мураккаб тимсоллар тизими, чуқур фалсафӣ ва ижтимоӣ фикрларнинг нозик ифодаси билан ажралиб турган. Малеҳо шоирни “дурри якто”, “жавҳари бебаҳо” дея таърифлаб, шундай ёзади: «Ҳозирги пайтда (1688-89) у ўша ерда (яъни, Ҳиндистонда) яшайпти. У туфайли Шоҳтуғро Қаландар насри, Носирали Ҳинди ва Қосим Девона ғазаллари Балх, Бухоро ва Самарқандда машҳур бўлди. Давримиз шоирлари ва адиблари ундан ўз шеърлари ва фикрлари учун рангин тимсоллар олмоқдалар».

Насим Маҳрамнинг шеърӣ асарларини ўз ичига олган “Девони Насим” мажмуаси Ўз ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар жамғармасида 375/11 рақами остида сақланмоқда. У ўз даврининг қувонч ва ташвишларини, соф муҳаббат ва садоқатни маҳорат билан куйлаган. Шоирнинг бир байти қуйидагича:

Баски тан додам ба гарди кулфати олам, Насим,  
Чеҳраи ман сурати деворро якранг буд.

**Мазмуни:** Олам кулфатининг чангига тан берганлигим учун, Насим, юзим деворӣ сурат рангига кирди.

## САЙИДО НАСАФИЙ

Ўз замонасининг атоқли шоири Миробид Сайидо Насафӣ 1637 йили Қарши шаҳрида туғилган. Давр анъанасига кўра, форс тилида ижод қилган. У Абдулазизхон (1645-1680) ҳукмронлиги даврида Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Ўша даврда машҳур бўлган Турди Фароғӣ йўлидан бориб, ғазаллар, ҳажвий шеърлар ва достонлар битган.

Сайидо тез орада танилиб, тилга гушади. Абдулазизхоннинг эътиборига сазовор бўлади. Аммо илм-маърифатни ёқтирмайдиган Субҳонқулихон даврида саройда ижод қилишдан воз кечиб, оддий тўқувчилик билан кун кечиради.

Малеҳо Самарқандий ўзининг “Музаккир ул-аҳбоб” тазкирасида Сайидо Бухородаги Девонбеги мадрасасида, кўримсизгина бир ҳужрада истиқомат қилганлигини ёзади. Моддий қийинчиликда яшаса-да, таъма умидида амалдорларга бўйин эгишдан ор қилади. Тазкирада Сайидо ижодига шундай баҳо берилган: “Мақташда унинг номи пайваста келмаган ғазал учрамайди, у мухаммас боғламаган ғазал ҳам топилмайди. Ёқимли ғазаллари сўз усталирини ҳайратда қолдирган, раъно янглиғ мухаммаслари сават тўла гулларнинг тожидир. “Шаҳрошуб”лари бозорларга ғавво солган, рубойлари сўз арбоблари эътиборини қозонган, қасидалари салмоқли, маснавийлари сирларга бой, қитъалари пандга сероб, мустаъзодалари қалбларни ром этувчи, мувашишаҳлари муаммо, чистонлари дилписанд, нимаинки ёзган бўлса, бари мумтоз ва олийқадрдир”.

Сайидо Насафий катта адабий мерос қолдирган. Унинг лирик ва эпик асарлари ҳажми 18 минг мисрадан ортиқ. У ғазал, рубойи, қитъа, маснавий жанрларида баракали ижод қилган. Энг муҳими бу асарларда шоир яшаётган даврнинг ҳаққоний лавҳалари, меҳнаткаш халқ ҳаёти маҳорат билан акс эттирилган. Шу жиҳатдан қараганда, “Шаҳрошуб” (“Шаҳар ҳунармандлари хусусида манзумалар”) номли асари диққатга сазовор. 404 байтдан иборат бу ўзини хос асарда шоир ўша даврда Бухородаги 212 хил ҳунар-қасб соҳибларини таъриф ва тавсиф этади. Болаларга мос тарзда битилган “Баҳориёт” асарида эса ҳайвонлар ўзаро баҳсга киришадилар. Манзума сўнгида меҳнаткаш халқ рамзи бўлган чумолилар ҳаммадан кучли экан, деган хулоса чиқарилади.

Сайидо Насафий тараққийпарвар шоир сифатида мамлакатнинг яхлитлиги тарафдори бўлган. Ўзаро юрт талашларички низолар мамлакатни таназзулга олиб келишини англаётган.

Шоирнинг бир рубойиси қуйидагича:

Омад баҳору сайри гулистон ғанимат аст,  
Базми висоли гунчаи хандон ғанимат аст.  
Бо қомати хамида равам сўи бўстон,  
Наззораи бинафшаву райҳон ғанимат аст.

**Мазмуни:** Баҳор келди, гулистонни сайр этмоқ ғаниматдир, хандон гунча висолининг базми ғаниматдир, эгилган қад билан бўстон сари борамак, бинафшаю райҳонни томоша қилиш ғаниматдир.

Атоқли шоир 1710 йилда Бухорода вафот этган.

## КОМИЛ НАСАФИЙ

Комил ибни Камол Насафий “Дурри макнун” (“Яширин дурлар”) номли асар ёзган. Тасаввуфнинг Қодирия тариқати вакили бўлган Комил Насафий XVII асрнинг 2-ярмида ёзилган мазкур асарида сўфийлик, унинг моҳияти, атамалари ҳақида ҳикоя қилган. Муаллифнинг шу мавзудаги яна бир асари “Шарҳи илҳомот мусамми ба равзот ул-жаннат” деб номланган. Бу рисола номаълум муаллифнинг “Илҳомот” номли асарига ёзилган шарҳдир. Иккала асар ҳам 1915 йилда Мулло Муҳаммад Содиқ валади Қори Мулло Абулфайз Насафий томонидан кўчирилган.

Комил Насафийнинг “Шарҳ ул-ҳикам ал-Атоия” номли рисоласи ҳам бор. У Атоуллоҳ ал-Искандарий (вафоти – 1309 й.) асарига ёзилган шарҳдир. Рисоланинг XVIII асрда кўчирилган бир нусхаси бизнинг давримизгача етиб келган.

## ДҮСТМУҲАММАД ал-КЕШИЙ

Дўстмуҳаммад бинни Наврўз Аҳмад ал-Кеший “Силсилаи ус-содиқийн ва анис ул-ошиқийн” номли китоб муаллифидир. Бу асарда у *Хожагийн Косоний Махдуми Аъзам* ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилган. Асарнинг XVII асрда кўчирилган қўлёзма нусхаси ЎзФА Шарҳшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида 2471 рақами остида сақланмоқда.

## ЛОМЕИ НАСАФИЙ

XVII аср охири ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган таниқли шоир ва таржимон. Дастлаб Қарши ва Бухорода, ҳаётининг сўнгги йилларида Ҳиндистонда яшаган.

Ломеи Насафий Абдулазизхон ҳукмронлиги йилларида саройга таклиф этилган. Турди Фароғий, Сайидо Насафийлар билан ёнма-ён туриб ижод қилган. Абдулазизхон уларни юксак қадрлаб, раҳнамолик қилган. Ҳоқимият Субҳонқулихон қўлига ўтгач, кўпгина сарой аъёнлари қатори шоир ва санъаткорлар ҳам саройдан қувилади. Ломеи Насафий ҳам дастлаб Абдулазизхонга ҳамроҳлик қилиб Макка зиёратига боради ва у ердан Ҳиндистонга, Бобурийлар ҳузурига йўл олади. Аврангзеб (1658-1707) ҳукмронлиги йилларида саройга йўл топиб, катта обрў-эътибор қозонади.

Ломеи Насафий ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Унинг “Ибратнома”, “Шараф ул-инсон” сингари асарлари бизгача етиб келган. Бу асарлар Санкт-Петербургдаги М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонанинг қўлёзмалар бўлимида сақланмоқда.

Шоир рубоийларидан намуна:

Гардун тамоми чашм ба ёди узори кист?  
Ранги баҳор хушии дасти нигори кист?  
Ҳамчун сари бурида тапад меҳр дар шафақ,  
Мажрўҳи ки, шаҳиди ғами ки, шикори ки?

**Мазмуни:** Олам вужуди кўз бўлиб қайси юзни ёд этмоқда, Баҳор ранги қайси нигорнинг дастидан хун бўлмоқда, Шафақ ичра Қуёш кесилган бош каби тўлғанади, у кимнинг мажрўҳи, кимнинг ғамида шаҳид бўлган, кимнинг овига айланган?

## ҚАДРИ НАСАФИЙ

Олим Илёс Низомиддиновнинг ёзишича, Қадри Насафий 1585 йилда Ҳиндистонга келиб, Акбаршоҳ саройи шоирлари сафидан ўрин олган. Унинг ижодидан намуналар Ҳиндистонлик тазкиранависларнинг бир қатор асарларида келтирилган.

## МУЛЛА АБДУЛХОЛИҚ ОЗАРИ НАСАФИЙ

XVII асрнинг охири ва XVIII аср бошларида яшаган шоир. Унинг “Девони Озар” мажмуаси ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида 130/11 рақами остида сақланмоқда. Настаълиқ хати билан турли рангдаги қоғозларга битилган девон 1720 йилда кўчирилган.

## САЙИДХОЖА НАСАФИЙ

Сайидхожа Насафий Қаршида туғилиб, бир умр шу шаҳарда яшаб ўтган. “Боғча ва Бўстон”, “Шоҳча ва Бўстон”, “Китоби ҳамиша баҳор”, “Хобу хаёл”, “Фироқу висол” каби эпик асарлар ёзганлиги ва шеърӣ девон тузганлиги маълум. Аммо унинг мероси ҳозиргача махсус тадқиқ этилмаган.

Сайидхожа Насафий 1737 йилда Қарши шаҳрида вафот этган.

## САЛОҲИДДИН САЛОҲИЙ

XVIII асрда Қарши шаҳрида яшаб, ижод этган шоир Салоҳий ва унинг ижоди ҳақида маълумотлар кам. Нурмуҳаммад Насафийнинг тазкирасидаги маълумотларга қараганда, у ўзбек тилида “Гул ва булбул” (1740), форс-тожик тилида “Юсуф ва Зулайхо” (1753) каби асарлар ёзган.

Шоир ўзининг дидактик “Гул ва булбул” достонида инсоний фазилатларни, одамийликни улуғлайди. Жумладан, унда шундай сатрлар бор:

Ёмонлар суҳбатида бўлма ҳаргиз,  
Аларнинг суҳбатидур фитнаангиз.  
Эшит, ножинс бирла қилма суҳбат,  
Етар андин санга кўп ранжу меҳнат.  
Ёмонлар суҳбатида турма, қочғил,  
Аларнинг суҳбатидур заҳри қотил.

## АМИН бин НУРМУҲАММАД НАСАФИЙ

XVIII аср ўрталарида яшаб, ижод этган қаршилик олим ва шоир. “Мазҳар ул-мусаннифин” (“Адиблар баёнида”) номли асар муаллифи. 1759 йилда ёзилган мазкур асарида у Бухоро хонлиги ҳудудида яшаб ижод этган кўплаб шоир ва адиблар ҳақида маълумотлар беради. Жумладан, унда бир қанча қаршилик ва косонлик шоирларнинг таржимаи ҳоли ва ижоди тўғрисида мухтасар маълумотлар мавжуд.

## МУШТОҚ ШАҲРИСАБЗИЙ

Кўқон хони Амир Умархон даври шоирларининг пешқадами бўлган Абдулкарим Фазлий Намангоний ўзининг “Мажмуаи шоирон” асарида Муштоқ Шаҳрисабзий ҳақида маълумот берган. Фазлий уни таъби расо шоир деб таърифлайди. Санкт-Петербургдаги М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонанинг Шарқ қўлёзмалари бўлимида “Мажмуан ашъор” деб номланган баёз сақланмоқда. Ундан Шаҳрисабз адабий муҳитининг таниқли вакили – Муштоқ Шаҳрисабзийнинг ҳам бир неча ғазали ўрин олган.

## МУЛЛА ҚУРБОН ХИРОМИЙ

Мумтоз адабиётимизнинг машҳур сиймоларидан бири бўлган Мулла Қурбон Хиромий 1796(1810) йили Китоб шаҳрининг Чармгарон маҳалласида туғилган. Бошланғич маълумотни Қорақўлча гузаридан масжидда олган. 15 ёшидан кейин Бухорога кетиб, Мири Араб мадрасасида таҳсилни давом эттирган. Аммо иқтисодий қийинчилик туфайли уни ниҳоясига етказа олмай, Китобга қайтиб келган. Ота касби – чармгарлик, табиблик, хаттотлик қилиб кун кечирган.

Хиромий яшаган даврда Бухоро амири Насруллохоннинг зулмкорона сиёсати, иқтисодий аҳволнинг ночорлиги туфайли Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ бекликлари аҳолиси ўртасида норозилик кайфиятлари кучайган, хонликка бўйсунмаслик ҳаракатлари бошланган эди. Бунга жавобан Амир Насруллохоннинг босқини,

эркталаб кенагасларни қатагон қилиши Мулла Қурбонда ҳам исёнкорлик туйғусини уйғотган. Айниқса, амир хуфялари томонидан қатл этилган шоир Ҳозикнинг дафн маросимидаги иштироки, эрксевар, илғор фикрли кишилар билан дўстлиги унинг қаттиқ таъқиб остига олинишига сабаб бўлган. Ўзигина эмас, бутун уруғ-аймоғи таъқиб қилинган. Шоир Китоб шаҳридан яширинча чиқиб кетишга мажбур бўлган. Унинг Навоий ғазалига боғлаган бир мухаммасидаги байтлар ўша даврда битилгандек таассурот қолдиради:

Оқким, кўнглим уйи вайронадур меъмурсиз,  
Соғари айшим нигундир бир маҳи гулнорсиз,  
Нахли умрим ғам елидин қолди биру борсиз,  
Навбаҳор айёми ўлмиш, ман диёру ёрсиз,  
Булбул ўлгондек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Хиромий мумтоз адабиётимизнинг Алишер Навоий, Фузулий, Бобур, Бедил, Зебуннисо сингари улкан санъаткорлари ижодидан баҳраманд бўлган, уларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Ўз замондошлари – Шавқий Каттақўргоний, Ҳозик, Волалар билан яқин ижодий алоқалар ўрнатган.

Хиромий дostonнавис шоир сифатида ном қолдирган. Унинг “Чор дарвеш” (1834), “Тўтинома” (1854), “Раъно ва Зебо” (1856), “Юсуф ва Зулайхо” (1862) сингари асарлари машҳур бўлган. Бу дostonларида у чин муҳаббат, инсонийлик, ватанпарварлик, илм-маърифатта интилиш каби фазилатларни тараннум этган. Айни пайтда, дostonларда ўз шарҳи ҳолини, долғали давр воқеаларини ҳам акс эттирган. Жумладан, “Раъно ва Зебо” дostonида шоир Шаҳрисабз васфида шундай сатрларни битган:

Фаразким, Шаҳрисабзи жаннатойин,  
Ки тоғди тангри лутфи бирла тазйин.  
Ики жониб ики дарёи маввож,  
Фалак юзига мавжидин уриб кож.  
Ҳисори етти кўкдин бош ошурғон,  
Фалак буржиға буржи таън урғон.

Бутиб шаҳр ичра ҳар жониб хиёбон,  
Ери пайваст сумбул бирла райҳон.  
На юздин бўлмасин фасли баҳори,  
Ўтар ҳар кўчасидин жўйбори.  
Саросар ер юзидур сабзаи тар,  
Дегайсанким, инибдур чархи аҳзар.  
Ариғлар ҳар тарафдин жадвали сим,  
Ёнида сабза-мўяк анга таслим.  
Улуси сайр этар андоққи маҳваш,  
Бу юздин дерлар они Кеши дилкаш.

Хиромий адабий мероси салкам 30 минг мисрани ташкил этади. У дostonлардан ташқари 200 дан ортиқ мухаммасни ўз ичига олган девон тузганлиги ҳам маълум. Бу асарлар ўз вақтида жуда машҳур бўлган. Масалан, “Чор дарвеш” 1910 йилда Тошкентда, 1913 йилда Когонда литографик усулда босилган. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида, Санкт-Петербург Давлат кутубхонасида, баъзи хусусий кутубхоналарда шоирнинг ўнлаб қўлёзма асарлари сақланмоқда.

Хиромий 1891 йили вафот этган. Шоирнинг ўғли Мирзо Зокир ҳам шеърлар ёзган, котибликда ном чиқарган.

Бугунги кунда Тошкент ва Китоб шаҳарларидаги кўчаларга, Шаҳрисабз туманидаги мактаблардан бирига шоир номи берилган.

## НИСОРИЙ НАСАФИЙ

XIX асрда яшаб, ижод этган шоир. Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар кам. Возеҳ Бухороийнинг “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират-ид-асҳоб” асарида Нисорий Насафий истевдодли шоир сифатида таърифланган. Шоирнинг мазкур тазкирада келтирилган бир ғазалида шундай байтлар бор:

Чарх гарлад бар ҳаво ҳамчун ҳубоб аз чашми ман,  
Хўрд барҳам дар жаҳон сайри саҳоб аз чашми ман.  
Қиссан тўфон ту гўи боз аз сар рух намуд,  
К-инчунин аз баски олам шуд хароб аз чашми ман.

Шуд сиришкам сурх андар ёди он лабҳон лаъл,  
Кўҳдо гардид чун лаъли хушоб аз чашми ман...  
Гапгт олам аз сиришкам, эй Нисорий, зери об,  
Карда эзид қавми оламро азоб аз чашми ман.

**Мазмуни:** Кўзим туфайли олам пуфак каби ҳавога кўтарилади, кўзим туфайли жаҳонда саҳоб сайри барҳам топди. Сен гўё тўфон қиссаси яна бошланди, дерсан, чунки олам менинг кўзларимдан хароб бўлди. У қизил лаблар ёди билан кўз ёшларим қип-қизил бўлди, тоғлар кўзларим нуридан товланувчи лаълга айланди... Эй, Нисорий, кўз ёшларимдан олам сувга кўмилди, худо олам қавмига кўзим билан азоб берди.

## НАЗАР МУҲАММАД АН-НАСАФИЙ

“Таърихи Вали” номли асар муаллифи. 1834 йили ёзилган бу асарида у тасаввуфнинг Қодирия тариқати вакиллари, уларнинг ҳаёти ва кароматлари ҳақида ҳикоя қилган, вафоти таърихларини шеърӣй йўл билан баён этган. Шунингдек, китобда Кубровия, Ҳамадония, Ҳусайния тариқати ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

“Таърихи Вали” асарининг 1835 йилда кўчирилган қўлёзма нусхаси ЎзФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида сақланмоқда.

## ФАРАҲ ШАҲРИСАБЗИЙ

XIX асрнинг биринчи ярмида Шаҳрисабз адабий муҳитида воёга етган шоир. Унинг асл исми номаълум. Шоир Жунайдулло Ҳозик Шаҳрисабз ва Китобда яшаган кезлари у билан ҳамфикр ва дўст бўлган. Айни пайтда, адолатпеша, ноҳақликка қарши курашчи сифатида танилган.

Ҳозикнинг фожиали ўлими Фараҳ Шаҳрисабзийни қаттиқ қайғуга солган. Бу ҳақда марсия-таърих ёзган. Турли тазкираларда келтирилган бу таърих қуйидагича:

Шунидам, хотифи ҳикмат саранжом,  
Ба гўшам қатли Ҳозиқ дод пайғом.  
Фараҳ аз баҳри таърихаш рақам зад:  
“Жунайдуллоҳ ибн Шайхулислом”.

**Мазмуни:** Эшитдим, ҳикмат соҳиби қулоғимга Ҳозиқ қатли ҳақидаги хабарни келтирди. Фараҳ бу воқеа таърихи ҳақида шунидай рақам чекди: “Жунайдуллоҳ ибн Шайхулислом” (Абжад ҳисобида ҳижрий 1259 йил / милодий 1843 йил).

## ТОҲИРА НАСАФИЙ

Шоира Тоҳира Насафий XIX аср охирларида Қарши шаҳрида туғилган. Ёшлигида пухта билим олиб, ўзи ҳам мактаб очган ва унда қизларни ўқитган. Мумтоз адабиёт сирларини пухта ўрганиб, ўзи ҳам газаллар ёза бошлаган. XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро ва Фарғонага сафар қилган. Бу шаҳарларда машҳур ўзбек шоирлари билан учрашиб, мушоираларда иштирок этади.

Тоҳира Насафий зуллисонайн шоира бўлган. У ўзбек ва тожик тилларида бирдек маҳорат билан шеър ёзган. Шоира умрининг сўнгги йилларида Термизда яшаган ва шу ерда вафот этган.

Тоҳира Насафий ижодидан айрим намуналар тазкиралар ордали бизгача етиб келган. Унинг тожик тилидаги бир газали шайбонбайт билан бошланади:

Гар ба ту афтодам назар чеҳра-бачеҳра, рӯ-барӯ,  
Шарҳ диҳам гами худро нукта-банукта, мӯ-бамӯ.

**Мазмуни:** Агар сента юзма-юз туриб назар ташласам эди, у гамамни биттама-битта, астойдил шарҳ этар эдим.

## МИРЗО УМРБОҚИЙ ШАҲРИСАБЗИЙ (Самарқандий)

Мирзо Умрбоқий 1878 йилда Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. Шоирнинг отаси Мулла Авазмурод тижорат билан шуғулланган.

испосида адабиёт ва шеърятга ҳам ихлосманд бўлган. Шу сабабли фарзандига ёшлигидан бошлаб билимга ташналик ва юксак инсоний фазилатларни сингдирган.

Мирзо Умрбоқий дастлаб Шаҳрисабз мадрасаларида, кейинроқ бир муддат Бухорода таълим олган. Адабиёт, тарих, санъат, фикр соҳасида чуқур билим олган. Шатранж ўйинида ҳам маҳорат соҳиби бўлган. Аммо отасининг вафоти ва моддий қийинчилик туфайли ўқини ташлаб, ишлашга мажбур бўлган. Ҳусникатни яхши билганлиги учун отасининг дўсти – муфтий Иноятулла хўжа уни ишга олган. Бўш пайтларида қўлёзма китобларни чиройли ҳуснихат билан кўчириб, тирикчилик қилган. Бир кунги Шаҳрисабз ҳокимининг илтимосига кўра нодир бир китобдан нусха кўчириб беради. Ниҳоятда чиройли хат билан, хатосиз кўчирилган нусха ҳокимга манзур бўлади. Мирзо Умрбоқийни ҳокимнинг мирзохонасига ишга қабул қиладилар.

Орадан кўп ўтмай Бухорода амирлик тузуми ағдарилади. Ревкомлар ташкил этилади. Мирзо Умрбоқийни котибликка ишга қабул қиладилар. Аммо коммунистик партия сафига киришдан бош тортиб, ишдан қувилади. Ота касби – тижорат билан шуғулланади.

30-йилларда вазият ўзгаради. Билимли, хат-саводи бўлган, ўнга тўқ кишиларни, айниқса, уйда эски қўлёзмаларни сақлаётинларни қатағон қилиш бошланади. Дўстларининг огоҳлантириши туфайли Мирзо Умрбоқий яширинча Каттақўрғонга қочиб кетади. Шўроларнинг маҳаллий гумашталари унинг оиласига ҳам қўғул ўтказадилар. 12-13-чап фарзанди Салоҳиддинни қамаб қўядилар. 70 кундан кейин озод қилинган Салоҳиддин отаси яширинча йўллаган хат бўйича онаси ва укалари билан Каттақўрғонга йўл олади. Ҳовли-жой ва шоирнинг умр бўйи йиққан нодир китоблари талон-торож қилинади, бедарак йўқолади.

Мирзо Умрбоқий таъқиблардан қочиб, тез-тез яшаш жойини ўзгартиришга мажбур бўлади. Каттақўрғон ва унга яқин қишлоқларда имомлик қилиб кун кечиради. Оғир турмуш шароитлари ва касаллик туфайли бир неча кун ичида икки фарзандидан ажралади. У ўзининг оғир изтироблари ва ўй-кечинмаларини қуйидаги марсиясидан (парча) ифода этади:

Рузи аввал толенм бадбахт ёзгандир қалам,  
Келмишимдан кўрмадим дунёда ғайр аз дарду ғам,  
Йиғламоқдин қолмади икки кўзимда қатра нам,  
Кулфату андуҳларим ҳам айлади қаддимни ҳам,  
Робеа жоним қизим бирла Низомиддин болам,  
Каттақўрғонда мусофир ўдилар ногоҳ баҳам...

Икки доғ бирдан тушиб, қилди мени ҳолим забун,  
Ҳеч мўмин дунёда мундоқ мусибат кўрмасун,  
Икки кўзимдин оқар ёш ўрнига селоби хун,  
Ғамларимдан айларам фарёд тинмай кеча-кун,  
Робеа жоним қизим бирла Низомиддин болам,  
Каттақўрғонда мусофир ўдилар ногоҳ баҳам...

Эй, фалак, ҳар ерда зулмингни намоеън айладиңг,  
Доғи фарзанд ила доим дийда гирён айладиңг,  
Раҳм қилмай ҳолима бағрим тўла қон айладиңг,  
Бул мусофирликда бундоқ зору ҳайрон айладиңг,  
Робеа жоним қизим бирла Низомиддин болам,  
Каттақўрғонда мусофир ўдилар ногоҳ баҳам...

Эй, фалак, сендин етибдур менга шунча доғу дард,  
Сени ҳам бўлсин бу дунёда асосиңг гард-гард,  
Тортибон ҳар ким сениңг зулмингда доим оқи сард,  
Жумлани ғам бирла помол айладиңг, рангини зард,  
Робеа жоним қизим бирла Низомиддин болам,  
Каттақўрғонда мусофир ўдилар ногоҳ баҳам...

Шоир “фалак” деганда қаттол Сталин тузумини назарда ту-  
тади ва бу истибдод асоси парча-парча бўлишини олдиндан ба-  
шорат қилади. Мирзо Умрбоқий 50-йилларда оиласи билан Са-  
марқандга кўчиб келади ва Чокардиза қабристонига яқин маҳал-  
лада ҳовли-жой қилиб, муқим бўлиб қолади.

Мирзо Умрбоқийнинг қўлёзма асарлари фарзанди Салоҳид-  
дин Махсум ва набиралари қўлида авайлаб сақлаб келинган. Ушбу  
ўзбек ва тожик тилларида битилган ғазаллар, мухаммаслар, ру-  
бойилар, таърихлар бор. Улардан намуналар Самарқанд шоир-  
ларининг турли тўпламларида чоп этилган.

Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий 1957 йили Самарқандда ва-  
фот этган.

## АБДУЛЛА РАҲМОН ГУЛШАНИЙ

1898 йилда Шаҳрисабзнинг Зингарон маҳалласида, касиб  
оиласида туғилган. Дастлаб шу ердаги мадрасада, сўнгра Бухоро  
мадрасаларида таълим олган. Абдулла котиб заррин қаламдан  
хаттотлик санъати сирларини ўрганган. Шунингдек, аруз, фикҳ,  
мантиқ илмидан сабоқ олган. Мумтоз адабиёт сир-асрорларини  
пухта ўрганиб, ўзи ҳам самарали ижод қилган. Ғазаллар, мухам-  
маслар, рубойилар, муаммолар ёзган.

Абдулла Гулшаний Бухоро адабий муҳитида фаол иштирок  
этади. С. Айний, А. Фитрат, М. Бехбудий, Ф. Хўжаев ва Ҳамза  
Ҳакимзодалар билан ҳамсуҳбат бўлади. “Ёш бухороликлар” ва  
жадидлар ҳаракати тасйирига берилади. Бу ҳаракат таъқиб ости-  
га олингач, Гулшаний Шаҳрисабзга қайтади. Аммо 1919 йилда  
Шаҳрисабз ҳокими Саид Акромхон тўра томонидан исёнкорона  
шеърлари учун зиндонга ташланади. Отасининг елиб-югуришля-  
ри ва катта маблағ эвазига у уч ойдан кейин озод қилинади.

Гулшаний 1927–29 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осие Давлат  
университетида ўз билимини оширади. Сўнгра Тошкент, Фарго-  
на, Бухоро, Самарқанд вилоятларида турли давлат идораларида  
хизматчи бўлиб ишлайди. 1957 йилда нафақага чиққач, ижод би-  
лан кенгроқ шуғулланиш имкониятига эга бўлади. 1962 йилда Ўз  
ФА Тил ва адабиёт институтига илмий ходим бўлиб ишга ки-  
ради ва Алишер Навоий асарларини нашрга тайёрлашда фаол ишти-  
рок этади. Мумтоз адабиётнинг бир қатор нодир намуналарини  
форс тилидан таржима қилади.

70-йилларда ёзувчи Саъдулла Сиёев “Гулистон” журналида  
шоир ҳақида “Ҳукуматнинг авлиёси” номли каттагина мақола  
ёълон қилган эди. Кейинги йилларда ҳам матбуотда М. Хидиров,  
М. Элмуродова, Н. Салаев, А. Раҳим, Ҳ. Худойназаровларнинг  
мақолалари чоп этилди. 1998 йили “Насаф” нашриётида шоир-  
нинг “Алвидо” номли тўплами босилди.

Бугунги кунда Гулшанийнинг 2 жилддан иборат “Гулистони Гулшаний” девони, 3 жилддан иборат тожикча шеърлар тўплами, «Муаммоёт» асари ва дostonларидан иборат жами 16 минг 854 мисрадан иборат адабий мероси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлғезмалар жамғармасида сақланмоқда.

Гулшаний ҳаётининг сўнгги йилларида Қамаша шаҳрида яшайди ва 1978 йилда шу ерда вафот этди. Унинг бир газали қуйидагича:

Оҳким, жонимга қилди минг жафо мужгонларинг,  
Бунча ҳам хунрездур ноошно мужгонларинг.  
Тириборон қилғали жоду кўзинг атрофида,  
Мисли аскар саф чекибдур қоп-қаро мужгонларинг.  
Оразинг кўргач менинг шайдолигим етмасмиди,  
Устига устак не этгай можаро мужгонларинг.  
Қошларинг бирла кўзинг жон қасдига айлар имо,  
Шул сабабдин бўлди жонимга бало мужгонларинг.  
Оразинг масжид, қошинг меҳроб, кўзинг муқтадо,  
Айлади ул муқтадога иқтидо мужгонларинг.  
Гулшано, ҳаргиз муҳаббат йўлидин айрилмагай,  
Гар унинг жонига қилса минг жафо мужгонларинг.

## ФАЙЗУЛЛОХЎЖА РАВНАҚИЙ

Мумтоз адабиёт анъаналари Шаҳрисабзда Шўролар ҳокимияти даврида ҳам муваффақиятли давом эттирилди. Ана шу анъаналар асосида ижод қилган шахслардан бири Файзуллохўжа Иноятуллохўжа ўгли Равнақийдир. У 1892 йили зиёли оиласида таваллуд топган.

Шоирнинг отаси Иноятуллохўжа ўша даврда Шаҳрисабз муфтийси ва қозиси вазифаларида ишлаган. Оиладаги илмий ва ижодий муҳит таъсирида Равнақийнинг қобилияти эрта шаклланган. У ўзининг дастлабки шеърларини Рамзий таҳаллуси билан ёзган. Ижодидан дастлабки намуналар 1915 йилда Бухоро шаҳрида чоп этилган “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб” номли тўпламга киритилган.

Равнақий Бухородаги Кўкалдош мадрасасини битирган ва Шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, Шаҳрисабз қозиси лавозимида тайинланган. 1929 йилда қозилик тизими бекор қилинган, турли адлия идораларида ишлаган. 30-йилларнинг бошида дин арбобларини қатагон қилиш бошланади. Равнақий ҳам ўзининг кутубхонаси ва ёзилган асарларини яшириб, Тожикистоннинг узоқ қишлоқларига кўчиб кетади. У ерда хаттотлик ва табиблик қилади, тирикчилик ўтказиш учун турли ишларни бажаради. 50-йилларнинг охиридагина Шаҳрисабзга қайтиб келади.

Равнақий ўзбек ва тожик тилларида бирдай ижод қилган зул-лосонайн шоирдир. Шунингдек, у тасаввуф таълимоти ҳақидаги “Рисолаи тариқати Ишқия”, “Рисолаи Чиштия”, “Рисолаи жаҳрияи Яссавия” сингари асарлар муаллифидир. У ҳуснихат санъатини пухта эгаллаган хаттот ҳам бўлган. Ҳозирги кунда у кишининг қўллари билан ёзилган баёзлар, турли хат усуллари билан битилган матнлар сақланиб қолган. Жумладан, биргина “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” оятини 25 хил шаклда санъаткорона ёзганлар. Шаҳрисабзда фаолият олиб бораётган кўпгина хаттотлар у кишини устоз деб биладилар.

Бугунги кунда шоирнинг архиви ва бой кутубхонаси қизлари Хадича Хўжаева қўлида сақланади. Улар орасида 500 дан зиёд нодир қўлғезмалар бор.

Файзуллохўжа Равнақий 1978 йили Шаҳрисабзда вафот этган. Номлари ўзлари яшаган кўчага қўйилган.

## ФАҚИРИЙ ШАҲРИСАБЗИЙ

Шоир ва олим, тасаввуф шайхи Исмоилхон Иброҳимхон ўгли Фақирий Шаҳрисабзий 1910 йили ҳозирги Китоб туманининг Сарисоё қишлоғида туғилган. Фақирийнинг бобоси – Иноятуллохўжа Ўроқ ибн Мирза Калон Шаҳрисабз муфтийси, отаси Иброҳимхўжа эса Шаҳрисабзда Мирзо Улуғбек қурдирган жомеъ масжид имоми, мадраса раҳбари бўлган.

Уч яшарлигидаёқ отадан етим қолган Фақирий бобоси Иноятуллохўжа тарбиясини олган. Бобосининг вафотидан кейин она-

си – олима, Маҳзуна тахаллуси билан латиф ғазаллар битган Мушаррафа биби шоир тарбияси билан жиддий шуғулланган. Кейинроқ у тоғалари – Файзуллохўжа (Равнақий) ва Шукруллохўжалар таълимини олган. Шукруллохўжа ҳам илм ва санъатда катта қобилиятга эга бўлган, Қонеъ тахаллуси билан ғазаллар ёзган.

Олиму шоирлар даврасида вояга етган Фақирий ёшлигиданоқ шеърлар ёза бошлаган. Равнақийдан ҳуснихат борасида сабоқлар олган. Шўролар даврининг тазйиқларига қарамасдан, ўз даврининг машҳур алломалари – Каттахон Эшон Даҳбедий (Музний), қори Абдулла Гулшаний, Домла Ҳиндустоний ва машҳур шоир Ҳабибийлардан диний ва дунёвий илмларни ўрганган. Саъдий, Ҳофиз, Фирдавсий, Низомий, Навоий, Фузулий асарларини кўп мутолаа қилган. У ўзбек тилидан ташқари, бир нечта хорижий тилни ўзлаштириб, ўзбек, тожик ва араб тилларида асарлар ёзган.

Ҳозирги пайтда шоирнинг “Девон”, “Баёз”, “Ашъори мутафариқот” номли қўлёзма китоблари авлодлари қўлида сақланмоқда. Бу китобларда жамланган шеърларда Ватан ва ёр ишқи, илоҳий муҳаббат, тасаввуф, ахлоқ-одоб, инсоний фазилатлар мавзуси қаламга олинган. Бундан ташқари, у олим ва шайх сифатида ҳам бир неча диний-илмий асар қолдирган. “Заруриёт”, “Каломи мутафариқот”, “Тариқаи сулук”, “Рисолаи тариқати Кубровия”, “Рисолаи тариқат”, “Риёз ул-музаккирийн” сингари рисола ва мақолалари бунга мисол бўла олади.

Фақирий 1980 йили вафот этган.

Куйида шоир қаламига мансуб икки ғазал билан танишасиз.

\*\*\*

Улус мандин узулди, санга эй гул, мубтало кўргач,  
Рақиблар саҳт душман бўлди санга ошино кўргач.

Рухинг зебо эрур, сочинг белингда тўлгонур ҳар дам,  
Вале жондан умид уздим, мен андоғ аждаҳо кўргач.

Сабаб сан, роҳати жаннатни ташлаб кетди дунёга  
Сифоти оразинг Ҳавво била Одам Ато кўргач.

Қилиб тарки ибодат, савмаъадин юз ўгурдилар  
Чу зуҳд аҳли қошинг меҳробини бўйла қиё кўргач.

Бу янглиқ сап-сарик рухсорима қон ёшлар оқиздим,  
Лабингни қип-қизил, қошу кўзингни қоп-қаро кўргач.

Йўлингда хонумоним сарф қилдим, яп-яланғочман,  
Тараҳҳум айласанг шояд бу янглиғ бенаво кўргач.

Нигорим баски шўху ишвасанжу дилнавоз эрди,  
Совутди кўнглини манданки, гўё порсо кўргач.

Фақирийга тараҳҳум бирла ҳар дам бўсае назр эт,  
Шаҳаншоҳлар талаттуф айлаюрлар ҳар гадо кўргач.

\*\*\*

Худовандо, ўзунг лутф эт, мани қўйма хижолатда,  
Гуноҳимни сабук қилғил ўшал рўзи қиёматда.

Ба ҳаққи ул Ҳабибуллоҳ ўзунг раҳм эт бу банданга,  
Қатори жумлаи мўмин ҳамиша айла роҳатда.

Туфайли ул Муҳаммаддин ўзунг этма мани расво,  
Ҳабибинг ҳурматидин еткуруиб қурби саодатда.

Қиёмат шиддатидин қайнаса бошим қазон янглиғ,  
Шафъым ўлмаса Аҳмад, начук қилғум у ҳолатда?!

Кўтарғил бошимиздин ҳар балойи пур касофатни,  
Ки бўлдук биз балодин бенавою ҳам надоматда.

Чароғи динимизни то қиёмат бефуруғ этма,  
Ани ҳасмини қилғил то қиёмат шарру офатда.

Қилодур бу Фақирий санга кўп зор-илтижоларини,  
Дуосини қабул эттил ўшал рўзи ижобатда.

## НАЖМИДДИНХОН АСИРИЙ (НАЖОТИЙ)

Фақирийнинг укалари Нажмиддинхон Ҳамидов 1917 йилда Китоб туманининг Сарносиё қишлоғида туғилган. Онаси ва акаларининг таъсирида у ҳам ёшлигидан шеърлар ёза бошлаган. Дастлаб Асирий, кейинроқ Нажотий тахаллуси билан ижод қилган.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган шоир немислар қўлида асирликни, кейин эса Сталин даври қатағонларини бошдан кечирган. Аммо ёруғ кунларга, Ватаннинг истиқлолига ишончини йўқотмаган. Унинг “Авлодлар баёзи” (Тошкент, 1996) тўпламига кирган шеърларини ўқиганда бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Нажмиддинхон Асирий 1978 йили вафот этган. Шоирнинг 1953 йили битилган башоратомиз ғазали қуйидагича:

Ўқсима ғамгин юрак, ўлканг гулистон ўлғуси,  
Очилиб ҳар ён чечаклар мисли бўстон ўлғуси.

Шонли куч, эркин ҳаёт, бирлик шиоринг ярқираб,  
Миллий байроғинг буюкликда намоён ўлғуси.

Шаҳру қишлоқ, кент аросида очиб дорилфунун,  
Илм ўқуб анда қари-ёшлар билимдон ўлғуси.

Ўсгуси кундан-кунга санъат ила қорхоналар,  
Бошқа давлатлар таҳайюрдин дили қон ўлғуси.

Ҳақ насиб этса, ривож олгай дини исломимиз,  
Ҳам шаҳидлар руҳига кўп хатми Қуръон ўлғуси.

Бул ҳама бошдан кечирган кулфату ранжу алам  
Ёзилур зарҳал билан, тарихда дoston ўлғуси.

Тангри ёр ўлса кўрармиз, комил нймоним менинг,  
Эй, Асирий, душманинг ер бирла яксон ўлғуси.

## САЛОҲИДДИН МАННОН ЎҒЛИ (СОЛИҲИЙ)

Солиҳий 1905 йилда Шаҳрисабз шаҳрида таваллуд топган. Бухоро инқилобигача шу ерда эски мактаб ва мадрасанинг дастлабки босқичини битирган. Шўролар даврида Қашқадарёнинг турли туманларида (Китоб, Чироқчи, Қамаш) хўжалик муассасаларида ишлаган. Нафақага чиққач, Шаҳрисабзга қайтиб, ижодий иш билан машғул бўлган.

Солиҳий ўз шеърларини тартибга солиб, бир девон шаклига келтирган. Шунингдек, у “Шоҳ Аббос ва Шамсиқамар” деб номланган каттагина тарихий-дидактик дoston ҳам ёзган. Шоирнинг ушбу асарлари ҳозирги пайтда Ўз ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг “Ҳамид Сулаймон мажмуаси”да сақланмоқда. Солиҳий шоир замондошлари – Гулшаний ва Фақирийлар билан дўст ва ҳамфикр эди.

Солиҳий 1977 йили Шаҳрисабз шаҳрида вафот этган. Шоирнинг қўлёзма девонига кирган “Йўқлангиз” номли ғазалидан парча:

Дўстлар, ҳар дам фақирни сиз дуода йўқлангиз,  
Қўл очиб омин деганда фотиҳода йўқлангиз.

Ман магар йўқман у суҳбатда, бўлур руҳим шерик,  
Дўстлар тўпланган айни муддаода йўқлангиз.

Бирга ўсган ёру дўстлар, жон биродарлар мени  
Қилмайин ҳаргиз фаромуш ҳар сабода йўқлангиз.

Сиз яна улфатларимким, ёшингиз мандин кичик,  
Ҳар йиликким янги йил бўлган санода йўқлангиз...

Бўлди содир бевафоллик мандин эй, жононалар,  
Сиз туриб ўз аҳди паймони вафода йўқлангиз...

## АМИР ТЕМУР ДАВРИ ДИПЛОМАТЛАРИ

### ҲОЖИ МУҲАММАД ал-КЕШИЙ

Амир Темур Насаф ва Кешлик олимларни, диний ва дунёвий илмлардан хабардор, хорижий тилларни биладиган қобилиятли шахсларни ўз саройига ишга жалб этган. Улар турли лавозимлар қатори элчилик вазифасини ҳам адо этишган. Шундай шахслардан бири Ҳожи Муҳаммад Кешийдир. У Амир Темурнинг элчиси сифатида 1402 йилда Испанияга бориб, у ерда маълум муддат турган.

Бу пайтда Соҳибқироннинг шуҳрати бутун Оврупога ёйилган эди. Анқара жангидан кейин Кастилия ва Леон қироли Генрих учинчи (1390-1407) Амир Темур ҳузурига икки элчи юборади. Пайя де Сатомайор ва Герпен Санчас вазиятни ўрганиши, Шарқда пайдо бўлган янги кучли давлат – Темурийлар салтанати билан яхши қўшничилик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга интилишлари керак эди. Амир Темур ҳузурида элчилар ўзига хос ҳурмат ва эътибор билан кутиб олинадилар. Зеро, Соҳибқирон Ибн Халдун ва бошқа сайёҳлардан Испания ҳамда унга қўшни мусулмон Гренада давлати ҳақида кўп нарса эшитган эди. Шу сабабли бу элчиларга қўшиб у Ҳожи Муҳаммад Кешийни ҳам Испанияга жўнатади. У дўстона руҳда ёзилган мактуб, турли хил қимматбаҳо совғалар билан бирга Боязид Йилдирим ҳарамида бўлган икки масиҳий аёлни ҳам олиб кетади. Бу билан Амир Темур ўзининг масиҳийларга бўлган хайрихоҳлигини, салтанатида барча динлар учун эркинлик борлигини кўрсатмоқчи бўлади. Худди шу фикр Соҳибқироннинг Англия ва Франция қиролларига йўллаган мактубларида ҳам акс этган.

Ҳожи Муҳаммад Кастилия қироли саройида катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олинади. У саройдаги ва йирик зодагонлар

қасридаги қабулларда иштирок этади. Халқнинг тили ва урф-одатларини ўрганади. Табиийки, Кастилия ва унга қўшни Оврупо давлатларининг куч-қудрати, ўзаро алоқалари хусусида ҳам маълумотлар йиғади. Бу мамлакатда бир неча ой қолиб кетади. Генрих учинчи унга 1403 йилнинг май ойида қайтишга рухсат беради. Энди унга қиролнинг иккинчи элчилиги вакиллари – Фрай Альфонса Пазз де Санти Мария, илоҳиётшунослик олими Гомес де Салазар ва Рюи Гонсалес де Клавихо ҳамроҳлик қилади.

Элчилар узоқ, машаққатли йўлни босиб ўтадилар, кўплаб хатарларни бартараф этадилар. Амир Темур Кичик Осиёда ёки Қорабоғда турган пайтида унинг ҳузурига киришни режалаштирадилар. Аммо Константинополь (Истанбул)дан Трапезундга келаётган кема Қора денгизда ҳалокатга учрайди. Улар бир амаллаб қирғоққа чиқиб оладилар. Ҳожи Муҳаммад испанияликлар кийимини кийиб олади. Чунки Боязид Йилдиримнинг қочган аскарлари ва турли-туман қароқчилар кўп эди. Қулай йўл тополмаган элчилар яна Константинополга қайтишга мажбур бўладилар ва 1403-1404 йил қишини шу шаҳарда ўтказадилар.

Элчилар 1404 йилнинг баҳорида яна сафарларини давом эттирадилар. Трапезунд билан Арзинжон оралигидаги тоғларда бир неча бор қароқчиларга дуч келадилар. Аммо Арзинжондан кейин сафар осонлашади. Клавихонинг ёзишича, бундан кейинги карвон йўллари Амир Темур аскарлари томонидан қўриқланар, турли бекатлар – ёмларда озиқ-овқат, улов учун емиш мўл эди.

Табриз шаҳрига келганларида уларга Миср давлати элчилари ҳам қўшилади. Расмий доиралардан Амир Темурнинг Самарқандга йўл олганлигини эшитадилар. Бу ерда бир оз дам олиб, яна ўз сафарларини давом эттирадилар.

Султония шаҳрида уларни шаҳзода Мироншоҳ қабул қилади ва гўзал боғда элчилар шарафига зиёфат беради. Клавихо шаҳзода 40 ёшлар атрофидаги, баланд бўйли, тўладан келган, бод касали бир оз қийнаб қўйган шахс сифатида тасвирлайди.

Яна бир неча кундан кейин сафар давом эттирилади. Йўл азоби – гўр азоби, деганлари бежиз эмас. Ҳамроҳлардан бири – Гомес де Салазар Нишопур шаҳрида иситма касаллигидан вафот

этди. Ҳожи Муҳаммад ва ҳамроҳлари Балх шаҳри яқинида Амударёдан ўтиб, Термиз, Шаҳрисабз шаҳарлари орқали 1404 йилнинг август ойида Самарқандга етиб келадилар.

Элчилар 8 сентябрь куни Самарқанд ташқарисидаги Дилкушо боғида Амир Темур томонидан қабул қилинадилар. Ҳожи Муҳаммад маросимга негадир испанияликлар кийимида келади. «Темурбекнинг Кастилия қироли ҳузурига йўллаган элчиси ҳам биз билан бирга эди. Испанча кийинган элчини кўриб, ватандошларни кулиб юборишди», деб ёзади Клавиҳо.

Қабул маросимида Соҳибқироннинг кўрсатмаси билан Кастилия элчилари Чин элчиларидан юқорироққа ўтқазилди. Бу билан Амир Темур калондимоғ Чин элчиларининг бурнини ерга ишқаб қўйишни назарда тутган эди. Кастилия элчилари қиролнинг мактуби ва ҳаёларини топширадилар. Кўзи бир оз хираланиб қолган Амир Темур элчиларни яқинроққа олиб келишни буюриб, улардан қиролнинг соғлигини сўрайди.

Амир Темур одатда Оврупо мамлакатларига масиҳийлик дини пешволарини элчи қилиб юборган. Франциско, Франциско Садру, Султония шаҳри архиепископи Иоанн Ҳелонифонтибуслар ана шундай вазифаларни адо этишган. Масалан, 1402 йилда Иоанн Франция ва Англия қиролларига Соҳибқироннинг хатларини олиб борган. Мусулмон дипломатлардан фақат Ҳожи Муҳаммад ал-Кешийгина Оврупога боришга муяссар бўлган. Бу ҳам унинг қобилиятидан, бир неча тилларни, эҳтимол, Оврупо тилларидан бирини билганлигидан далолат беради.

## МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН КЕШИЙ

Мавлоно Жалолiddин ал-Холидий ал-Кеший машҳур тасаввуф шайхларидан бири, Амир Сайид Кулолнинг шогирдидир. Амир Темур бу шахснинг билими ва обрўидан мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ижобий фойдаланган. Мавжуд низоларни бартараф этиш мақсадида баъзи мамлакатларга элчи қилиб жўнатган. Шарафуддин Али Яздийнинг таъбири билан айтганда, «илм ва тақвосининг етуклиги, дарс ва фатвосинини

фазилати билан танилган» бу зот Хоразм волийси Ҳусайн Сўфи ҳузурига элчи қилиб юборилганлиги ҳам маълум. Бу ҳақда Яздий яна шундай ёзади: «Мавлоно Жалолiddин хайрихоҳлик юзидан Хоразм томон қаратди ва бу муҳим (вазифа)ни раҳми шафқат йўли билан ҳал этмоқчи бўлди. У ерга боргач, донишманд уламо ва динпарвар пешволарга хос бўлган насиҳат ва хушмуомалалик билан сўз қотди; низони тубдан бартараф этиш ва фитна оловини ўчириш учун оятлар ва исботига ҳадислар келтирди».

Аммо Ҳусайн Сўфи бу оқилона сўзларга қулоқ тутмайди ва элчини қамаб қўяди. Бундан хабар топган Амир Темур тезда Ҳусайн Сўфига мактуб йўллайди. Унинг матнига қуйидаги шеърый тўртлик ҳам илова қилинган эди:

Подшоҳлар удумио яхшилар иши,  
Наҳот шуни билмас ул зукко киши.  
Элчига ўлим йўқ, қамаб ҳам бўлмас,  
Буни инкор қилган хирадманд эмас.

Ҳусайн Сўфи бу мактубни олгач, Жалолiddин Кешийни озод қилиб, ўз юртига жўнатишга мажбур бўлади.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган “Чаҳор китоб” дарслигининг 2-қисми “Бидон”, яъни “ўрган”, “бил” деб номланган. Савол-жавоблар шаклида битилган ва ислом руқнлари ҳамда унга боғлиқ масалалар ҳақидаги бу асарни Жалолiddин Кеший ёзган деган тахминлар бор. 1913 йилда Ташкентда босилган “Чаҳор китоби туркий” дарслигининг сўнгги сўзида шундай фикр билдирилган.

## МАВЛОНО АБДУЛЛОҲ КЕШИЙ

Маълумки, Миср султони Барқуқ Амир Темурга ҳамиша душманлик кўзи билан қараган, бир неча бор унинг элчиларини қатл этган. Соҳибқироннинг ишончли одамларидан бири – Амир Отламишни қамоққа ташлаган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Отламиш Қоҳирада тижорат билан шуғулланган, аммо Амир Темурга Мисрдаги ички вазият, фуқароларнинг аҳволи ҳақида мунтазам

маълумотлар юбориб турган. Шу сабабли Ибн Арабшоҳ уни Амир Темурнинг хуфияларидан бири эди, дейди. Соҳибқирон уни қутқариш учун Мисрга тўхтовсиз элчилар юборади. Хатларда душманликдан воз кечиш, дастлабки қадам сифатида Амир Отламишни озод этиш талаб этилган эди.

Аммо Султон Барқуқ Амир Темурга қарши курашиш учун Олтин Ўрда ва Усмонли давлати билан яширин иттифоқ тузган эди. Бундан хабар топган Соҳибқирон рақибларининг режаларини чиплакка чиқаради. 1395 йили Олтин Ўрдага юриш қилиб, Тўхтамишхонни тор-мор қилади. 1399 йили эса султон Барқуқ тўсатдан вафот этади. Энди Елдириим Боязид Амир Темур билан юзмаюз қолган эди. Икки давлат элчиларининг саъй-ҳаракатлари ва ўзаро муносабатларни яхшилашга йўлидаги барча уринишларга қарамай, низо 1402 йили Анқара жанги билан яқунланади. Унинг натижаси эса сизга яхши маълум.

Аммо Соҳибқирон Миср давлати билан низоини тинч йўл билан бартараф этиш фикридан қайтмади. Шу мақсадда Мавлоно Абдуллоҳ Кеший Мисрнинг янги султони Фараж ҳузурига элчиликка юборилди. У султонни сулҳ шартномаси тузишга кўндириши керак эди.

XIV аср охири ва XV аср бошида яшаб, ушбу воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлган таниқли Миср тарихчиси Ибн Дўқмоқнинг гувоҳлик беришича, бундай сулҳ ҳақиқатан ҳам имзоланган. Миср султони ўзини Амир Темурнинг вассали, деб эътироф этган. Бу воқеа Мавлоно Абдуллоҳ Кешийнинг дипломатлик маҳоратидан ҳам далолат беради.



## НАСАФ ВА КЕШ ХАТТОТЛИК МАКТАБИ ВАКИЛЛАРИ

Қашқадарё воҳасининг бу икки маданий марказида хаттотликнинг тараққий этиши, шубҳасиз, Самарқандда қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши билан узвий боғлиқ. Атоқли рус олими В.В.Бартольднинг таъкидлашича, Шарқ халқларининг маданияти равнақида Самарқанд қоғози катта аҳамиятга эга бўлган. Бу ҳақда Абу Мансур Ас-Саолибий (961-1038) ўзининг “Китоб латонф ал-маориф” асарида шундай ёзади: “Самарқанднинг ўзига хос нарсаларидан бири қоғоз бўлиб, у Миср папируси ва авваллари хат ёзилган терилардан афзалдир. Чунки Самарқанд қоғози энг яхши, энг нафис, энг мулоим ва энг қулайдир. У фақат шу ерда ва Хитойдагина бўлади”.

Тарихчи Ибн ал-Асирнинг хабар беришича, Самарқандликлар қоғоз ясаш санъатини Хитой ҳунармандларидан ўрганганлар. Лашкарбоши Зиёд ибн Солиҳ томонидан 751 милодий йилда асир олинган хитойлик ҳунармандлар Самарқандга олиб келинган. Улар бошчилигида қоғоз жувози қурилган. X аср охирига келиб барча мусулмон мамлакатларида Самарқанд қоғози ишлатила бошланган. Ҳатто унинг довуғи Европа мамлакатларига ҳам тарқалган.

Табиики, бу кашфиёт Самарқандга энг яқин шаҳарлар бўлган Насаф ва Кешдаги маданий ҳаёт ривожига катта туртки берган. Ҳадисшунослик, тафсиршунослик, фикҳ илми, табийий фанлар ривожини билан бирга хаттотлик ҳам кенг ривожланган. Ўз ФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида сақланаётган, қашқадарёлик хаттотлар қўли билан кўчирилган кўплаб қўлёзма асарлар фикримиз далилидир. XIX асрнинг охирида Ўрта Осиёда китоб чоп этиш бошланганидан кейин ҳам узоқ вақт қўлёзма асарлар ўз аҳамиятини йўқотмади.

Ўтган асрларда хаттотларнинг меҳнати ва санъати қандай баҳоланганлиги ҳақида кўплаб мисоллар бор. Жазфар Табризий, Султонали Машҳадий, Абдулжамил котиб, Мирали Ҳиравий сингари хаттотлар ўз даврларида катта шуҳрат қозонганлар. XIX аср бошларида Бухоро ва Қўқон хонлари саройида хизмат қилган машҳур хаттот Саримсоқ Жиззахийга Амир Умархон ва унинг сарой аъёнлари ҳар бир қитъа учун 14 тилла тангадан берганлиги маълум. Гўзал ҳуснихат билан битилган китоблар ҳам санъат асари сифатида ниҳоятда қадрланган. Масалан, XVI асрда Бухорода хаттот Мирали Ҳиравий томонидан кўчирилган “Луқмоннинг юз насихати” номли китоб Ҳиндистонга бориб қолганида, Шоҳжаҳон уни қизи Жаҳоноробегим учун минг рупияга харид қилган экан. Яна бир китоб ошиғи – Бухоро қозикалони Мирзо Муҳаммад Шариф Садр (Зиё) машҳур хаттотлар асарларини жамлаган. Тарихнависларнинг ёзишича, бу ишда у вақтини ҳам, маблағини ҳам аямаган. Масалан, у Жомийнинг “Ҳафт авранг” асарини ва “Калила ва Димна” кўлёмасини 15 минг тангадан, 7 жилдли бир қомусий асарни 30 минг тангага сотиб олган. Ҳозирги пайтда Муҳаммад Шариф кутубхонаси кўлёмаларидан 300 га яқини ЎзФА Шарқшунослик институти Кўлёмалар хазинасида, бир қисми Тожикистон ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Кўлёмза китоблар ҳаминша нодир ҳужжат ва санъат асари сифатида қадрланган, авлоддан авлодга ўтиб келган. Бугунги кунда эса улар тарихимизнинг номаълум саҳифаларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Насаф ва Кеш хаттотлари орасида ҳам ўнлаб кўлёмаларни маҳорат билан, хатосиз ва гўзал кўчирган шахслар бор. Биз уларнинг баъзилари ҳақида маълумот бермоқчимиз.

### МУҲАММАД БИН САИД ан-НАСАФИЙ

Муҳаммад бин Саид бин Муҳаммад ан-Насафий 1204 йилда “Тафсир ал-Қуръон ал-Воҳидий” асарини кўчирган. Абулҳасан Али бин Аҳмад бин Муҳаммад ал-Воҳидий ал-Найсобурий (вафоти 1075 й.) қаламига мансуб бу асар узоқ асрлар давомида оммабоп қўллан-

малардан бири бўлиб келган. Мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган. Мазкур кўлёмза кўчирилганига 800 йилга яқин вақт ўтганлигига қарамасдан, тоза, яхши сақланган.

Ушбу асарнинг бошқа кўлёмза нусхалари Берлин, Техрон, Машҳад кутубхоналарида ҳам мавжуд. Аммо энг эскиси Муҳаммад ан-Насафий кўчирган нусхадир.

### МИРЗО ЮНУС ШАҲРИСАБЗИЙ

Мирзо Юнус Шаҳрисабзий (Муҳаммад Юнусхожа бин Бобохожа Шаҳрисабзий) XIX асрнинг биринчи ярмида туғилган. Шаҳрисабз мадрасаларида таълим олиб, машҳур хаттот ва истеъдодли шоир бўлиб етишган.

“Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан” китоби муаллифи А.Муродов шундай ёзади: “Юнусхўжа Шаҳрисабзий насх, настаълик, айниқса, шикаста катда форс адабиёти классиклари билан шуғулланувчи кишилар ўртасида “шикастанавис”, “Бедилнавис” котиб номи билан шуҳрат қозонган. 1853 йилларда Юнусхўжа шикаста катта яна айрим равиш бериб, кўп китобатлар қилган...”

Мирзо Юнус ҳуснихати билан китобат қилинган бир талай асарлар бизгача етиб келган. Улар орасида Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Лисон ут-тайр” асарлари, Мирзо Абдулқодир Бедил девонининг бир неча нусхалари, Абдураҳмон Жомийнинг “Шарҳи рубоийёт”, “Лавойиҳ” асарига ёзилган шарҳ ва бошқа китоблар бор.

Машҳур котиб 1870 йиллар атрофида бир муддат Тошкентда яшаган. Генерал Жўрабекнинг таклифи билан келган бўлса керак, унинг меҳмонхонасида яшаб, ижод қилган. Бу ҳақда у 1872 йилда кўчирган “Хамса” таркибига кирган дostonлар охирида маълумот берган. Бу маълумотга кўра, котиб генерал девонхонасида ёзув-чизув ишлари билан шуғулланган, “турку тожик тилларида” мактублар ёзиб бериш билан гирикчилик ўтказган. Бўш вақтларида эса “Хамса”ни кўчирган.

Мирзо Юнус Шаҳрисабзийнинг шеърини истеъдоди ҳам юксак бўлган. У турли жанрларда ижод қилган, девон тузган. Аммо

девони ҳозирча топилган эмас. Бизгача етиб келган “Хуснихат қитъалари” асари унинг маҳоратидан далолат беради. Қитъалар ўзининг мазмуни билан ҳам, хуснихатининг гўзаллиги билан ҳам таҳсинга сазовор.

## ИБРОҲИМ ДЕВОНА

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган машҳур хаттот. Шаҳрисабзда туғилган ва шу жойда таҳсил олган. Хуснихатда ўз даврининг илғор намояндаларидан бирига айланган. Араб ёзувининг турли шакллари ниҳоятда чиройли ёза олган. Кўплаб шогирдлар етиштирган. Бобобек Иштибар ва Юнусхожа Шаҳрисабзийлар унинг машҳур шогирдларидир.

Иброҳим Девона қаламига мансуб айрим хуснихат намуналари асосида китобат қилинган асарлар бизнинг давримизгача етиб келган.

## МУҲАММАД САИД НАСАФИЙ

Муҳаммад Саид валади Шоҳ Саид Хожа Насафий 1818 йилда Саъдулдин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий” асарини кўчириб, китобат қилган. Шу йили турк олими Шамсуддин Хаёлийнинг “Ҳошия ила шарҳ ал-ақоид ан-Насафия” асарини кўчирган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Нажмиддин Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий” асари кўплаб шарҳларга сабаб бўлган. Тушунилиши осон бўлиши учун бундай шарҳларга ҳошиялар битилган. Муҳаммад Саид Насафий ўз ҳамюрти асарларига Абдулҳаким Сиёлкотий, Мулла Аҳмад бин Умар ал-Жандий томонидан ёзилган ҳошияларини ҳам кўчириб, китобат қилган.

## БОБОБЕК ИШТИБАР (ДОМЛА БОБОБЕК)

1784-1884 йилларда яшаган хаттот ва мударрис. Иброҳим Девона Шаҳрисабзийнинг шогирди. Ёшлик йиллари Шаҳрисабзда

кечган. Сўнгра Бухорода илм таҳсилга машғул бўлган. Амир Ҳайдарнинг тавсиясига кўра талабаларга хаттотликдан ва сарфу наҳдан (грамматика) дарс берган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Хаттотлик ва китобат илмидаги маҳорати туфайли шуҳрат қозонган. Бухорода махсус хаттотлик мактаби таъсис этган.

## МИРЗО АБДУВАҲҲОБ

Шаҳрисабз хаттотлик мактабининг йирик вакилларидан бири. XIX асрнинг иккинчи ярмида у 100 дан зиёд ноёб асарларни кўчирган. Маълум муддат Бухоро амирлигида хаттотлар бошлиги вазифасини ҳам адо этган. Катта қобилият ва билим доирасига эга бўлган Мирзо Абдуваҳҳоб араб ва форс-тожик тилларидаги матнларни ҳам хатосиз кўчирган. Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”, Абу Бакр ал-Маргинонийнинг “Ҳидоя”, Нозим Ҳиравийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” сингари асарлари бунга мисол бўла олади.

Мирзо Абдуваҳҳоб 1860-70 йиллар оралигида Китоб шаҳрида вафот этган.

## ИСКАНДАР НАСАФИЙ

Искандар Насафий 1834 йилда тасаввуф таълимотига оид “Қавоид ал-машойих” (“Шайхларнинг қоидалари”) ва “Ашжор ул-хулд” асарларини кўчириб, китобат қилган. Бу нусхалар ЎзФА Шарқшунослик институти Кўлөзмалар жамғармасида сақланмоқда.

## МУҲАММАД ИБОДУЛЛА НАСАФИЙ

Муҳаммад Ибодулла бинни Абдулҳаким Маҳдуми Насафий ҳам тасаввуфга оид китобларни кўчириш билан шуғулланган. Жумладан, у 1854 йилда “Маноқиб ул-ғавсия”, “Тухфат ул-Қодирия”, “Ал-Рисолат ул-ғавсия” (Ал-Арабий асари) сингари китобларни настаълиқ хати билан кўчирган. Матнлар қалин ва сифатли Шарқ қоғозига битилган.

## ИМОМУДДИН ШАҲРИСАБЗИЙ

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида яшаган машҳур хаттот ва шоир.

Баъзи манбаларга кўра, Амир Музаффар (1860-1885) исёнкор Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ бекликларига қарши юриш қилганида, аҳолидан аёвсиз ўч олган, бир қисмини сургун қилган. Ёш Имомуддин ҳам Бухорога ҳайдаб олиб кетилган ва шаҳар ташқарисида яшашга мажбур қилинган. Фақатгина Абдулаҳадхон (1885-1910) даврида унга Бухорога кўчиб ўтишга рухсат берилган.

Имомуддин Шаҳрисабзий ҳуснихат ва китобат орқасидан тиркчилик қилган. У 200 га яқин асарни насх, настаълик, настаълиқи жаъли хатлари билан китобат қилган. Бухоро хаттотлик мактабининг юксалишига катта ҳисса қўшган.

### ЕРМУҲАММАД ҚОРИ (ҚОРА) ШАҲРИСАБЗИЙ

XIX асрда Шаҳрисабз шаҳрида яшаган моҳир котиб. У асосан Алишер Навоий асарларини кўчириш билан шуғулланган. Ўз ФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида котиб гўзал настаълик хати билан кўчирган бир қанча қўлёзма асарлар сақланмоқда. Алишер Навоийнинг “Хамса” туркумига кирган дostonларини котиб 1821-22 йилларда, “Лисон ут-тайр” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарларини 1823-24 йилларда кўчириб, китобат қилган. Матнлар тўрт устун шаклида, олтин суви югуртирилган тўрт бурчак чизиқ ичига жойлаштирилган.

### ЭРГАШ ДЕВОНАЙИ КЕШИЙ

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида Эргаш Девонайи Кеший кўчирган Бобораҳим Машрабнинг “Мабдаи нур” ва “Девони Машраб” асарлари сақланмоқда. Настаълик хати билан битилган бу қўлёзмалар 1823-24 йилларда китобат қилинган.

## ЗИЁУДДИН АЛ-КЕШИЙ

Шамсуддин Аҳмад Афлокий қаламига мансуб “Маноқиб ул-орифийн ва маротиб ул-кошифийн” (“Орифлар маноқибн ва аҳли кашфларнинг мартабалари”) асари оташнафас шоир Жалолиддин Румий, унинг аждоду авлодлари ҳаётига бағишланган. Зиёуддин валади Охунд домла Муҳаммад Раҳим ал-Кеший мазкур асарни 1831 йилда настаълик хати билан кўчириб, китобат қилган.

Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи Қофия” асари ҳам котиб томонидан 1845 йилда кўчирилган. Бу икки асар ҳам ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда. Котибнинг тўлиқ исми – Зиёуддин валади Охунд домла Муҳаммад Раҳим ал-Кешийдир.

### МУҲАММАД ЛАТИФ КЕШИЙ

Саййид Али бин Шаҳобуддин Ҳамадоний қаламига мансуб “Авроди фатҳиййа” (“Фатҳ этиш дуолари”) асарида машҳур авлиёлар ва алломаларнинг дуолари жамланган. Бу асарга Муҳаммад Жаъфар Жаъфарий томонидан ёзилган шарҳни Муҳаммад Латиф Кеший 1793 йилда кўчириб, китобат қилган. Бу қўлёзма Ўз ФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида сақланмоқда.

### АБДУМАЛИК ШАҲРИСАБЗИЙ

Абдумалик Шаҳрисабзий 1865 йилда Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” асарини чиройли ҳуснихат билан кўчирган. Ҳар бир дostonга алоҳида унвонлар ишланиб, китобат қилинган. Мазкур қўлёзма китоб Ўз ФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида 1586 рақами остида сақланмоқда.

### РАҲМАТУЛЛА ФИЗОЛИЙИ КЕШИЙ

Дарвиш Муҳаммад ибн ДўстМуҳаммад Бухорийнинг “Фавойид ул-хутут” (“Хатларнинг фойдалари”) номли асари 1585 йилда ёзилган. Мазкур асарнинг 1808 йилда кўчирилган нусха-

си ЎзФА Шарқшунослик институтининг Қўлёмалар жамғармасида сақланмоқда. Бу нусха Раҳматулла ибн Мирзо Вали ибн Мирзо Ғизолийи Кеший томонидан кўчириб, китобат қилинган.

### **МИРЗО АБДУЛҚОДИР КЕШИЙ**

Муҳаммад Вафойи Карминагий қаламига мансуб “Тухфат ул-хоний” ёки “Тарихи Раҳимхоний” асари 1721 йилдан 1769 йилгача Мовароуннаҳр ва хусусан Бухорода рўй берган воқеалар баёнига бағишланган. Асарнинг сўнгги қисми Муҳаммад Раҳимхон ўрнига келган Муҳаммад Дониёлбий оталиқ кўрсатмаси билан 1817 йилда Насафлик Домла Олимбек валади Ниёзқулибек Эшон томонидан ёзилган.

Мазкур асарнинг қисқартирилган ва соддалаштирилган варианты котиб Мирзо Абдулқодир Кеший томонидан 1906 йилда кўчирилган. У Абдулаҳадхон (1885-1910) даврида Яккабоғ беги бўлган Жаҳонгирбек додхоҳ буюртмасига кўра ҳозирланган. 229 варақдан иборат бу нусха ЎзФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида сақланмоқда.

### **МУҲАММАД ШЕРАЛИБЕК ШАҲРИСАБЗИЙ**

Муҳаммад Содиқ ибн Абдулбоқи ибн Иззаддин ал-Фарғоний қаламига мансуб “Ҳадоийқ ул-ахбор” (“Хабарлар боғи”) китоби 1551 йилда ёзилган бўлиб, тасаввуф масалаларига бағишланган.

Муҳаммад Шералибек Шаҳрисабзий ибн Қурбонбек котиб асарни 1877 йилда майда настаълиқ хати билан кўчирган. 205 варақдан иборат нусха ЎзФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида сақланмоқда.

### **МУҲАММАД ОБИД ШАҲРИСАБЗИЙ**

Алишер Навоийнинг машҳур беш дostonдан иборат “Хамса” асари турли асрларда қайта-қайта кўчирилган. Муҳаммад Обид-

жон валади Носиржонбой Шаҳрисабзий томонидан 1857 йилда кўчириб, китобат қилинган нусха ҳам шулардан биридир. 271 варақдан иборат мазкур китоб ЎзФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида сақланмоқда.

### **АБДУЛҒАФУР ШАҲРИСАБЗИЙ**

ЎзФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида Муҳаммад Закариё Розий асарлари асосида ҳозирланган тиббий мавзудаги бир қўлёмма мавжуд. У номаълум муаллиф томонидан араб тилидан форс тилига таржима қилинган асар бўлиб, Абдулғафур Шаҳрисабзий уни 1818 йилда кўчириб, китобат қилган. Асар охирида котиб шундай изоҳ берган: “Закариёнинг бу муборак тиб китоби фақири ҳақир Абдулғафур валади Мулла Хотам Шаҳрисабзий қўли билан кўчирилди”.

### **САИДНАЗАР НАСАФИЙ**

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган машҳур хаттот, Қарши хаттотлик мактабининг йирик вакилларида бири. У шикаста ва настаълиқ хатлари билан кўчирган кўпгина ноёб асарлар бизгача етиб келган. Улар орасида илмий асарлар, шеър девонлари, баёзлар ва тазкиралар бор. У жами 300 дан ортиқ асарни китобат қилганлиги маълум.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёмалар фондида Саидназар Насафийнинг ҳуснихати билан кўчирилган Иноятулло Бухорийнинг “Ҳошия”, Юсуф Қорабоғийнинг “Тахтал Ҳошия”, Мулло Аҳмаднинг “Ҳошияи кутбия”, Асомиддиннинг “Ҳошия ал-фавоидул зиёия” сингари асарлари сақланмоқда.

Саидназар Насафийнинг ҳуснихати зеболиги билан ҳам, беҳатолиги билан ҳам диққатга сазовор. Мутахассисларнинг фикрича, ана шу фазилатлари туфайли хаттот қаламига мансуб нусхалар нашрга тайёрлаш жараёнида таянч манба вазифасини ўтайди.

## МУҲАММАД ЮСУФ ШАҲРИСАБЗИЙ

XIX асрнинг биринчи ярмида Шаҳрисабз хаттотлик мактабида вояга етган гўзал ҳуснихат соҳиби. Унинг хати билан китобат қилинган бир қанча асарлар сақланиб қолган. Жумладан, у 1827 йилда Алишер Навоийнинг “Чаҳор девон” (“Тўрт девон”), 1828 йилда “Хазойин ул-маоний”, 1857 йилда эса “Тарихи мулуки Ажам” асарларини чиройли наставлик хати билан кўчириб, уларга гўзал безаклар ишлаган.

## АБДУЛЛОБЕК КОТИБ

XIX асрнинг биринчи ярмида Яккабоғда туғилган. Катта мавқега эга бўлган мирлар хонадонида вояга етган. Шу туфайли Абдуллобек ва унинг акаси Абдурахмонбеклар ўз даврининг илғор фикрли, фозил кишилари бўлиб етишган.

Амир Музаффар исёнкор Шаҳрисабзга юриш қилганида Яккабоғ беклиги аҳолисини ҳам қатағон қилади. Амирликка қарши кайфиятда бўлган фозил ва акобирларни қатл этади, бир қисмини сургун қилади. Мирзо Абдуллобек ва Абдурахмонбеклар ҳам Бухорога олиб кетилади. Бу ерда Абдурахмонбек қатл қилинади, Абдуллобек эса зиндонга ташланади. У 10 йил давомида зиндонда хаттотлик ва шоирлик маҳоратини камолга етказади.

Абдуллобек котиб араб, форс-тожик ва ўзбек тилларидаги бир қатор асарларни чиройли ҳуснихат билан кўчирган.

У 1914 йилда вафот этган.

## МУҲАММАД ЛАТИФ

XIX асрнинг биринчи чорагида Муштоқ Шаҳрисабзий, Муҳаммад Шариф каби ижодкорлар Қўқон шаҳрига кўчиб кетишган. Бу даврда Қўқон илм-маърифат ва маданият маркази сифатида танилган эди. Муҳаммад Шарифнинг ўғли Муҳаммад Латиф ана шу муҳитда истеъдодли хаттот бўлиб етишган. У 1813

йилда кўчирган Алишер Навоийнинг “Чор девон” асари бизгача етиб келган. Девон ўзининг зийнатлари, имлоси ва ҳуснихати билан эътиборни жалб этади.

## МИРЗО ИСОМИДДИН НАСАФИЙ

Ўз ФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар жамғармасида Мирзо Исомиддин Насафий томонидан кўчирилган 5 асар сақланмоқда. Улар тасаввуф таълимоти ва машҳур шайхлар ҳаётига оид. 1915 йилда кўчирилган “Шайх Шамсиддин Ҳабибулла Мирза Жони Жонон”, “Рисолайи Абдулазиз хожайи Амир Кулоли”, “Шайх Шоҳ Абдулла (Фулом Али Шоҳ)”, “Хожа Амир Кулоли” сингари асарлар шулар жумласидан.



**БУЛАРДАН ТАШҚАРИ, ЎЗ ФА ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ҚЎЛЁЗМАЛАР ЖАМҒАРМАСИДА ҚУЙИДАГИ КОТИБЛАР  
ТОМОНИДАН КЎЧИРИЛГАН ҚЎЛЁЗМАЛАР САҚЛАНМОҚДА:**

1. **Ражаб бин Шоҳим Али Насафий** – 1590 йилда араб тили грамматикаси ҳақидаги бир асарга Исомиддин бин Иброҳим бин Муҳаммад бин Арабшоҳ ал-Исфароиний (вафоти – 1536 й.) шарҳини кўчирган.

2. **Муҳаммад Абдуссалом ибн Муҳаммад ал-Насафий** – 1547 йилда Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарини кўчирган.

3. **Худойқули Хузорий котиб** – XVI аср охири, XVII аср бошларида Бурҳониддин ал-Зарнужий ал-Ҳанафийнинг “Таълим ул-мутааллим...” асарини кўчирган.

4. **Хўжамберди бин Мулло Қарайи Насафий** – 1632 йилда Жомийнинг “Ҳафт авранг” асарини кўчирган.

5. **Искандар Насафий** – 1669 йилда Амир Шайх Ҳайдар Гужародийнинг “Ҳидоят ул-мухлисийн” асарини кўчирган.

6. **Неъматуллоҳ ал-Муфти** валади қози Нахшабий – 1705-06 йилларда ислом дини қоидаларига оид уч асарни кўчирган. Улардан бири ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифанинг “Ал-фиқҳ ал-акбар” асаридир.

7. **Муҳаммад Шариф Насафий** – 1798 йилда Хожа Мавлононинг (1448–1533) “Сулук ул-мулук” китобига гўзал муқова ишлаган.

8. **Абдулғафур валади Мулло Ҳотам Шаҳрисабзий** – 1818 йилда тиббиётга оид “Ихтиёр аз жамии кутуби ҳукамо” асарини кўчирган. Инсон аъзоларининг касалликлари ва содда ҳамда мураккаб дорилар ҳақидаги бу тўпلامни ўзи тузган бўлса керак.

9. **Муҳаммад Раҳим ал-Кеший** – 1845 йилда Жомийнинг “Рисолаи қофия” асарини кўчирган.

10. **Мирзо Файзуллоҳ Хузорий** – 1854–55 йилларда “Девони Машраб” ва “Мабдаи нур” асарларини кўчирган.

11. **Низам Муҳаммад Қаршигий** – 1862 йилда тиббиётга оид “Наводир ул-фавоид ва мажмаъ ул-жавоҳир” асарини кўчирган.

12. **Мирзо Абдулқодир Насафий** – 1850-51 йилларда Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарларини кўчириб, китобат қилган.

13. 1856 йилда Шаҳрисабзда Шайх Муҳаммад Бақо бин Фулом Муҳаммад Сахаронпурийнинг (1627-1683) тарихий мавзудаги “Миръот ул-олам” асари кўчирилган. 522 саҳифали бу китоб Шаҳрисабзлик 30 га яқин котиб томонидан кўчирилган.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмон Жомий. “Баҳористон”. Душанбе. 1966.
2. Абу Мансур ас-Саълибий. “Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср” (“Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси”). Тошкент. 1976.
3. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. “Баҳоуддин Балогардон”. Тошкент. 1993.
4. “Авлодлар баёзи”. Нашрга тайёрловчи С.Исомиддинов. Тошкент. 1996.
5. Аминов А. «Ҳисорнинг қирқ мўъжизаси». Тошкент. 1990.
6. Агтор Фаридиддин. “Тазкират- ул авлиё”. Тошкент. 1997.
7. Афсаҳзод А. “Дар сафи бузургон”. Душанбе. 1986.
8. Аҳмедов Б. “Давлатшоҳ Самарқандий”. Тошкент. 1967.
9. Барака Х. “Тасаввуф”. Самарқанд. 1997.
10. Бердиев А. “Авлодлар кўприги”. Тошкент. 2001.
11. Бертельс Е.Э. “История литературы и культуры Ирана”. Москва. 1988.
12. Бухорий С.С. “Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир”. Тошкент. 1993.
13. Воҳидов Ш., Исмоилов М. “Фақирӣ, Равнақӣ ва Нажотийларнинг илмӣ ва адабий мероси”. Қўлёзма.
14. “Гулшани адаб”, 1-4 жилдлар, Душанбе, 1975-77
15. Гулшаний А. “Алвидо”. Қарши. 1998.
16. Деҳхудо. “Луғатнома”. 11-13 жилдлар. Техрон нашри.
17. “Дурдонаҳо”. Душанбе. 1977.
18. “Дурдонаҳои маданияти Тоҷикистон дар ганжинаҳои Ҳиндустон”. Душанбе. 1984.
19. “Дурдонаҳои наср”. 1-2 жилдлар. Душанбе. 1989.

20. Заходер Б.Н. “Мухаммед Нахшаби”. Уч. записки МГУ. 1940 г., вып.41.
21. Заходер Б.Н. «Кази Ахмед. Трактат о каллиграфиях и художниках». Москва- Ленинград. 1947.
22. Зеҳни Т., Саъдиев С. “Суханварони сайқали рӯи замин”, Душанбе. 1973.
23. Зиёдов Ш. “Ал-Мотуридӣ ҳаёти ва мероси” Тошкент. 2000.
24. Зимин Л.А. “Нахшеб, Несеф, Карши”. Ташкент. 1927.
25. «Ислам на территории бывшей Российской империи». Энци. словарь. Москва. 2001.
26. Йўлдошев Б. “Қашқадарё бадиияти”. Тошкент. 1998.
27. Кабанов С.К. “Нахшаб на рубеже древности и средневековья”. Тошкент. 1977.
28. Камалиддинов Ш.С. «Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX- начала XIII вв.». Ташкент. 1996.
29. Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-ансаб Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии”. Ташкент. 1993.
30. “Каталог восточных рукописей Академии наук Узбекистана”. 1-11 тома
31. Комилов Н. “Тасаввуф”. Тошкент. 1996.
32. Майендорф Е.К. «Путешествие из Оренбурга в Бухару». Москва. 1975.
33. Массон В.М. “История древнего Востока”. Москва. 1988.
34. Маннонов Б.С. “Амир Темур дипломатияси”. “Шарқшунослик” тўплами, N 7.
35. Маньковская Л.Ю. “Қашқадарёнинг архитектура ёдгорликлари”. Тошкент. 1979.
36. Михалева Г.А. “Узбекистан в XVIII – первой половине XIX века. Ремесло, торговля и пошлины”. “Фан”. 1991.
37. “Нақшбанд устозлари ва муридлари”, тузувчи Б.Қозоқов. Бухоро. 1993.
38. Насафӣ Азизиддин. “Зубдат ул-ҳақоӣйқ”. Тошкент. 1995.
39. Насафӣ Нажмуддин. “Самарқандия”. “Узбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти. 2001 й.

40. Насриддинов Қ. “Қарши қалъаси”. “Насаф” нашриёти. 2005.
41. Низомиддинов И. “Из истории среднеазиатско-индийских отношений”. Тошкент. 1969.
42. Низомулмулк. “Синёсатнома”. Тошкент. 1997.
43. Олим С. “Хожа Баҳоуддин ҳақиқати”. Наманган. 1994.
44. Пьянков И.В. “Средняя Азия в античной географической традиции”. Москва. 1997.
45. Пригарина Н.И. “Мирза Галиб”. Москва. 1986.
46. Равшанов П. “Қашқадарё тарихи”. Тошкент. 1995.
47. Равшанов П. “Адабий саҳифалар”. Тошкент. 1985.
48. Равшанов П. “Тарих бадиияти”. Тошкент. 1989.
49. Равшанов П. “Ватан тарихидан”. “Насаф” нашриёти. 2003.
50. Рустамов Э.Р. “Узбекская поэзия в первой половине XV века”. Москва. 1963.
51. Сайф Абдулризо. “Азизиддин Насафийнинг ҳаёти ва ижоди”. “Сино” журнали. №7. 2002.
52. Самарқанди Низами Арузи. “Собрание редкостей или четыре беседы”. Москва. 1963.
53. Самарқандий Давлатшоҳ. “Шоирлар бўстони”. Тошкент. 1981.
54. Самъоний Абдулкарим. “Насабнома”(Ал-ансоб), “Бухоро” нашриёти. 2003.
55. Сафий Фахруддин Али. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Тошкент. 2004.
56. «Собрание восточных рукописей АН Узбекистана» (История). Ташкент. 1998.
57. Сулайманов Р.Х. “Древний Нахшаб”. Ташкент, 2000
58. Сулаймонов Р.Х. “Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари”. Тошкент. 2004.
59. “Суфизм в контексте мусульманской культуры”. Сборник. Москва. 1989.
60. “333 рубоий”. Тошкент. “Нур”. 1991.
61. “Ўзбек адабиёти”. Тўртинчи том, иккинчи китоб. Тошкент. 1960.

62. “Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият”. Тошкент. 2003.
63. Хушваков О. У. “К истории долины Кашкадарьи”. Ташкентский Государственный университет. 1994.
64. Чориев А. “Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиби”. Тошкент. 1996.
65. Шарафиддин Роқимий. “Тарихи томм”. Тошкент. 1998.
66. “Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни”. Тошкент. “Фан” нашриёти. 2002.
67. Шукуров Ш. “Мирзо Бедилнинг поэтик мероси”. Тошкент. 1979.
68. “Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик”. 1-2 жилдлар. Душанбе. 1988.
69. «Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар». “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. Тошкент. 1998.
70. Қораев Т. “Мавлоно Хиромий”. Тошкент. 1975.
71. Қориев О. “Ал-Марғиноний – машҳур фикҳшунос”. Тошкент. 2000.
72. Гафуров Ф. Шоймардонов И. Тўхлиев Ж. “Яккабоғ тумани”. Тошкент. 1977.
73. “Ҳазрати Башир тарихи”. Нашрга тайёрловчи А.Чориев. Тошкент. 1994.
74. Ҳасанов М., Шоюнусов А., Раззоқова М. “Шаҳрисабзлик котиблар”, кўлёзма.
75. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. “Марказий Осиёда Ислом маданияти”. Тошкент. 2005.
76. Ҳомидий Ҳамиджон. “Кўҳна Шарқ даргалари”. Тошкент. 1999.
77. Ҳомидий Ҳамиджон. “Тасаввуф алломалари”. Тошкент. 2004.
78. Якубов Б. «Шаҳрисабз ва Китоб тарихидан”. “Насаф” нашриёти. 1996.

## МУНДАРИЖА

А. Орипов. Насафийларнинг сўнмас нафаси .....	3
Воҳа тарихига бир назар .....	5
Нахшаб – Насаф – Қарши .....	9
Тарихий манбалар гувоҳлик беради .....	11
“Қарши” сўзининг маъноси .....	13
Буюк маърифатпарвар номи билан .....	14
“Илм ва адаб қуббаси” .....	15
Тазкира – алломалар ёдномаси .....	19

### Насаф ва Кеш алломалари

Муъаз ибн Ёқуб ан-Насафий .....	21
Абдулҳамид ал-Кеший .....	21
Абу Туроб Нахшабий .....	23
Абул Ҳорис ал-Варасиний ан-Насафий .....	24
Абул Мутъ Макхул ан-Насафий .....	25
Муҳаммад Нахшабий .....	26
Абу Усмон ан-Насафий .....	27
Ҳусайн ибн Хизр Насафий .....	27
Абул Аббос Жаъфар ан-Насафий .....	27
Абдулазиз ан-Нахшабий .....	28
Абдулазиз ал-Ҳалвоний .....	29
Абул Ҳасан ал-Баздавий .....	30
Абул Муъин ан-Насафий .....	31
Абу Бакр Муҳаммад ал-Баладий .....	32
Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафий .....	33
Шамсиддин Сўзаний .....	35

Аҳмад ибн Мусо ал-Кеший .....	37
Шамсиддин Муҳаммад ал-Ҳаким Кеший .....	38
Амир Хусрав Деҳлавий .....	38
Муҳийиддин Яҳё ибн Шараф ан-Насафий .....	44
Муаййиддин Насафий .....	44
Шаҳобиддин Аҳмад Насафий(Самарқандий) .....	45
Абубакр Насафий (Шарафиддин Хусом) .....	46
Азизиддин Насафий ибн Муҳаммад .....	48
Абулбаракот ан-Насафий .....	51
Бадриддин Нахшабий Румий .....	54
Зиёуддин Нахшабий .....	54
Лутфулла ан-Насафий ал-Қайдоний .....	59
Али Насафий .....	59
Мавлоно Рукниддин Насафий .....	59
Қусам Шайх .....	59
Баҳоуддин Қишлоқий .....	61
Шамсуддин Купол ал-Кеший .....	61
Ҳазрати Башир .....	62
Хожа Абулбарака (Фироқий) .....	64
Айюб Шаҳрисабзий бин Абулбарака .....	66
Мавлоно Соийлий .....	67
Мавлоно Мир Қарший .....	68
Маҳмуд Насафий .....	68
Муҳаммад Хожа ал-Хузорий .....	69
Лозимий Кеший .....	70
Баҳорий Насафий .....	70
Нажми Кеший .....	70
Мавлоно Хожагий Имканагий .....	70
Саидшоҳ Касбийи .....	72
Ҳаким Шаҳрисабзий .....	72
Мир Табиб .....	73
Қози Саид Харрозий .....	73
Амир Боқий Косоний .....	74
Мирзо Малолий .....	74
Қози Аъзиддин Касбий .....	74
Дастур Насафий (Нодир) .....	75

Мирзо Абдулқодир Бедил .....	75
Хусомиддин Насафий .....	79
Мулло Надро Огоҳ (Насафий) .....	80
Абулқосим ал-Касбавий .....	80
Насим Маҳрам .....	80
Сайидо Насафий .....	81
Комил Насафий .....	83
Дўстмуҳаммад ал-Кеший .....	83
Ломеи Насафий .....	84
Қадри Насафий .....	84
Мулла Абдулхолиқ Озари Насафий .....	85
Сайидхожа Насафий .....	85
Салоҳиддин Салоҳий .....	85
Амин бин Нурмуҳаммад Насафий .....	86
Муштоқ Шаҳрисабзий .....	86
Мулла Қурбон Хиромий .....	86
Нисорий Насафий .....	88
Назар Муҳаммад ан-Насафий .....	89
Фараҳ Шаҳрисабзий .....	89
Тоҳира Насафий .....	90
Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий (Самарқандий) .....	90
Абдулла Раҳмон Гулшаний .....	93
Файзуллоҳўжа Равнақий .....	94
Фақирий Шаҳрисабзий .....	95
Нажмиддинхон Асирий (Нажотий) .....	98
Салоҳиддин Маннон ўғли (Салоҳий) .....	99

#### Амир Темур даври дипломатлари

Ҳожи Муҳаммад ал-Кеший .....	100
Мавлоно Жалолиддин Кеший .....	102
Мавлоно Абдуллоҳ Кеший .....	103

#### Насаф ва Кеш хаттоғлик мактаби вакиллари

Муҳаммад бин Саид ан-Насафий .....	106
Мирзо Юнус Шаҳрисабзий .....	107
Иброҳим Девона .....	108
Муҳаммад Саид Насафий .....	108
Бобобек Иштибар (Домла Бобобек) .....	108
Мирзо Абдуваҳҳоб .....	109
Искандар Насафий .....	109
Муҳаммад Ибодулла Насафий .....	109
Имомуддин Шаҳрисабзий .....	110
Ёрмуҳаммад Қори (Қора) Шаҳрисабзий .....	110
Эргаш Девонаи Кеший .....	110
Зиёуддин ал-Кеший .....	111
Муҳаммад Латиф Кеший .....	111
Абдумалик Шаҳрисабзий .....	111
Раҳматулла Ғизолийи Кеший .....	111
Мирзо Абдулқодир Кеший .....	112
Муҳаммад Шералибек Шаҳрисабзий .....	112
Муҳаммад Обид Шаҳрисабзий .....	112
Абдулғафур Шаҳрисабзий .....	113
Саидназар Насафий .....	113
Муҳаммад Юсуф Шаҳрисабзий .....	114
Абдуллобек котиб .....	114
Муҳаммад Латиф .....	114
Мирзо Исомиддин Насафий .....	115